

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС  
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ҚОРАҚАЛПОҚ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**О. НАЗАРБАЕВ, С. БАЙЖАНОВ**

**ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН  
РЕСПУБЛИКАСИНИ ИЖТИМОЙ-  
ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНТИРИШ  
СТРАТЕГИЯСИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ  
ВА АМАЛГА ОШИРИШ  
МЕХАНИЗМЛАРИ**

MAJBURIY BERILMIS NUSXA



Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси  
“Фан” нашриёти  
Тошкент – 2013

УЎК: 33(575.172) (072)

КБК: 65(5 Ў36-6 Қор)

*Минимор*

Монографияда минтақани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқишнинг илмий услубий асослари ёритилган, ташқи ва ички омилларнинг минтақа барқарор ривожланишига таъсири тадқиқ этилган. Қорақалпоғистон Республикаси табиий-иқтисодий салоҳиятидан ва нисбий рақобатбардошлик афзалликларидан фойдаланиш имкониятлари ёритиб берилган.

Қорақалпоғистон Республикасини узоқ муддатда ривожлантириш стратегиясини шакллантириш ва амалга ошириш механизмлари бўйича таклифлар киритилган.

Монография барча иқтисодий йўналиш ва мутахассисликларда таълим олаётган талабалар, магистрлар, тадқиқотчилар, мутахассис-амалиётчилар ва давлат бошқаруви органлари ходимларига мўлжалланган.

---

The monograph reveals the scientific and methodological basis for the development for the strategy of the region's socio-economic development, analyzes the impact of external and internal factors on the sustainable development of the region, as well as the use of relative competitive advantages, natural and economic potential of the Republic of Karakalpakstan. Makes suggestions on the formation and implementation of mechanisms of the development strategy of the Republic of Karakalpakstan in the long term.

The monograph is intended for students, masters and scholars of economic directions and professions, practitioners and specialists of state government.

Масъул муҳаррир:

иқтисод фанлари доктори, профессор **Т.М.Ахмедов**


Тақризчилар:

иқтисод фанлари доктори, профессор **Р. Хасанов,**

иқтисод фанлари доктори, профессор **А.Кенжебаев**

ISBN 978-9943-19-258-4

*№ 41502  
281*



© ЎЗР ФА "Фан" нашриёти, 2013 йил

## КИРИШ

Мамлақатимизда иқтисодий барқорорлик ва ўсиш шароитида минтақаларнинг илмий асосланган келажак истиқболларини ички ва ташқи омилларнинг таъсирини чуқур ўрганган ҳолда аниқлаш муҳим аҳамият касб этади. Минтақаларда мавжуд муаммо ва номутаносибликларни ҳал этиш, бой минерал хомашё, меҳнат, сув ва ер заҳираларидан самарали фойдаланишда, экологик вазиятни яхшилашда иқтисодийнинг узоқ муддатли стратегиясини ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш бугунги куннинг долзарб масалаларидан бири бўлиб қолмоқда.

Мамлақат ва минтақаларда юқори иқтисодий ўсишни таъминлашда мавжуд табиий-иқтисодий салоҳиятдан фойдаланишнинг самарали йўллари аниқлаш асосида аҳолининг турмуш даражаси ва сифатини ошириш амалга оширалаётган ислохотларнинг устивор йўналишларидан ҳисобланади.

Табиий-иқтисодий салоҳиятдан самарали фойдаланиш, йирик инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш, ўрта ва узоқ муддатда юзага келиши мумкин бўлган турли вазиятларни, жумладан иқлим ва экология, дунёдаги товарлар ва молия бозорларидаги ўзгаришларнинг таъсирини чуқур таҳлил қилишни тақозо қилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов таъкидлаб ўтганларидек: "...рўй бериши мумкин бўлган турли фалокатлар, жаҳон иқтисодийнинг юксалиши ва инқирозини олдиндан кўра билиш имконини берадиган, ҳар томонлама ўйланган тараққиёт дастури ва уни амалга ошириш стратегиясига эга бўлган мамлақат муваффақиятга эришади"<sup>1</sup>.

---

<sup>1</sup> И.А.Каримов. мамлақатимизда демократик ислохотларни янада чққурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси.// Халқ сўзи. 13 ноябрь 2010 й.

Бу каби масалаларни ҳал қилишда минтақаларнинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда узоқ муддатли иқтисодий ривожланиш стратегиясини ишлаб чиқиш катта амалий ва илмий аҳамиятга эга. Узоқ муддатли иқтисодий ривожланиш стратегияси ўз навбатида вужудга келиши мумкин бўлган турли сценария ва вариантларга асосланган бўлиши лозим.

Мамлакатимиз иқтисодиётининг минтақавий тузилишида Қорақалпоғистон Республикаси энг шимолда ўзига хос транспорт-географик жойлашувга эга. У ўзининг табиий-иқтисодий ва экологик муаммолари билан ажралиб туради.

Минтақада барқарор иқтисодий ўсишни таъминлаш кўп жиҳатдан келажакда ёқилги ва йирик минерал хомашё, сув ва ер заҳираларидан самарали фойдаланиш йўллари аниқ белгилаб олишни талаб қилади. Бундай шароитда табиий салоҳиятни, иқлим, чўллашув, экология ва бошқа омилларнинг минтақа ижтимоий-иқтисодий ривожланишига таъсирини ўрганиш, юзага келиши мумкин бўлган салбий оқибатларнинг олдини олиш муҳим вазифалардан бири бўлиб қолмоқда.

Шу нуқтаи назардан келиб чиққан ҳолда минтақани узоқ муддатли иқтисодий ривожлантириш стратегиясини турли сценария ва вариантлар асосида ишлаб чиқиш, оператив бошқарувдан стратегик бошқарувга ўтиш жуда муҳимдир.

Юқоридагилардан келиб чиқиб айтиш мумкинки, мазкур монография мавзуси мамлакатимизда ислохотларни янада чуқурлаштириш, барқарор ўсишни таъминлашга, аҳоли турмуш даражасини оширишга қаратилган устивор йўналишларни ҳал этиш нуқтаи назаридан танланган бўлиб, мавзунинг долзарблигидан далолат беради.

Минтақаларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, уларнинг келажagini аниқлаш масалалари кўплаб мамлакатимиз ва хорижий олимларнинг илмий-тадқиқот ишларида кенг миқёсда ўрганилган. Жумладан, хорижий иқтисодчи олимлар В.Кристалл, Л.А.Бандман, Р.Беннет, А.Вебер, А.Гранберг, Р.Н.Кистанов, Н.Н.Колосовский, Р.Н.Шнипер ва бошқаларнинг ишларида юқоридаги масалалар ўз аксини топган.

Ўзбекистонда ишлаб чиқаришни жойлаштириш,

самарали минтақавий таркибни шакллантириш, айрим минтақаларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш муаммолари мамлакатимиз олимлари М.А. Абдусалямов, Т.М. Ахмедов, Б. Рўзметов, А.С. Солиев, А. Содиқов, А. Қаюмов, А. Қодиров, Р.А. Убайдуллаева, Ф. Эгамбердиев, Ж. Медетуллаев ва бошқаларнинг илмий тадқиқотларида кенг ёритилган.

Лекин минтақаларни узоқ муддатли ривожланиш стратегияси, сценария ва вариантларини ташқи ва ички омиллар, бозор механизми, салбий ва ижобий оқибатлар нуқтаи назардан чуқур таҳлил асосида ишлаб чиқиш деярли ўрганилмаган. Айниқса, Устюртдаги кенг қўламда олиб борилётган геологик қидирув ишлари натижалари, иқлимни ўзгариши, чўллашув жараёни, Орол денгизи ҳолатини турли сценарияларини минтақавий ижтимоий-иқтисодий ривожланишига таъсири чуқур тадқиқот қилинмаган.

Тадқиқотга бундай ёндашув илгари амалга оширилган илмий асарлар ва диссертациялардан (Э.Д. Рахимов, Ж. Медетуллаев, Қ. Бектемиров, М. Гапиров, М. Бекмуродов ва бошқалар) тубдан фаркланади.

Монография кириш, учта боб, хулоса ва таклифлар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат.

Монографиянинг кириш қисмида илмий тадқиқот мавзусининг долзарблиги, ўрганилганлик даражаси ўз аксини топган.

Монографиянинг биринчи боби "Минтақани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқишнинг илмий-услубий асослари" деб номланган бўлиб, мазкур бобда минтақани узоқ муддатли ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқиш зарурлиги, ташқи ва ички омилларни ҳисобга олган ҳолда иқтисодиётни ривожлантириш сценария ва вариантларини тайёрлаш услублари ишлаб чиқилган.

"Қорақалпоғистон Республикасида табиий-иқтисодий салоҳиятдан ва нисбий рақобатбардошлик афзалликларидан фойдаланиш имкониятлари" деб номланган иккинчи бобда, минтақа иқтисодиётини ўсиш омиллари ва таркиби, барқарор ривожланишига ижобий ва салбий таъсир кўрстаувчи шарт-шароитлар очиб берилган.

Учинчи боб “Қорақалпоғистон Республикасини узоқ муддатда ривожлантириш стратегиясини шакллантириш ва амалга ошириш механизлари” деб номланган бўлиб, унда минтақани барқарор ривожлантиришнинг узоқ муддатли стратегияси, сценария ва вариантлари ишлаб чиқилади, устивор йўналишлари ва мақсадли кўрсаткичлари аниқланади, турли хавф-хатарларни олдини олиш ва юқори иқтисодий ўсишни таъминлаш механизлари бўйича таклифлар ишлаб чиқилган.

Маскур монографиянинг хулоса ва таклифлар қисмида тадқиқотнинг асосий натижалари умумлаштирилиб, илмий асосланган таклиф ва тавсиялар баён қилинган.

# **1-БОБ. МИНТАҚАНИ ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНТИРИШ СТРАТЕГИЯСИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШНИНГ ИЛМИЙ-УСЛУБИЙ АСОСЛАРИ**

## **1.1. Минтақа иқтисодиётини барқарор ривожлантириш стратегиясининг зарурияти**

Минтақани ривожлантириш стратегияси мураккаб бошқарув тизимининг муҳим ва ажралмас қисмидир. Стратегия минтақавий ривожланишнинг иқтисодий, ижтимоий ва экологик оқибатларини, меҳнат, табиий ва моддий ресурслардан самарали фойдаланиш йўлларини кўрсатиб беради.

Илмий жиҳатдан асосланмаган бошқарув тадбирларини амалга ошириш салбий оқибатларга ва қимматли йўқотувларга олиб келиши мумкин. Шу сабабли умумий қонуниятга айланган фикр “бошқариш бу олдиндан кўра билиш” тез ўзгараётган минтақавий ривожланиш ва ишлаб чиқариш кучларини жойлаштиришда жуда долзарб ва илмий-амалий аҳамиятга эга.

Хурматли Президентимиз И.А.Каримов таъкидлаганидек “.....биз ҳозирданоқ тараққиётимизнинг инқироздан кейинги даври ҳақида чуқур ўйлашимиз, бу борада узок муддатга мўлжалланган дастур ишлаб чиқиш ҳақида бош қотиришимиз керак. Мана шу ўта муҳим масалани, айтиш мумкинки, ҳал қилувчи стратегик вазифани эътиборимиздан чиқармаслигимиз зарур”<sup>2</sup>.

<sup>2</sup> Ислом Каримов. Жаҳон молиявий иқтисодий инқирози, «Ўзбекис-

Ўзбекистон ва унинг минтақаларини узоқ муддатли ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозидан сўнги давр учун устивор йўналишлардан бири бўлиб қолади.

“Узоқ муддатли истиқболга мўлжалланган, мамлакатимизнинг салоҳияти, қудрати ва иқтисодиётимизнинг рақобатбардошлигини оширишда ҳал қилувчи аҳамият касб этадиган муҳим устивор йўналиш – бу асосий етакчи соҳаларни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш, транспорт ва инфратузилма коммуникацияларни ривожлантиришга қаратилган стратегик аҳамиятга молик лойиҳаларни амалга ошириш учун фаол инвестиция сиёсатини олиб боришдан иборат”<sup>3</sup>.

Мустақиллик йилларида ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш стратегиясига бўлган талабнинг кам бўлишига қарамасдан, унинг иқтисодий сиёсатни амалга оширишда, иқтисодий тадқиқотлар назарияси ва амалиёти тараққиётида ижобий аҳамиятини таъкидлаб ўтиш лозим. Ўзбекистонда амалга оширилган кўпгина инвестицион лойиҳаларнинг (Қамчиқ довони, Навоий-Учқудуқ-Султон-Увайстоғ-Нукус ва Тошғуздор-Бойсун-Қумқўрғон темир йўллари, Шўртан газ- кимё мажмуаси, Қўнғирот сода заводи, Қоровулбозор нефтни қайта ишлаш заводи, Асака автомобиль заводи ва бошқалар) асосий мақсади узоқ келажакни кўзлаган ҳолда, мамлакатнинг миллий манфаатларини ва иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш, аҳоли турмуш даражасини босқичма-босқич юксалтиришга қаратилган.

Узоқ муддатга мўлжалланган ривожланиш стратегиясини мамлакат ва минтақалар доирасида долзарблиги ва заруриятини қуйидагилар билан асослаш мумкин.

Биринчидан, узоқ ва ўрта муддатли ривожланиш стратегиясига бўлган талабни кескин ошганлигини

---

тон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари.» Тошкент, Ўзбекистон, 2009, 36-37 бетлар

<sup>3</sup> Ислон Каримов. «Асосий вазифамиз ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир.» Тошкент, Ўзбекистон, 2010 й., 65 бет.



таъкидлаб ўтиш лозим. Бунинг асосида макроиқтисодий барқарорликка эришилганлик, иқтисодиётни бошқаришда оператив усуллардан келажакни прогнозлаштиришга ўтиш учун шарт-шароитларни яратилганлиги ётади. Ўзбекистонда 2006 йилдан бошлаб тармоқ ва соҳаларни ривожлантиришнинг ўрта муддатли дастурлари ишлаб чиқилди ва амалга оширилмоқда. 2008 йилда бошланган жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози узоқ муддатли ривожланиш стратегиясини ишлаб чиқиш учун катта туртки бўлди. Ўз навбатида мамлакат Президенти И.А.Каримов томонидан белгилаб берилган иқтисодиётни ривожлантириш ва модернизация қилишнинг устивор йўналишлари минтақалар доирасида узоқ муддатли стратегияни ишлаб чиқишга қаратилган илмий-амалий тадқиқотлар учун фундаментал асос яратади.

Иккинчидан, узоқ муддатли стратегия ва прогноз иқтисодиётни модернизациялаш шароитида амалга оширилаётган иқтисодий сиёсатнинг самарадорлигини оширишнинг муҳим инструменти бўлиб хизмат қилади. Иқтисодий прогнознинг амалий аҳамияти асосан ҳозирги вазиятнинг келажак истиқбол билан ўзаро боғланганлиги билан белгиланади. Стратегия фақат келажакни белгилаш учунгина эмас, балки чуқур таҳлил натижалари ва маълумотларидан амалга оширилаётган жорий иқтисодий сиёсатда кенг фойдаланишда зарур. Масалан, келажакда вужудга келиши мумкин бўлган муаммо ва тўсиқларни кўра билиш ва уларни олдини олишга қаратилган чора-тадбирлар тизимини ишлаб чиқишни тақозо қилади. Шунингдек мавжуд ижтимоий-иқтисодий муаммолар ва нумутаносибликларни бартираф этиш келажакни аниқлашда мезон сифатида фойдаланиш мумкин.

Учинчидан, узоқ муддатли стратегияда иқтисодиётнинг турли тармоқлари ва секторларини ўзаро боғланган ҳолда ягона тизим сифатида таҳлил қилинади. Мажмуали ёндашув келажакда устивор йўналишларни янада аниқлаштириш, ислохотларни қайси элементига кўпроқ эътибор қаратиш лозимлигини кўр-

сатади. Масалан, минтақаларни барқарор ривожлантириш уларнинг келажакда меҳнат тақсимотида тутган ўрни, рақобат устиворликларидан фойдаланиш, салбий ва ижобий омилларни бир тизим сифатида кўришни талаб қилади.

Тўртинчидан, мамлакат ва минтақанинг узоқ муддатли ривожланиш стратегияси турли ижтимоий гуруҳларнинг, яъни илмий ходимлар, тадбиркорлар, давлат ва нодавлат ташкилотлари фаолияти ва манфаатларини ягона мақсадга қаратиш учун асос бўлади.

Бешинчидан, узоқ муддатли стратегия тизимли ва маълум даврда такрорланадиган илмий лойиҳа бўлиб, иқтисодий тадқиқотларнинг, жумладан минтақавий иқтисодиётнинг назарияси ва услубиётини ривожлантиришни рағбатлантиради.

Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг оқибатларини, бозор иқтисодиётига ўтишнинг узига хос хусусиятлари, ривожланишнинг миллий моделини ҳисобга олган ҳолда прогнозлаштиришнинг илмий-назарий асосларини такомиллаштириш учун кенг имкониятлар очиб беради.

Олтинчидан, узоқ муддатли прогнозлар асосан йирик ижтимоий-иқтисодий ва илмий-техник ечимларни илмий асослашга қаратилган. Жаҳон тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, йирик инвестицион лойиҳаларни амалга ошириш камида 5-10 йилни ўз ичига олади. Масалан, минерал хом-ашё базасини тайёрлаш, йирик инвестицион лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, меҳнат ресурсларини иш билан таъминлаш, кадрлар тайёрлаш, табиатни муҳофаза қилиш ва ресурслардан унумли фойдаланиш, эркин иқтисодий зоналарни ташкил қилиш ва бошқалар нисбатан узоқ муддатда амалга оширилади.

Еттинчидан, узоқ муддатли стратегия натижалари ўз навбатида йирик илмий тадқиқотларни, лойиҳа текширув ишларини амалга оширишда амалиётда кенг қўлланилади. Масалан, Ангрэн-Ош темир йўлини илмий-техник асослаш ва лойиҳасини тайёрлаш учун узоқ муддатга мўлжалланган аҳоли ва меҳнат ресурсла-

ри салоҳияти, мамлакат ва минтақаларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш прогнозларидан фойдаланилади. Орол денгизини сақлаб қолиш лойиҳаси ўз навбатида мамлакат ва минтақаларда ер ва сув салоҳиятидан фойдаланиш, барқарор иқтисодий ўсиш прогнозларига асосланади.

Саккизинчидан, узоқ муддатли стратегия келажакни турли сценария ва вариантларни солиштириш орқали ишлаб чиқилади. Сценария ва вариантларнинг салбий ва ижобий оқибатларини баҳолаш йирик мамлакатлараро аҳамиятга эга бўлган муаммолар ечимини аниқлашда кенг имкониятлар очиб беради. Жумладан, Марказий Осиё давлатлари учун ҳаётий аҳамиятга эга Орол инқирозини, Амударё ва Сирдарё сувларидан оқилона фойдаланишнинг келажакдаги оқибатларини чуқурироқ таҳлил қилиш илмий ва амалий жиҳатдан жуда долзарбдир.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, “минтақани ривожлантириш стратегияси” давлат бошқарув органлари ва нодавлат ташкилотлари, худуд ва тармоқ фаолиятини мувофиқлаштириш, инвестицияларни жалб қилиш учун қулай муҳитни шакллантириш, инвестицион ресурсларни тўплаш ва улардан устивор йўналишларни амалга ошириш учун фойдаланиш, ўсиш нуқталарини топиш ва иқтисодий самарадорликни ошириш, худудий ишлаб чиқаришни ташкил қилишнинг схемасини ишлаб чиқиш, минтақа иқтисодиётининг имтиёз ва преференцияларни, мақсадли харажатларни асослаш учун зарур механизмдир.

Ривожлантириш стратегияси тўғрисида гап борганда унинг туб маъноси, турлича номланиши ва терминлари ҳақида қисқача тўқталиб ўтиш мақсадга мувофиқ.

Стратегия – грекча сўздан олинган бўлиб, тадқиқот мавзусидан келиб чиққан ҳолда жамиятни бошқариш санъати ва илми деган маънони англатади<sup>4</sup>.

Олимлар ва мутахассислар томонидан стратегия сўзи турлича маънода талқин қилинади. Уларни айримла-

<sup>4</sup> Ўзбек тилининг изоҳли луғати. Тошкент: Фанлар Академияси, 1991й. 715 бет.

рини қуйида келтириб ўтамиз. Стратегия – белгиланган мақсадларга эришиш учун зарур бўлган тадбирларни бошқаришнинг умумлаштирилган моделидир<sup>5</sup>. Яна бир шунга яқин талқин, стратегия бу белгиланган мақсадни амалга оширишнинг танлаб олинган йўналишлари ёки ривожлантириш стратегияси бу инвестицияларни жалб қилиш стратегиясидир<sup>6</sup>.

Турли қарашлар ва фикрларни умумлаштирган ҳолда бизнинг фикримизча ривожланиш стратегияси - аниқ белгиланган мақсадга келажакда эришиш учун илмий асосланган устивор йўналишларни амалга ошириш механизмидир. Стратегиянинг асосий мақсади аҳоли турмуш даражаси ва сифатини ошириш учун керак бўлган қулай муҳит ва шароитни яратишдан иборат.

Ривожланиш стратегияси термини, иқтисодий ривожланиш, ижтимоий-иқтисодий ривожланиш, мамлакат, минтақа ёки шаҳар ривожланиши шаклларида ишлатилади. Буларнинг ҳар бирининг асосида ягона маъно, иқтисодий соҳада юз бериши керак бўлган ижобий ўзгаришни англатади. Ривожланиш ҳар доим ўз йўналишига эга бўлиб, мақсад ёки мақсадлар тизими билан аниқланади.

Ривожланиш стратегиясининг мазмунини, уни шакллантириш жараёни принципларига кўра турли гуруҳларга бўлиш орқали аниқлаш мумкин. Биринчи гуруҳ тарафдорлари таниқли хориж олимларидан канадалик Г.Минцберг, америкаликлар Б. Альстрэнд ва Д. Лэмпэллар ҳисобланади. Уларнинг фикрига кўра стратегияни шакллантириш жараёни меъёрий ва зарурий бўлиб, умумий кўринишга эга бўлиши керак.

Иккинчи гуруҳ олимлари (Л. Абалкин, М. Портер ва бошқалар) стратегиянинг ўзига хос айрим жараёнларини (саноат, рақобатбардошлик) ишлаб чиқиш тарафдорларидир.

Учинчи гуруҳдагилар (А.Гредор, В. Агафонов ва


---

<sup>5</sup> Егоршин А.П. Теория и практика стратегического планирования в регионе. М.2004, - 163 стр.

<sup>6</sup> Смирнов Е.П. Стратегия развития регионов: Теория, практика, новые подходы. Финансы, экономика, безопасность. 2005, - 214, стр 9.

бошқалар) юқоридаги икки йўналишни биргаликда ва ўзаро боғланган ҳолда кўришни таклиф этадилар. Бизнинг фикримизча минтақаларни ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқишда турли йўналишлардан заҳиралар салоҳиятининг чекланганлигини ҳисобга олган ҳолда фойдаланиш зарур.

Минтақани узоқ муддатли барқарор ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқиш маълум тизимга асосланиши лозим (1.1.1.-чизма).



1.1.1-чизма. Минтақани узоқ муддатли барқарор ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқиш тизими<sup>7</sup>.

<sup>7</sup>Манба: Муаллифлар томонидан ишлаб чиқилган.

Таклиф этилаётган тизимнинг бошланғич нуқтаси Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш стратегиясидан иборат бўлиши лозим. Минтақанинг ривожланишини белгиловчи асосий омиллар мамлакат иқтисодиётини келажакда модернизациялашнинг устивор йўналишларини амалга ошириш, миллий манфаатларни ҳимоя қилиш, хавфсизликни таъминлаш, ягона бозор маконини шакллантиришдан иборат.

Мамлакат миқёсида ягона минтақаларни ривожлантириш стратегияси икки муҳим босқичдан иборат. 2006 йил март ойида Ўзбекистон Республикаси Президенти фармойишига кўра минтақаларни мажмуали ривожлантиришнинг ягона стратегиясини ишлаб чиқиш бўйича махсус ишчи гуруҳи ташкил этилган эди. Ишчи гуруҳ томонидан қайд этилган стратегиянинг лойиҳаси тайёрланган. Мамлакат минтақаларини ривожлантиришнинг ягона стратегиясининг асосий принциплари сифатида минтақалараро ижтимоий-иқтисодий ривожланишдаги тафовутларни камайтириш, минтақалар ва тармоқлар манфаатларини уйғунлаштириш, минтақаларни боғловчи ягона инфратузилмани шакллантириш кўзда тутилган.

Кейинги босқич, амалга оширилаётган тадқиқот объектига тегишли бўлиб, жумладан, Қорақалпоғистон Республикасини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш стратегияси ишлаб чиқишни билдиради.

Бу стратегия мамлакат иқтисодиёти ва минтақаларини ривожлантириш стратегиясининг асосий натижаларига асосланади.

Охирги босқич, алоҳида шаҳарлар ва туманларни ривожлантириш стратегиясини ўз ичига олади.

Иқтисодий адабиётларда минтақани ривожлантириш стратегияларитурликўринишлишаклларда ишлатилади. Илмий тадқиқотлар ва амалиётда ишлаб чиқилган стратегиянинг турли шакллари қуйидаги 1.1.2-чизмада муаллифлар томонидан умумлаштирилган.



1.1.2.-чизма. Минтақани ривожлантириш стратегиясининг шакллари<sup>1</sup>.

<sup>1</sup> Манба: Муаллифлар томонидан ишлаб чиқилган.

Давлат ташкилотлари (вазирликлар) томонидан ривожланиш стратегиясини ишлаб чиқишдан олдин унинг концепцияси алоҳида тайёрланади. Концепцияда ривожланиш стратегиясининг асосий тамойиллари ишлаб чиқилади.

Минтақани ривожлантириш стратегияси алоҳида ҳужжат сифатида илмий-тадқиқот институтлари (марказлари), вазирликлар ва тадқиқотчилар томонидан маълум режа ёки буюртма асосида тайёрланади.

Амалиётда асосан минтақани ривожланиш стратегияси давлат томонидан ишлаб чиқилган мақсадли дастурлар орқали амалга оширилади. Мисол учун Сурхондарё вилоятининг 2008-2012 йилларгача ва Навоий вилоятининг 2009-2010 йилларгача мўлжалланган мажмуали ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурини кўрсатиш мумкин.<sup>8</sup>

Ривожланиш стратегиясининг шакли сифатида иқтисодиётнинг айрим тармоқлари ва соҳаларини ривожлантириш стратегияларини, прогнозларини, дастурларини айтиб ўтиш лозим. Масалан темир йўл тармоғини 2009-2013 йилларга мўлжалланган ривожлантириш ва модернизациялашнинг мажмуали дастури ишлаб чиқилган ва ҳозирда амалга оширилмоқда.<sup>9</sup> Бу мақсадли дастур минтақалар миқёсида инвестицион лойиҳаларни амалга оширишга қаратилган. Тармоқлар бўйича мамлакат ва минтақалар бўйича ҳозирги кунда (2010 йил) амалга оширилаётган мақсадли давлат дастурларининг сони 20 дан ортиқ. Улар асосан тармоқларни техник ва технологик қайта таъмирлаш, модернизациялашга қаратилган ва ўрта муддатга мўлжалланган. Минтақалар миқёсида ҳам айрим тармоқлар бўйича давлат дастурлари ишлаб чиқилган. Жумладан, Наманган вилоятини индустриясини ривожлантириш ва ишлаб чиқаришни модернизациялашнинг 2009-2012 йилларга мўлжалланган дастурини мисол қилиб келтириш мумкин<sup>10</sup>.

---

<sup>8</sup> Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 20 июн 2008 йил ва 11 феврал 2009 йилда қабул қилган қарорлари.

<sup>9</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 18 март 2009 йилдаги қарори.

<sup>10</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2 декабрь 2008 йилдаги Фармони.



Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, минтақаларни ривожлантириш стратегияси ва ривожланиш нуқтаси сифатида эркин иқтисодий зоналарни ташкил этиш механизидан фойдаланиш илмий ва амалий аҳамиятга эга. Бу борада 2008 йилнинг охирида ташкил этилган Навоий эркин индустриал-иқтисодий зонани мисол қилиб кўрсатиш мумкин<sup>11</sup>.

Ўзбекистонда ҳар йили Вазирлар Маҳкамасининг фармойишига мувофиқ мамлакат ва минтақаларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш прогнозлари ишлаб чиқилади. Асосан бу прогнозлар бир йилга мўлжалланган бўлиб, 2010 йилдан бошлаб уч йиллик прогноз тайёрлашга ўтилган. Ушбу прогнозларнинг асосий мақсади минтақаларда барқарор иқтисодий ўсишни таъминлаш, ижтимоий соҳа ва аҳоли турмуш даражасини оширишга қаратилган. Минтақавий прогнозлар ижтимоий-иқтисодий ривожланишни таҳлил ва мониторинг қилишда кенг қўлланилади.

Шунингдек Вазирлар Маҳкамасининг қарорига мувофиқ Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрини 2008-2010 йилларга мўлжалланган ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурлари ишлаб чиқилган.


Амалий жиҳатдан кам қўлланиладиган минтақаларни ривожлантириш стратегияси шакллариға минтақа аҳолисини жойлаштиришнинг узоқ муддатли схемаси, шаҳарларнинг бош режаларини киритиш мумкин. Мисол учун Нукус шаҳрини 2025 йилгача мўлжалланган бош режаси ишлаб чиқилган ва Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган<sup>12</sup>.

Айрим ҳолларда алоҳида шаҳарлар ва туманлар миқёсида ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурлари, айрим тармоқ ва соҳаларни ривожлантириш чора-тадбирлари ишлаб чиқилган. Улар асосан маҳаллий ҳокимият вакиллари томонидан назорат қилиб борилади.

Юқорида кўриб ўтилган ривожланиш стратегияси-

<sup>11</sup> Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 20 июн 2008 йилги қарори.

<sup>12</sup> Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 6 декабр 2007 йилги қарори.



нинг турли шакллари асосан қўйилган мақсад ва вазифалари, прогнозлаштириш муддати, таркибий тузилиши, ташкилий тизими билан бир-биридан фарқланади. Минтақаларни ривожлантириш стратегияси асосан 15-20 йил келажак даврга мўлжалланганлиги, мақсад ва вазифаларни амалга оширишнинг бир неча сценария ва вариантлари ишлаб чиқилиши, мақсадли миқдорий ва сифат кўрсаткичларининг нисбатан камлиги билан фарқланади<sup>13</sup>.

Ривожланиш стратегиясини ишлаб чиқиш тартиби ва тузилиши бўйича олимлар ва мутахассислар ўртасида ягона бир келишув йўқ. Стратегияни ишлаб чиқиш тартиби ва тузилиши кўпинча асосий буюртмачи (Вазирлар Маҳкамаси, ҳокимликлар, Иқтисод вазирлиги, халқаро ташкилотлар лойиҳалари ва бошқалар) томонидан қўйилган шартлар билан боғлиқ. Муаллифлар томонидан Ўзбекистонда ҳамдўстлик ва хорижий давлатларда бу борада тўплаган тажрибани умумлаштирган ҳолда қуйидаги намунавий ривожланиш стратегиясининг таркиби таклиф қилинган (1.1.3-чизма).

Стратегиянинг таркибий тузилишидаги ўзига хос хусусиятлари, яъни муаммоларни чуқур таҳлил қилиш, ривожланишга таъсир қилувчи ташқи ва ички омилларнинг салбий ва ижобий оқибатларини илмий асослаш, узоқ муддатда вужудга келиши мумкин бўлган хавф-хатарларни ҳисобга олган ҳолда турли сценария ва вариантларни илмий асослаш билан ажралиб туради.

Минтақани ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқиш маълум услубиёт ва услубларга асосланади. Услубий ёндашувлардан бири сифатида стратегияни ишлаб чиқишда асосий эътибор учта муҳим вазифани ҳал қилишга қаратилиши лозим<sup>14</sup>. Биринчидан минтақада жойлашган йирик корхоналарнинг ривожланиш стратегиясини аниқлаш. Иккинчидан бизнес муҳитни ва шароитни баҳолаш ва учинчидан минтақада бошқарув фаолиятининг самарадорлигини ошириш.

<sup>13</sup> Стратегия социально-экономического развития Кашкадарьинской области. ПРООН, 2008, 123 стр. Стратегия социально-экономического развития Смоленской области. Смоленск, Санкт-Петербург 2007, 241 стр.

<sup>14</sup> Идрисов А. Стратегия развития регионов. ПРО Инвест Консалтинг. 2009, 18 стр.

Стратегияни ишлаб чиқишда стратегик менежмент услубиётидан ҳам фойдаланиш мумкин. Унинг асосида ташқи муҳитга бўлган таъсирни ўрганиш, унга кўникиш ва курашиш услубини қўллаш, nisbatan ўзгармайдиган омилларни экстрополяция қилиш ётади.



1.1.3-чизма. Минтақани ривожлантириш стратегиясининг таркибий тузилиши<sup>15</sup>.

<sup>15</sup> Манба. Муаллифлар томонидан тайёрланган.

Минтақани ривожлантириш стратегиясининг асосий услубларидан бири бу прогнозлаштиришдир. Минтақаларнинг келажакда ижтимоий-иқтисодий ривожланишини аниқлашда турли прогнозлаштиришнинг усул ва шаклларида фойдаланилади. Минтақавий иқтисодий прогнозлаштириш мамлакатда нисбатан мураккаб жараён бўлиб ўзига хос хусусиятларга эга.

Биринчидан, минтақада прогнозлаштириш объекти нисбатан аниқроқ бўлиб, уларнинг сони худудларнинг пастки бўғимларида (туман, шаҳар, аҳоли яшаш жойлари) ошиб боради. Шу сабабли алоҳида минтақалар (Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, шаҳарлар, туманлар) доирасида прогнозлаштиришнинг услуги ва услуги турлича кўринишда бўлади.

Иккинчидан, минтақавий прогнозлаштиришнинг мураккаблиги, худудларни ижтимоий-иқтисодий ривожланишига таъсир қилувчи омилларнинг кўпайиб бориши билан белгиланади. Масалан, минтақада мамлакатга нисбатан табиий омилларга қараганда меҳнат ресурслари сони, уларни маҳорати, ижтимоий инфратузилма объекtlари кўпроқ таъсир кўрсатади.

Булар ўз навбатида минтақавий самарадорликка ва уни прогнозлаштириш услугига айрим ўзгартиришлар киритишни талаб қилади.

Учинчидан, минтақавий прогнозлаштиришнинг ўзига хос мураккаблиги, уни мамлакат доирасидаги прогнозлар билан ўзаро боғлаш билан боғлиқ. Чунки минтақавий прогнозлаштириш мамлакат миқёсидаги макро ва тармоқлар бўйича прогнозлар натижаларига, инвестицион ресурсларни тақсимланиши, халқаро иқтисодий алоқаларни амалга оширишнинг асосий мақсадли кўрсаткичлари, инновацион жараёнларнинг устивор йўналишларига асосланиши лозим.

Тўртинчидан, минтақа иқтисодиёти мамлакатга нисбатан кичик. Кўлам қанчалик кичик бўлса, прогнозларнинг ҳаққонийлиги даражаси паст бўлади.

Бешинчидан, минтақаларнинг ўзига хос хусусиятлари мавжуд бўлиб, уларни мамлакат ва тармоқлар манфаатлари билан уйғунлаштириш, ягона иқтисодий макон ва

бозорни шакллантириш зарурияти худудий прогнозларни шакллантириш жараёнининг мураккаблашувига олиб келади.

Олтинчидан, ҳар бир минтақа мамлакатнинг ажралмас ижтимоий-иқтисодий тизимининг қисми бўлиб, ўз навбатида нисбатан мустақил қайта ишлаб чиқариш жараёнига эга. Шу сабабли минтақавий прогнозлаштиришнинг асосий мазмуни унинг бажарадиган вазифаларидан келиб чиқиши керак.

Минтақаларни барқарор ижтимоий-иқтисодий ривожланиш прогнозларини (қисқа, ўрта ва узоқ муддатли) ишлаб чиқиш инқирозларнинг олдини олиш, унинг салбий оқибатларини камайтириш, энг асосийси аҳоли турмуш даражасини босқичма-босқич юксалтиришда муҳим замин бўлиб хизмат қилади.

Умуман, хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози яна бир бор узоқ муддатга мўлжалланган ривожланиш стратегияси зарур эканлигини кўрсатди. Ривожланиш стратегиясини ишлаб чиқиш минтақа миқёсида ҳам жуда долзарб бўлиб, ундан самарали фойдаланиш марказий ва маҳаллий бошқарув тизимининг фаолияти самарадорлигини янада ошишига, табиий-иқтисодий салоҳиятдан унумли фойдаланишга, барқарор иқтисодий ўсишни таъминлашга, айниқса аҳоли турмуш даражасини босқичма-босқич оширишда муҳим механизм бўлиб хизмат қилади.

## **1.2. Ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқишнинг сценария услуги**

Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг (2008-2009 йиллар) салбий оқибатлари узоқ муддатда вужудга келиши мумкин бўлган турли қарама-қаршилиқлар ва номутаносибликларни эътиборга оладиган иқтисодиётнинг ривожланиш стратегияси зарур эканлигини кўрсатди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов

таъкидлаганидек: “Ўзбекистон тезкорлик билан ривожланаётган замонавий дунё тамойилларига тўлақонли жавоб берадиган, аниқ, тушунарли, чуқур ўйланган стратегияси ва ҳаракат дастурига эга бўлиши керак”<sup>16</sup>.

Мамлакат ва минтақаларни ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқиш асосида мавжуд ёки вужудга келиши мумкин бўлган турли муаммолар ётади. Ушбу муаммоларнинг барқарор иқтисодий ўсишга таъсири, тармоқлар ва минтақаларнинг манфаатларини акс эттиришнинг, уларни ечимини топишнинг турли сценария ва вариантлари мавжуд.

Илмий адабиётларда стратегияни ишлаб чиқишнинг сценария услубига бағишланган таклиф ва мулоҳазалар жуда кам<sup>17</sup>. Айниқса минтақа доирасида мавжуд ва келажак муаммоларни вақтида кўра билиш ва уларни жараён бошланишидан олдин аниқлашга бағишланган иқтисодий тадқиқот услубларидан амалиётда фойдаланиш жуда муҳимдир. Ана шундай услублардан бири сценария услуби ҳисобланади.

Математик моделларда келажак истиқболини белгилашда мавжуд жараёнларнинг инерцияси муҳим ўринни эгаллайди. Сценария услуби эса келажакдаги муаммоларни ҳал қилишда вужудга келиши мумкин бўлган ижобий ва салбий оқибатларни аниқлашга асосланади. Шунини таъкидлаш жоизки, барча минтақавий муаммоларнинг бошланғич нуқтасини ижтимоий-иқтисодий вазият ва инновация имкониятлари ташкил қилади.

Услубий жиҳатдан минтақавий муаммоларни тадқиқот қилишда вазиятни таҳлил қилиш ва сценарияни ишлаб чиқишни асосан учта босқичга бўлиш мумкин<sup>18</sup>.


---

<sup>16</sup> И.А.Каримов. Мустақилликнинг 16 йиллигига бағишланган йиғилишга бағишланган сўзлаган нутқи. Халқ сўзи, 31 август, 2007 йил.

<sup>17</sup> Гранберг А.Г. и другие. “Стратегия и проблемы устойчивого развития в XXI веке». М.Экономика, 2002, 414 стр. Аҳмедов Т.М. и другие “Региональная экономика”. М.2009, -176 стр. СОПС. “Стратегия социально-экономического развития регионов”. М.2002, -116стр.

<sup>18</sup> Лисичкин.В.А. Теория и практика прогностики.М.Наука.1992-152 стр. Узяков М.Н. Опыт анализа и прогнозирования развития регионов. М.СОПС, 2002-152 стр.

Биринчи босқичда келажак сценариясининг дастлабки ғоялари аниқланади. Улар асосан муҳим ижтимоий-иқтисодий тадбирларни амалга ошириш натижасида мамлакат ва минтақа даражасида сифат жиҳатидан янги марраларга эришишни кўзда тутуди (1.2.1-чизма).



1.2.1-чизма. Минтақани ривожлантириш сценариясини ишлаб чиқишнинг асосий босқичлари<sup>19</sup>


<sup>19</sup> Манба: Муаллифлар томонидан ишлаб чиқилган.



1.2.2-чизма. Минтақавий муаммоларни ўрганиш сценариясининг умумий йўналишлари<sup>20</sup>

<sup>20</sup> Манба: Муаллифлар томонидан ишлаб чиқилган.





1.2.3-чизма. Сценарияларни танлаб олиш ва баҳолаш<sup>21</sup>

Узоқ муддатли стратегик прогнозлаштиришда, тақлиф этилаётган чизмага мувофиқ, биринчи босқичда сценарияларни миқдорий баҳолаш макроиқтисодий прогнозга асосланиши керак. Танлаб олинган сценария, иккинчи босқичда макроқўрсаткичлар билан бир қаторда микродаражада, яъни мавжуд ёки кўзланиши аниқ инвестицион лойиҳаларни амалга оширилишини эътиборга олган ҳолда янада аниқлаштирилади ва унга қўшимчалар киритилади.

Минтақавий муаммоларнинг шаклланишига бир қатор ташқи ва ички омиллар таъсир қилади. Бу эса ўз навбатида минтақани ривожлантириш сценарияларини иккита ва ундан ортиқ бўлишини кўрсатади. Шу сабабли ривожланиш сценарияларидан мақбулини танлашда мавжуд имкониятларнинг энг кичик ва энг юқори чегараларидан фойдаланилади.

Хориж мамлакатлари ва Ўзбекистон тажрибасидан келиб чиққан ҳолда амалиётда кўпинча максимал ва минимал, инерцион ва оптимал, мақсадли ва эволюцион ривожланиш сценариялари ишлаб чиқилади.

<sup>21</sup> Манба. Муаллифлар томонидан ишлаб чиқилган.

Муаммоларни ечишга қараб сценарияларнинг ишлаб чиқиш мезонлари сифатида қуйидагиларни кўрсатиш мумкин:

- макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш;
- юқори иқтисодий ўсишга эришиш;
- табиий-иқтисодий салоҳиятдан самарали фойдаланиш;
- инвестицион фаоллик ва унинг чегараланганлиги;
- демографик вазият ва меҳнат ресурсларининг ўсиш динамикаси;
- иқтисодиётнинг айрим соҳаларини устивор ривожлантириш (саноат ва унинг тармоқлари, қишлоқ хўжалиги, озиқ-овқат ва энергетика хавфсизлигини таъминлаш, аҳоли турмуш даражаси, хизматлар ва бошқалар);
- табиий ресурсларнинг чегараланганлиги (ер, сув, минерал хом-ашё), иқлим ва экологиянинг ўзгариши.

Мамлакат ва минтақавий ривожлантириш сценарияларини ишлаб чиқишда хориж давлатларида ва Ўзбекистонда айрим илмий тадқиқотлар амалга оширилган. Халқаро ташкилотлар ва илмий текшириш марказлари, хорижий мамлакатлар олимлари ва мутахассислари узоқ ва урта муддатли прогнозлаштиришда сценария услубидан кенг фойдаланадилар. Сценария услубини минтақаларни ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқишда ва прогнозлаштиришда Европа ва айрим МДҲ мамлакатларида қўллаш бўйича маълум тажрибага эгалар. Масалан Россия Федерациясида Новосибирск, Москва, Курск ва бошқа вилоятларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқишда сценария услубидан кенг фойдаланилган<sup>22</sup>. Мисол тариқасида Иванова вилоятини узоқ муддатли ривожлантириш стратегиясида қуйидаги сценариялар таҳлил қилинган:<sup>23</sup>

- инерцион сценария мавжуд ижтимоий-иқтисодий ривожланиш тенденциясини сақлаб қолишга асосланади;

<sup>22</sup> Сусницин С.А., Суелов Н.И. Граничные сценарии в стратегии развития Новосибирской области. Регион: экономика и социология. № 4, 2006, с 92-116. Шнипер Р.И. Сценарии будущего как метод анализа целевой направленности проблемы. Новосибирск. Наука. 1989. с.306.

<sup>23</sup> Узяков М.Н. Опыт анализа и прогнозирования развития регионов М.СОПС 2002, 47стр.

- экспортга йўналитирилган сценария экспорт ҳажмини кескин кўпайтиришга мўлжалланган;

- ички имкониятларни сафарбар қилиш (мобилизация) сценарияси иқтисодий ўсишни таъминлашда вилоят ўзининг манбаларига таянади;

- мувофиқлаштирилган иқтисодий ўсиш сценарияси ички имкониятлар, ҳамда экспорт салоҳиятини оширишга қаратилган.

Яна бир мисол тариқасида Ўрта Осиё мамлакатларини 2020 йилга қадар мўлжалланган сценарияларини келтириш мумкин. Америка Қўшма Штатларининг Джон Хонкинс Университети олимлари томонидан учта турли имкониятларга эга бўлган сценариялар таклиф қилинган<sup>24</sup>. Биринчиси инерцион сценарий, иккинчиси мобилизация сценарий, учинчиси ислохотларни ва минтақавий интеграцияни ривожланмаслик сценарияси. Улар бир-биридан қуйидаги мезонлар бўйича ажралиб туради:

- иқтисодий ислохотларни амалга оширишнинг тезлиги ва даражасининг таъсири;

- иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини таъминлаш стратегияси;

- минтақавий интеграциянинг йўналиши ва даражаси.

Ушбу сценариянинг асосий мазмуни узоқ муддатда (10-20 йил) иқтисодий ўсишни таъминлашнинг ташқи ва ички омилларини баҳолаш, вужудга келиши мумкин бўлган тўсиқлар ва чегараловчи шароитларни аниқлашдан иборат.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қошидаги “Прогнозлаштириш ва макроиқтисодий тадқиқотлар институти” олимлари томонидан мамлакат иқтисодиётини ўрта ва узоқ муддатда ривожлантиришнинг сценария ва вариантлари ишлаб чиқилган. Инерцион сценарияга кўра иқтисодий ўсишга ташқи ва ички омилларнинг салбий таъсири кучли бўлиб ялпи ички маҳсулотларнинг ўртача йиллик ўсиши 6-7 % га тенг бўлади.

Мобилизация сценария иккита вариантда ҳисобланган. Биринчи вариантда иқтисодий ўсиш учун ташқи ва ички талаб ижобий бўлиб, ялпи ички маҳсулотнинг ўсиши 10-

<sup>24</sup> Программа “Шелковый путь». Университет Джон Хонкинс. Вашингтон. Колумбия, 2005, с.10.

12%ни ташкил этади. Иккинчи вариантда ташқи иқтисодий конъюнктура қулай бўлмаслиги ва иқтисодий ўсиш даражаси 7-8% атрофида бўлиши кўзда тутилган.

Ўзбекистон, жумладан Қорақалпоғистон Республикасидаги долзарб муаммолардан бири Орол денгизи ҳавзаси, сув ресурсларидан самарали фойдаланиш, ирригация ва дренаж тизимларини қайта тиклаш, ҳамда такомиллаштиришдан иборат. Ушбу муаммоларни ҳал қилиш келгусида сув ҳўжалиги иқтисодиётини бошқа соҳалар билан боғлиқ ҳолда ривожлантиришнинг учта сценарияси ишлаб чиқилган<sup>25</sup>. Биринчиси, “ёмонлашув сценарияси” ёки “минимум- макроиқтисодий ривожланиш” ва туб ўзгаришлар даражасининг пастлиги, мавжуд сув инфратузилмаси ва қишлоқ ҳўжалигига энг кам инвестиция сарфлашни кўзда тутаяди. Иккинчиси “мустаҳкамлаш сценарияси ёки оптимум” – иқтисодиётда иқтисодий фаолликни қўллаб-қувватлаш бўйича инвестициялар ҳамда қўшимча тадбирлар билан таъминланган жадал барқарор ривожлантириш ва таркибий қайта қуришдан иборат. Учунчиси, қайта тиклаш сценарияси ёки максимум – қишлоқ ҳўжалиги, ирригация ва дренаж тармоқларида макроиқтисодий ривожланиш ҳамда қайта қуришнинг катта ҳажмдаги ички ва ташқи инвестициялар билан таъминланган энг юқори даражаси. Ушбу сценарияларнинг миқдорий кўрсаткичлари қуйидаги 1.2.1-жадвалда келтирилган.

### 1.2.1-жадвал

#### Амударё ҳавзасида суғориладиган ерларнинг келажакдаги сувга бўлган эҳтиёжи\*

Ривожланиш сценариялари	Сценариялар бўйича сувга эҳтиёж			
	2010 й.		2025 й.	
	млн.га	км.куб	млн.га	км.куб
Минимум	2,3	37	2,3	37
Оптимум	2,6	41	2,9	42
Максимум	2,9	40	3,9	39

\* Манба: WEMP, якуний ҳисобот, 2002 й.

Тадқиқот объекти бўлмиш, Қорақалпоғистон Республикаси учун жуда муҳим муаммолардан бири келажак-

<sup>25</sup> БМТ-тараққиёт дастури. Сув ўзбекистон келажаги учун муҳим ҳаётий ресурс. Тошкент, 2007, 60 бет.

да иқлимнинг ўзгариш сценарияларидан келиб чиққан ҳолда, чора тадбирлар тизимини ишлаб чиқишдан иборат. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти томонидан иқлимни ўзгаришининг бир неча сценариялари таклиф этилган. Ўзбекистонда бу йўналишда олиб борилаётган тадқиқотларда асосан иккита сценарияга кўпроқ эътибор қаратилган. Биринчи сценарий (А2) иқлим ўзгаришининг нисбатан юқори даражасига тўғри келади. Иккинчи сценарий (В2) нисбатан қулай иқлим шароитини кўзда тутади<sup>26</sup>. Ҳисоб китоблар Ўзбекистоннинг шимолий минтақасида (Қорақалпоғистон Республикаси) об-ҳаво ҳароратининг ва ёғингарчиликнинг узоқ келажакдаги ўзгариши А2 ва В2 сценариялари бўйича турлича бўлишини кўрсатмоқда (1.2.2-жадвал).

#### 1.2.2-жадвал

### Ўзбекистоннинг шимолий минтақасида иқлимнинг ўзгариш сценариялари (1961-1990 йилларга нисбатан)\*

Йиллар	Иқлим ўзгариш сценариялари			
	А2		В2	
	Ҳарорат С°	Ёғингарчилик, %	Ҳарорат С°	Ёғингарчилик, %
2030	1,1	115	1,3	104
2050	2,0	116	2,0	105
2080	3,7	108	3,2	101

\* Манба: Ўзбекистон гидрометеорология маркази маълумотлари асосида тайёрланган.

Иқлимни ўзгариш сценарияларининг ижтимоий-иқтисодий ривожланишга таъсири, салбий ва ижобий оқибатлари турлича бўлиб, ушбу ҳолат минтақаларни, жумладан, Қорақалпоғистон Республикасини узоқ муддатли ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқишда эътиборга олиш зарур.

Юқорида айтиб ўтилганларни умумлаштирадиган бўлсак, минтақанинг ривожланиш стратегиясини иш-

<sup>26</sup> ПРООН. Второе национальное сообщение Республики Узбекистан об изменении климата. Ташкент, 2008. - 105стр.

лаб чиқишда сценария услубидан кенг фойдаланиш илмий-амалий аҳамиятга эга. Сценария услуби келажакдаги муаммоларни ҳал қилишда вужудга келиши мумкин бўлган хавф-хатарларни, айрим вазиятларни олдиндан кўра билиш, уларнинг ижобий ва салбий оқибатларини баҳолашда кенг қўллаш мумкин.

Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг тажрибасидан келиб чиққан ҳолда ушбу услубдан фойдаланиш минтақада мумкин бўлган хатарларнинг олдини олиш ва уларга қарши курашиш механизмларини ишлаб чиқишда долзарб бўлиб қолмоқда.

### **1.3. Ташқи ва ички омилларнинг минтақа барқарор ривожланишига таъсири**

Мамлакатимиз ва минтақаларнинг барқарор ижтимоий-иқтисодий ривожланишини таъминлаш асосан ташқи ва ички омилларни таъсирига боғлиқ. Бу ўринда 2008 йилда бошланган жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг бир қатор давлатларга салбий таъсирини айтиб ўтиш даркор. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов таъкидлаб ўтганларидек: "...мамлакатимизда глобал инқирознинг оқибатларини, бугунги ва эртанги кутиладиган таъсирини ҳисобга олган ҳолда, қатъий, ҳар томонлама ўйланган кенг кўламли лойиҳалар бугун амалга оширилмоқда"<sup>27</sup>.

Минтақанинг барқарор ривожланиши бир қатор ички ва ташқи омилларнинг таъсири билан белгиланади. Улар ҳозирги ва келажак иқтисодиётни ўрганиш ва прогнозлаштиришда стратегик йўналишларни, ҳамда турли сценария ва вариантларни асослашда илмий ва амалий аҳамиятга эга.

Ташқи ва ички омилларни таҳлил қилиш ва чуқур ўрганиш доимий жараён бўлиб, улар ихтисослашган илмий ва лойиҳалаштириш ташкилотлари, шунингдек олимлар

---

<sup>27</sup> Ислоҳ Каримов. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари.- Т.Ўзбекистон, 2009, 13-бет.

ва мутахассислар томонидан амалга оширилади. Шунинг таъкидлаш лозимки, омилларни баҳолаш минтақада маълум мақсад ва вазифаларни ёки йирик минтақавий муаммони ҳал қилишга қаратилиши лозим. Мақсадсиз, умумий кўринишда омилларни таҳлил қилиш ва баҳолаш ҳеч қандай амалий аҳамиятга эга бўлмайди. Мисол учун Қорақалпоғистон Республикасидаги Орол денгизини аниқ бир мақсадни кўзланмаган ҳолда илмий ўрганиш маълум натижани бермайди. Бизнинг фикримизча, Орол денгизини Қорақалпоғистон Республикасининг узоқ келажакда барқарор ижтимоий-иқтисодий ривожланишига салбий ёки ижобий таъсирини ўрганиш мақсадга мувофиқ. Таҳлилга бундай ёндашув минтақа ривожланишини таъминлашда мумкин бўлган хавф-хатарларнинг олдини олишда, экологик ва табиий муҳитнинг оптимал миқдорий ва сифат кўрсаткичларини аниқлашга ёрдам беради.

Минтақани ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқишда ушбу таҳлилий услубдан турли сценарияларни асослашда, инновация ва технологик янгиликларни амалга оширишда кенг фойдаланиш мумкин. Табиий ва иқтисодий омилларни ўрганишда тўпланган барча тажриба ва илмий тадқиқотлар натижаларидан унумли фойдаланиш зарур. Масалан, Қорақалпоғистон Республикасининг ер ва сув ресурслари, фойдали қазилмалари, иқлим шароити, ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даражаси бир қатор махсус илмий текшириш ва лойиҳалаштириш институтлари (марказлар) томонидан, халқаро ташкилотлар лойиҳалари ҳисоботларида ўрганилган ва улардан самарали фойдаланиш бўйича таклифлар тайёрланган. Мавжуд назарий ва амалий қўлланмалар, хулосаларни ягона мажмуа сифатида бирлаштирган ҳолда таҳлил қилиш минтақа келажакини аниқлашда ва илмий асослашда катта аҳамиятга эга.

Илмий адабиётлар ва тадқиқотларда минтақа ривожланишининг ички омилларига асосий эътибор қаратилган бўлиб, ҳақиқатдан ҳам уларнинг барқарор иқтисодий ўсишга таъсири жуда катта (1.3.1-чизма).



1.3.1-чизма. Минтақа ривожланишининг асосий ички омиллари<sup>28</sup>

<sup>28</sup> Манба: муаллифлар томонидан ишлаб чиқилган.



Ички омилларни асосан иккита катта гуруҳга бўлиш мумкин. Биринчи гуруҳга асосан табиий омиллар киритилган бўлиб, иккинчи гуруҳни иқтисодий омиллар ташкил этади. Шунини таъкидлаш лозимки, бу икки гуруҳ бир-бири билан ўзаро боғлиқдир. Айрим олимлар ва мутахассислар минтақа ички омилларини умумлаштирган ҳолда табиий-иқтисодий салоҳият деб номлайдилар<sup>29</sup>.

Минтақани мажмуали ривожлантиришда турли бир-бирига боғлиқ жараёнларни аниқлаш муҳимдир (табиат ва хўжалик, табиат ва одамлар, хўжалик ва одамлар ўртасида). Табиат, хўжалик ва одамлар ўртасидаги боғлиқликни аниқлаш орқали муаммоларни танлаб олиш, уларни таҳлил қилиш, сўнгра табиий муҳитни, хўжаликни ривожлантиришга, шунингдек ижтимоий-иқтисодий тараққиётнинг келажақда экологик вазиятга таъсирини баҳолаш мумкин. Ички омилларни ана шундай тизимли кўринишда таҳлил қилиш Қорақалпоғистон Республикаси учун жуда долзарбдир. Биринчидан минтақани барқарор ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш кўп жиҳатдан Орол денгизини ва экологик шароитни хўжалик таррақиётига, иқтисодиёт таркибини шаклланишига тўғридан-тўғри таъсир кўрсатади. Иккинчи томондан минтақани иқтисодий ихтисослашуви, йирик инвестицион дастурларни амалга оширилиши табиий муҳитни ва экологик вазиятни янада ўзгаришига олиб келиши мумкин. Омилларни таҳлил қилишда илгари минтақада амалга оширилган инвестицион лойиҳаларни ва дастурларни амалга оширишнинг экологик оқибатлари, айрим йўл қўйилган хато ва камчиликларни эътироф этиш мақсадга мувофиқ. Бу ўз навбатида келажақда салбий оқибатларнинг олдини олиш учун асос бўлади.

Йиллар давомида табиий муҳитнинг ўзгаришидаги ва ривожланишидаги қонуниятлар ва йўналишлар тўғрисидаги маълумотлардан минтақанинг келажақ ривожланиш стратегиясини танлаб олишда, табиий

<sup>29</sup> Ҳакимов А.Х. и другие. Региональная экономика и управление. Душанбе. Деваштич, 2002, - 252 стр. Гладкий Ю.Н., Чистобаев А.И. Основы региональной политики. Санкт-Петербург. 1998, -659 стр.

салоҳиятдан унумли фойдаланишда ва инвестицион дастурларни амалга оширишда кенг фойдаланиш зарур. Масалан иқлимнинг ўзгариши, чўллашув жараёни келажакда аҳоли яшаш пунктларини жойлаштиришга, минтақа худудий таркибини шакллантиришга таъсири кучли бўлади. Буларнинг ҳаммаси минтақавий табиий-иқлим шароитини ҳисобга олган ҳолда уй-жой, ижтимоий инфратузилма объектларининг намунавий лойиҳаларини ишлаб чиқишни талаб қилади. Масалан Қорақалпоғистон Республикасида иқлим ҳароратининг юқорилиги, қумнинг кўчиш хавфи, ичимлик сувининг камлиги ва минтақани чўл зонасида жойлашувини эътиборга олсак, қурилиш меъёрлари Фарғона водийси вилоятларига нисбатан бир хилда бўлмаслиги керак.

Умуман олганда ҳар бир минтақанинг ривожланиш стратегиясини ишлаб чиқишда табиатнинг алоҳида элементлари бўйича (тупроқнинг тузилиши, иқлим ҳарорати, чўллашув даражаси ва бошқалар), миқдорий ва сифат кўрсаткичлари бўйича маълумотларни тўплаш ва таҳлил қилиш муҳим босқичлардан биридир.

Масалан, хом-ашёзаҳирасидаги фойдали маҳсулотнинг улуши, қазилма конларидан фойдаланиш муддати фақат янги дастурларни ишлаб чиқишдагина эмас, балки фаолият кўрсатаётган корхонанинг келажакини белгилашда ҳам катта аҳамиятга эга.

Ресурслар салоҳиятини ўрганиш услубиятидан келиб чиққан ҳолда, уларнинг мамлакат ва минтақа миқёсидаги ўрнини аниқлаш лозим. Шундан келиб чиққан ҳолда ресурсларни қуйидаги гуруҳларга ажратиш мақсадга мувофиқ:

- ресурсларнинг мамлакат иқтисодиётидаги талаб ва таклиф балансидаги монопол ўрни;
- географик жойлашувига асосан ресурсларни минтақаларга тақсимлашнинг қулайлиги;
- ресурсларнинг бошқа минтақаларга нисбатан рақобат афзалликлари;
- мамлакат экспорт салоҳиятида ва валюта заҳираларини шакллантиришдаги ўрни.

Узоқ муддатга прогнозлаштиришда салоҳиятли ресурсларни ўзлаштириш учун тайёрланганлик даражасини эътирофга олиш зарур. Хом-ашё захираларини ўзлаштириш учун тайёрланган ёки ҳали қўшимча қидирув, геологик, техник-иқтисодий ва лойиҳалаштириш ишлари маълум муддатни талаб қилади. Бу ўз навбатида стратегияни ишлаб чиқишда ресурсларни ўзлаштириш муддатини белгилайди.

Келажақда минтақа иқтисодиётини барқарор ривожлантириш илғор инновацион илмий-техник ютуқлар ва ғояларни амалиётда қўллаш билан чамбарчас боғлиқ. Масалан, Қорақалпоғистон Республикасида қора металлургияни ривожлантириш истиқболини белгилаш учун бу тармоқда энг илғор техника ва технологияни (моно, плазма асосидаги технологиялар), метални тўғридан-тўғри рудадан ажратиб олиш, кичик қувватдаги металлургиянинг имкониятларини эътиборга олиш керак. Айниқса узоқ муддатли прогнозлаштиришда лойиҳалаштирилаётган корхонанинг қуввати ва турини аниқлаш техник-иқтисодий асослашнинг мураккаб босқичларидан ҳисобланади.

Минтақа иқтисодиётини ривожлантиришда инновацион ғоя ва таклифларнинг асосий йўналиши қуйидагилардан иборат:

- прогнозлаштиришда минтақаларда айрим тармоқларнинг илғор технология билан қуролланиш чораларини аниқлаш;

- минтақада жаҳон ва мамлакатимизда эришилган фан ва техника ютуқларидан фойдаланишга, уларни худуднинг ўзига хос хусусиятларига мослаштиришга қаратилган марказни шакллантириш;

- мамлакат ва минтақа имкониятларидан келиб чиққан ҳолда технологик модернизация учун керак бўладиган харажатларни аниқлаш.

Минтақавий илмий-техник салоҳиятни юксалтириш кўп жиҳатдан таълим тизимидаги юқори малакали кадрларни тайёрлаш муаммоларини ечишга

қаратилган бўлиши керак. Узоқ муддатли минтақани ривожлантириш стратегиясини шакллантиришда ишлаб чиқариш ва технологик ўзаро боғлиқликни ҳисобга олиш қўйилган мақсад ва вазифаларга эришишда муҳим аҳамиятга эга.

Ишлаб чиқариш самарадорлиги, маҳсулот таннарихи ва унинг рақобатбардошлиги хом-ашёдан тортиб тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш тизимининг ўзаро боғланганлигига боғлиқ. Бундай ўзаро боғлиқлик кўпроқ ёқилғи-энергетика, кимё, металлургия, аграр секторга таълуқлидир. Хом-ашё – тайёр маҳсулот занжирининг шаклланиш даражаси минтақанинг транспорт-географик жойлашувига боғлиқ. Қорақалпоғистон Республикаси билан бошқа мамлакат вилоятлари ва пойтахт Тошкент шаҳри ўртасида транспорт масофасининг нисбатан узоқлиги ишлаб чиқариш занжарини кенгроқ қамраб олиш учун омил бўлиб хизмат қилади. Айниқса аҳолини тайёр озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашда агросаноат мажмуасини шакллантириш ва ривожлантириш минтақа стратегиясини ишлаб чиқишнинг устивор йўналишларидан бири бўлиб қолади.

Минтақага бағишланган илмий адабиётлар ва тадқиқотларда унинг барқарор ривожланишига таъсир этувчи ташқи омиллар деярли чуқур ўрганилмаган. 2008 йилда бошланган глобал молиявий-иқтисодий инқирознинг салбий оқибатларини кўпгина давлатларда юқори даражада бўлиш сабаблари унга қарши олдиндан чора-тадбирлар тизими ва механизмлар ишлаб чиқилмаганлиги билан изоҳлаш мумкин. Ушбу инқироз яна бир бор ҳозирда мавжуд ва келажакда пайдо бўлиши кўзда тутилган жараёнларни ва оқибатларнинг таъсирини ўрганиш зарур эканлигини кўрсатди. Ташқи омиллар минтақани ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқишда алоҳида аҳамиятга эга. Уларни аниқлаш, ҳар бирининг ўзига хос хусусиятлари ва оқибатларини ўрганиш жуда долзарбдир (1.3.2- чизма).



1.3.2-чизма. Минтақа ривожланишининг асосий ташқи омиллари<sup>30</sup>

<sup>30</sup> Манба: Муаллифлар томонидан ишлаб чиқилган.

Ташқи омилларни иккита йирик гуруҳга ажратиш мақсадга мувофиқ. Чунки биринчи гуруҳ омиллари асосан мамлакатнинг ўзида олиб борилаётган ислохотлар, иқтисодиётни модернизациялашнинг белгиланган устивор йўналишларини ифодалайди. Хориж давлатларидан фарқли ўлароқ Ўзбекистонда амалга оширилаётган минтақавий сиёсат, уларни ягона бозор билан боғлаш, бир-бирлари билан ижтимоий-иқтисодий алоқаларни кучайтириш мақсадида умумий ишлаб чиқариш инфратизимларини шакллантиришдан иборат. Мисол сифатида Ўзбекистоннинг миллий автойўли қурилиши, минтақалараро ягона энергетика тизимининг шакллантирилиши, шимолий ва жанубий худудларни темир йўл инфратузилмаси билан боғланишини айтиб ўтиш лозим.

Ташқи омиллардан яна бири бу мамлакат минтақалари билан ўзаро иқтисодий интеграцияни кучайтириш, мавжуд салоҳиятдан биргаликда самарали фойдаланишдан иборат. Бу ўринда шуни таъкидлаш керакки, Ўзбекистон минтақаларининг ўзаро иқтисодий ҳамкорлиги тизимли кўринишга эга эмас.

Жумладан бир бирига қўшни бўлган, ягона транспорт, сув ва ер хўжалиги билан боғланган Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти ўртасидаги иқтисодий ҳамкорлик давр талаблари даражасида эмас. Икки минтақа ўзаро келишган ҳолда барқарор иқтисодий ўсишни таъминлаш, аҳоли турмуш даражасини ошириш учун қўшимча имконият ва заҳираларга эга.

Муҳим омиллар қаторига Ўзбекистонда энг долзарб муаммолардан бўлмиш чўллашув жараёни, сув ва ер ресурсларидан самарали фойдаланиш, Орол денгизи инқирозини салбий оқибатларини камайитиришдан иборат. Ушбу муаммолар кўпгина Ўзбекистон минтақаларига, жумладан Қорақалпоғистон Республикаси иқтисодиёти ривожланишига тўғридан-тўғри таъсир кўрсатади.

Ташқи омилларнинг иккинчи гуруҳи асосан жаҳон бозоридаги талаб ва таклифнинг ўзгариши, хориж давлатлари билан бевосита иқтисодий ҳамкорлик алоқаларини кенгайтириш билан боғлиқ. Минтақанинг хориж давлатлар билан иқтисодий алоқалари асосан товарларни экспорт қилиш, инвестицияларни олиб кириш, қўшма корхоналарни таш-

кил этиш билан белгиланади. Айниқса хориж давлатларининг чегара минтақалари билан товар айрбошлаш, биргалликда йирик инвестицион лойиҳаларни амалга ошириш, маданий алоқаларни кенгайтириш мақсадга мувофиқ.

Хориж давлатлари билан иқтисодий алоқаларнинг тараққиёти кўп жиҳатдан минтақанинг транспорт-географик ўрнига, ташқи бозорларга чиқишнинг инфратузилмасининг ривожланганлигига ҳам боғлиқ. Ўрта Осиё миқёсида минтақа ижтимоий-иқтисодий ривожланишини белгиловчи муҳим ташқи омиллар қаторига Орол денгизи инқироzi, давлатлараро дарёлар бўлмиш Сирдарё ва Амударёдан самарали фойдаланиш, чўллашув жараёнларининг кучайишини киритиш зарур.

Минтақани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқишда юқорида кўриб ўтилган ички ва ташқи омилларни ўзига хос таҳлил қилиш усуллари мавжуд.

Хорижий мамлакатлар олимлари ва мутахассислари ривожланиш омилларини ўрганишда STEP ва SWOT таҳлил усулларида кенг фойдаланадилар<sup>31</sup>. Ташқи омилларни ўрганиш ижтимоий, иқтисодий, техникавий ва сиёсий таҳлилни ўз ичига олади. (STEP – инглизча қисқартирилган номи). STEP – таҳлил олимлар ва мутахассисларнинг сўровнома асосида билдирилган таклиф ва мулоҳазаларни умумлаштирган ҳолда ташқи муҳитга берган баҳоларидир (1.3.1-жадвал).

### 1.3.1-жадвал

#### Минтақа ташқи омилларини таҳлил қилиш модели (STEP)<sup>32</sup>

Йўналишлар (муаммолар)	Оқибатлари
I Жаҳон бозори конъюктураси	Салбий (ижобий)
II Товарларнинг рақобатбардошлиги	Нисбий афзалликлар
III Табиий муҳит (иқлим, сув, экология ва бошқалар)	Салбий (ижобий)
IV Бошқа йўналишлар	Салбий (ижобий)

<sup>31</sup> Хақимов А.Х. и другие. Региональная экономика и управление. Душанбе. Деваштич, 2002, - 252 стр.

<sup>32</sup> Манба: муаллифлар томонидан тайёрланган.

Ушбу услуб орқали минтақани рақобатбардошлигини, унинг йирик муаммоларини, стратегик ривожланишининг устивор йўналишларини илмий асослаш мумкин.

Минтақани кучли ва кучсиз томонлари, имкониятлари ва ривожланишнинг тўсиқлари (SWOT – инглизча қисқартирилган номи) тизимли таҳлилнинг кенг тарқалган усули бўлиб, экспертлар томонидан баҳолаш (баллаш) орқали ички омилларнинг ҳолати ўрганилади (1.3.2- жадвал).

1.3.2- жадвал

**Минтақа ички омилларини таҳлил қилиш модели (SWOT – таҳлил)<sup>33</sup>**

Минтақанинг кучли томонлари	Имкониятлари
Минтақанинг кучсиз томонлари	Хавф-хатарлар

SWOT – таҳлил усулининг асосий босқичлари қуйидагилардан иборат:

- кучли томонларини аниқлаш;
- кучсиз томонларини белгилаш;
- мавжуд хавф-хатарларни аниқлаш;
- минтақанинг келажакдаги имкониятлари ва салоҳиятини асослаш.

STEP ва SWOT услуби айниқса расмий статистика маълумотлари бўлмаган шароитда, турли қарашларни объектив ҳар томонлама кўриб чиқиш учун жуда қулайдир.

Ушбу бўлимда кўриб чиқилган минтақани ривожлантириш стратегиясининг ташқи ва ички омиллари ҳар бир минтақа учун ўзига хос бўлиб, уларни чуқур таҳлил қилиш асосида тараққиётнинг устивор йўналишларини тўғри аниқлаш учун катта имкониятлар яратади. Айниқса омилларнинг салбий ва ижобий томонларининг чуқур таҳлили асосида илмий асосланган тадбирлар ишлаб чиқиш, оқибатларининг олдини олиш механизмларини шакллантириш амалга оширилаётган ижтимоий ва иқтисодий сиёсат учун амалий аҳамиятга эга.

<sup>33</sup> Манба: Муаллифлар томонидан тайёрланган.



## **2-БОБ. ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ТАБИЙ- ИҚТИСОДИЙ САЛОҲИЯТДАН ВА НИСБИЙ РАҚОБАТБАРДОШЛИК АФЗАЛЛИКЛАРИДАН Фойдаланиш имкониятлари**

### **2.1. Минтақа иқтисодиёти таркибининг шаклланиши ва иқтисодий ўсиш**

Минтақани ижтимоий-иқтисодий ривожланиш истиқболлини аниқлашда дастлабки босқич сифатида унинг иқтисодиётни модернизациялашда эришилган натижалари, мавжуд муаммолар ва номутаносибликларни аниқлаб олишдан иборат. Айниқса минтақада иқтисодий ўсиш суръатлари, унинг асосий омилларини, иқтисодиёт таркибининг шаклланишида айрим тармоқларнинг ўрнини чуқур таҳлил қилиш мақсадга мувофиқдир.

Мустақиллик йилларида Қорақалпоғистон Республикасида институтционал ва таркибий ўзгаришларни амалга оширишда маълум ижобий силжишларга эришилди. Ноқулай экологик шароитга қарамасдан минтақада макроиқтисодий ва ижтимоий барқарорликка эришилди, иқтисодиётнинг барча тармоқларида ислохотлар кенг миқёсда амалга оширилди.

2002 йилдан бошлаб Қорақалпоғистон Республикасида иқтисодий ўсишга эришилган. Қуйида келтирилган рақамлар минтақада иқтисодий ўсишнинг динамикасини яққол кўрсатиб турибди (2.1.1-жадвал).

**Қорақалпоғистон Республикасида иқтисодий  
ўсиш динамикаси  
(олдинги йилга нисбатан % да)**

Йиллар	Ялли ички маҳсулот	Ялли ҳудудий маҳсулот
	Ўзбекистон Республикаси	Қорақалпоғистон Республикаси
2000	103,8	89,7
2001	104,2	98,3
2002	104,0	100,9
2003	104,2	107,5
2004	107,4	105,0
2005	107,0	106,9
2006	107,5	107,7
2007	109,5	108,6
2008	109,0	108,3
2009	108,1	108,2
2010	108,5	110,0

Манба: Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида ҳисобланган.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки минтақада иқтисодий ўсиш суръатлари жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозига қарамасдан умум мамлакат кўрсаткичларига нисбатан 2009 ва 2010 йилларда юқори бўлган. Таҳлилларнинг кўрсатишича ушбу юқори иқтисодий ўсиш суръатлари минтақада қурилиш, саноат ва хизмат соҳалари ҳисобига эришилди.

Иқтисодиётнинг айрим тармоқларида ўсиш суръатлари турлича бўлиб, уларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даражасига таъсири бир хил эмас (2.1.2-жадвал).

**Қорақалпоғистон Республикасида  
иқтисодиётнинг асосий тармоқларини ривожланиш  
динамикаси (ўтган йилга нисбатан % да)**

№		2005й.	2006й.	2007й.	2008й.	2009й.	2010й.
1	Саноат маҳсулотлари	116,4	109,2	112,0	112,5	103,0	109,4

### 2.1.2-жадвалнинг давоми

2	Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари	104,5	111,7	103,1	100,1	107,2	107,0
3	Истеъмол товарлари	114,8	111,3	118,9	115,2	105,2	109,2
4	Инвестициялар	76,2	113,6	234,4	103,8	70,5	63,1
5	Товар айрбошлаш	95,9	113,4	118,9	119,1	116,0	121,3

Манба: Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида ҳисобланган.

2005-2010 йилларда тез суръатлар билан ривожланган иқтисодий соҳаларига саноат, савдо ва пўллик хизматларни киритиш мумкин.

Қорақалпоғистон Республикаси умумдавлат меҳнат тақсимида табиий газ (2010 йилдаги улуши 4,0%), пахта толаси (5,6%), ош тузи (32,0%), сода (100%), гуруч (31,0%) ишлаб чиқариш бўйича юқори салоҳиятга эга.

Эришилган натижаларга қарамасдан минтақани ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даражаси мавжуд табиий салоҳиятга мос келмайди. 2010 йилда Қорақалпоғистон Республикасининг мамлакат ялпи ички маҳсулотигаги улуши 2,8%ни, мос равишда саноат ишлаб чиқариши 1,5%ни, экспорт ҳажми 1,1%ни ташкил қилган. Асосий макроиқтисодий кўрсаткичлар бўйича Қорақалпоғистон Республикаси бошқа минтақаларга нисбатан энг паст натижаларга эга (2.1.3-жадвал).

### 2.1.3-жадвал

**Қорақалпоғистон Республикасининг асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари индекси (аҳоли жон бошига ҳисобланган)**

№	Кўрсаткичлар	2005 й.		2010 й.	
		Индекс (1,0 Ўзбекистон Республикаси)	Минтақалар орасидаги ўрни	Индекс (1,0 Ўзбекистон Республикаси)	Минтақалар орасидаги ўрни

### 2.1.3-жадвалнинг давоми

1	Ялпи ҳудудий маҳсулот	0,466	14	0,387	14
2	Саноат маҳсулотлари	0,228	14	0,209	14
3	Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари	0,523	14	0,526	13
4	Истеъмол товарлари	0,287	14	0,235	14
5	Инвестициялар	0,722	9	0,512	11
6	Чакана товар айрбошлаш	0,476	14	0,550	14
7	Пуллик хизматлар	0,398	14	0,451	13

Манба: Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида ҳисобланган.

Юқоридаги жадвал рақамларидан кўриниб турибдики, Қорақалпоғистон Республикаси ялпий ҳудудий маҳсулот, саноат ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, истеъмол товарлари, чакана айрбошлаш ва пуллик хизматлар индекси бўйича мамлакат минтақалари орасида охириги ўринда. 2005-2010 йиллар давомида ҳам деярли ижобий силжишлар бўлмаган (пуллик хизматлар ва қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқаришдан ташқари). Инвестициялар индекси бўйича эса салбий ҳолатларни кўриш мумкин. 2010 йилда газ ва кимё соҳасидаги белгиланган йирик инвестицион лойиҳаларни ўз вақтида амалга оширилмаганлиги билан ушбу ҳолатни изоҳлаш мумкин.

Минтақа ижтимоий-иқтисодий ривожланиш натижалари иқтисодиёт таркибини шаклланиши билан ҳам тўғридан тўғри боғлиқ. Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаги, охириги ўн йил давомида ялпи ҳудудий маҳсулотнинг таркибида, яъни диверсификация жараёнида деярли чуқур ўзгаришлар бўлмаган (2.1.4-жадвал).

**Ўзбекистон ялпи ички маҳсулоти ва  
Қорақалпоғистон Республикаси ялпи ҳудудий  
маҳсулоти таркибининг шаклланиши (%)**

	2000 йил		2010 йил	
	Ўзбекистон Республикаси	Қорақалпоғистон Республикаси	Ўзбекистон Республикаси	Қорақалпоғистон Республикаси
Жами	100	100	100	100
Саноат	14,2	9,5	24,0	9,0
Қишлоқ хўжалиги	30,1	21,3	17,5	25,0
Қурилиш	6,0	12,8	6,4	13,0
Транспорт ва алоқа	7,7	6,0	12,4	8,5
Савдо	10,8	7,4	9,0	7,8
Бошқалар	18,7	30,0	23,7	28,7
Соф солиқлар	12,5	13,0	7,0	8,0

Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари

Мамлакатимиз иқтисодиётининг тармоқлараро таркибида 2000-2010 йилларда бир қатор ижобий силжишлар юз берди. Жумладан ялпи ички маҳсулотда саноатнинг улуши 14,2% дан 24,0 % га ошган бўлса, қишлоқ хўжалигининг улуши 30,1 % дан 17,5 % га камайган. Қорақалпоғистон Республикасида ишлаб чиқарилган ички ҳудудий маҳсулотнинг таркибий ўзгаришида эса тескари, яъни салбий ҳолатни кузатиш мумкин. Бунда саноатнинг улуши камайган (9,5 % дан 9,0 % га), қишлоқ хўжалигининг улуши эса ошган (21,3% дан 25,0% га). Ушбу вазиятни минтақа иқтисодиёти таркибини шакллантиришда, уни диверсификация қилишга эътибор қаратилмаганлиги, айниқса саноат ва хизматлар соҳасининг ривожланиш даражаси талабларга жавоб бермаслиги, экологик вазиятнинг (Орол денгизи инқирози, сув ва ернинг сифат

кўрсаткичлари тушиб кетганлиги) салбий таъсири билан изоҳлаш мумкин. Лекин шуни ҳам таъкидлаш лозимки, минтақа иқтисодиёти таркибини шакллантиришда олиб борилаётган таркибий ва инвестицион сиёсатда тизимли эътиборнинг йўқлиги, йўналтирилаётган молиявий маблағларнинг, бир қатор хориж давлатлар ва халқаро ташкилотлар томонидан амалга оширилаётган грантларнинг самарадорлигининг пастлиги билан боғлиқ.

Умуман мавжуд шаклланган иқтисодиёт таркиби ўзининг бир ёқламалиги, яъни қишлоқ хўжалигининг устиворлиги, саноат салоҳиятнинг пастлиги, ижтимоий соҳа ва аҳолининг талабларига жавоб бермаслиги, табиий ресурслар имконияти билан мослашмаганлиги билан ажралиб туради.

Минтақа иқтисодиёти таркибида қишлоқ хўжалиги алоҳида юқори ўринга эга (2.1.5-жадвал).

#### 2.1.5-жадвал

### Қорақалпоғистон Республикасида қишлоқ хўжалиги ривожланишининг асосий кўрсаткичлари

№	Кўрсаткичлар	Ўлч.бир.	2000 й.	2005 й.	2010 й.
1	Тармоқнинг ЯХМдаги улуши	%	21,3	26,5	25,0
2	Ўсимликчилик маҳсулотлари улуши	%	50,2	56,0	57,0
3	Чорвачилик маҳсулотлари улуши	%	48,8	44,0	43,0
4	Экин майдонлари	минг.га	337,4	253,0	250,0
5	Пахта	минг.тн.	125,4	190,0	205,0
6	Бугдой	минг.тн.	88,5	281,0	314,0
7	Сабзаовотлар	минг.тн.	33,4	84,0	95,0
8	Полиз	минг.тн.	24,8	40,5	48,2
9	Гўшт (тирик вазнда)	минг.тн.	35,0	42,2	45,0
10	Сут	минг.тн.	126,1	140,7	152,0
11	Тухум	млн.дона	20,6	28,3	31,4

## 2.1.5-жадвалнинг давоми

12	Жун	минг тн.	4,6	5,8	5,6
13	Қоракўл териси	минг дона	58,7	54,0	51,0
14	Йирик моллар	минг бош	382,0	437,7	472,1
15	Қўй ва эчкилар	минг бош	435,0	539,9	610,0

Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида ҳисобланган

Минтақа қишлоқ хўжалиги ривожланишидаги асосий таркибий ўзгаришлар қўйидагилардан иборат:

- ялли қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари таркибида ўсимликчиликнинг улушини кўпайганлиги, аксинча чорвачиликнинг улуши камайганлиги;

- экин майдонларининг камайиши (охирги ўн йил ичида деярли 90 минг га);

- пахта, айниқса буғдой маҳсулотлари ҳажмининг ошиши;

- асосий озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмининг кўпайганлиги;

- минтақанинг пахта, буғдой, гуруч, сабзавотлар, жун ва қоракўл терилари ишлаб чиқаришда мамлакатдаги улушининг нисбатан юқорилиги;

- чорвачиликда йирик қорамол, қўй ва эчкилар ва паррандаларнинг сони нисбатан тез суръатлар билан ошганлиги;

- маҳсулотлар ишлаб чиқаришда фермер хўжаликларининг улуши кескин ошганлиги (2010 йилда 40,2 %, 2000 йилда 5,9%).

Асосий мавжуд муаммолар:

- сув захираларининг етишмаслиги оқибатида экин майдонларининг камайиши, шўрхок ерларнинг пайдо бўлиши;

- суғориладиган ерларнинг сифатининг ёмонлашуви (сувларнинг минерализация даражасининг ошиши, ер ости сувларининг кўтарилиши);

- сув инфратузилмаси иншоотларининг эскириши ва емирилиши;

- қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг қайта ишлаш даражасининг пастлиги;

- туманларнинг ихтисослашуви табиий-иқлим шароитига тўла мос келмаслиги;

- чорвачилиқда самарадорлик даражасининг пастлиги;

- экологик вазиятнинг ёмонлашуви, Орол денгизи инқирози, чўллашув жараёнининг кучайишининг қишлоқ хўжалигига салбий таъсири.

Қорақалпоғистон Республикаси иқсодиётини тармоқлараро таркибини энг салбий томони саноатнинг ўрни жуда пастлиги билан боғлиқ. 2000-2010 йилларда саноатни ривожланишида айрим силжишлар рўй берди (2.1.6-жадвал).

### 2.1.6-жадвал

#### Қорақалпоғистон Республикасида саноатни ривожланишининг асосий кўрсаткичлари

№	Кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	2000й.	2005й.	2010й.	2010 йил 2000 йилга нисбатан %
1	Саноатни ЯХМдаги улуши	%	9,5	7,9	9,0	-
2	Саноат маҳсулотлари ишлаб чиқиш ҳажмининг ўсиши	олдинги йилга нисбатан %	111,2	118,4	109,4	-
3	Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсиши	олдинги йилга нисбатан %	105,9	114,8	109,2	-
4	Саноатда банд бўлганлар сони	минг киши	42,8	49,7	56,1	-
5	Асосий саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш:					
	-электроэнергия	млрд.кв/с	3,4	2,3	3,1	131,1



## 2.1.6-жадвалнинг давоми

-газ конденсати	минг тн.	13,1	31,9	65,9	503,1
-оҳақтош	минг тн.	5,6	3,1	10,8	192,9
-пахта толаси	минг тн.	54,0	63,0	54,6	101,1
-ўсимлик ёғи	минг тн.	12,4	13,3	13,3	107,3
-гўшт ва гўшт маҳсулотлари	минг тн.	11,4	16,5	24,4	214,0
-сут ва сут маҳсулотлари	минг тн.	6,1	39,6	60,9	998,4
-ош тузи	минг тн.	1,6	1,5	2,9	181,3
-сода	минг тн.	-	12,8	86,5	-

Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида ҳисобланган

Таҳлиллар шуни кўрсатдики, 2005-2010 йилларда минтақада саноатни ривожлантиришда маълум ижобий натижаларга эришилган. Саноатнинг ЯХМдаги улуши 7,9 %дан 9,0 %га ўсган, маҳсулотлар ҳажмини ўсиш суръатлари ошган (йиллик ўртача 10-12%). Айниқса саноат маҳсулотлари айрим турларини ишлаб чиқариш ҳажмлари кескин кўпайган. Масалан, газ конденсати 5,0 марта, гўшт ва гўшт маҳсулотлари 2,1 марта, сут ва сут маҳсулотлари 10,0 марта, ош тузи 2,0 марта, сода 7,0 марта ошган.

Саноат тармоқларининг ривожлоаниши натижасида айрим таркибий ўзгаришлар кузатилди (2.1.7-жадвал)

## 2.1.7-жадвал

### Саноат тармоқларининг ривожланиши ва таркибий ўзгаришлар (%да)

Тармоқлар	2000 й.		2005 й.		2010 й.	
	ўсиш суръати	улуши	ўсиш суръати	улуши	ўсиш суръати	улуши
Саноат - ҳаммаси:	111,02	100	118,4	100	109,4	100
Электрэнергетика	144,3	21,9	101,2	25,4	100,2	25,0
Ёқилғи саноати	114,7	3,3	110,5	13,7	96,4	12,0
Кимё ва нефткимё саноати	117,6	0,1	46,7	0,2	114,9	6,6

### 2.1.7-жадвалнинг давоми

Машинасозлик	94,0	5,0	86,1	0,7	85,8	0,8
Қурилиш материаллари саноати	96,6	9,1	74,8	3,0	199,0	6,2
Енгил саноат	105,7	5,2	86,6	3,3	97,7	2,1
Пахта тозалаш саноати	116,0	20,5	174,3	31,8	104,7	25,4
Озиқ-авқат саноати	105,9	9,8	107,2	9,6	105,1	12,6
Ун ва крупа саноати	101,7	19,8	113,2	9,2	115,8	8,9
Бошқалар	107,2	5,5	116,6	3,1	108,7	0,4

Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида ҳисобланган

Охириги ўн йилликда кимё ва нефт-кимё саноати, қурилиш материаллари саноати, ун саноати, енгил саноат (пахта тозалашдан ташқари) юқори тезликда ривожланди. Саноатнинг тармоқлараро таркибида электроэнергетиканинг (21,9 дан 25,0%га), ёқилға саноати (мос равишда 3,3% ва 12,0%), озиқ-овқат саноати (9,8% ва 12,6%), пахта тозалаш саноати (20,5% ва 25,4%), кимё саноати (0,1 % ва 6,6%) ўрни ошганлигини кўриш мумкин.

Ҳозир ва келажакда саноатнинг асосини ёқилғи тармоғи ташкил этади. Геология қидирув ишларининг кескин ошганлиги, Узбекнефтваз миллий холдинг компаниясининг бир қатор хорижий инвесторлар билан ҳамкорликни йўлга қўйганлиги, Россия, Малайзия, Корея Республикаси ва Хитой Халқ Республикаси компаниялари билан тузилган шартнома асосида Устюртнинг Шахпахта ва бошқа гуруҳларига кирувчи нефтгаз худудларида газ ва газ конденсатини қазиб олиш ҳажмини кескин ошириш бўйича чора-тадбирлар амалга оширилаётганлиги бунга яққол мисол бўла олади. Шунингдек стратегик аҳамиятга эга бўлган йирик инвестицион лойиҳани амалга ошириш мақсадида Сургул газкимё мажмуасини қуриш ишлари бошлаб юборилган.

Минтақа саноатини бутун дунёга танитган, Марка-

зий Осиёда ягона Қўнғирот сода заводисиз тасаввур қилиб бўлмайди. 2006 йил 15 сентябрдаги Ўзбекистон Республикаси Президенти қарори билан ишга туширилган ушбу корхона ҳозирда ва келажакда Ўзбекистон ва Қорақалпоғистонда стратегик аҳамиятга эга бўлган корхонадир. Бу ерда ишлаб чиқариш ҳажми 2006 йилда 12,8 минг тонна калцийлаштирилган сода бўлган бўлса, 2010 йилга келиб унинг ҳажми 90.0 минг тоннага етди. Асосий хом-ашё (ош тузи) маҳаллий Борсакелмас конидан очиқ усулда қазиб олинади.

Мамлакатнинг содага бўлган ички эҳтиёжи (ҳисобларга кўра 70-75 минг тонна) ана шу завод маҳсулоти ҳисобига қопланияпти. Асосий буюртмачилар “Кварц” ва “Ғазалкент” акциядорлик жамиятлари, “Ўзнефтгаз”, “Ўзкимёсаноат”, “Ўзқурилишматериаллари” компаниялари. Шунингдек экспортга ҳам алоҳида эътибор қаратилган. Бир қатор хорижий мамлакатлар компаниялари билан имзоланган шартномаларга кўра 2010 йилда 30,0 минг тоннадан ортиқ сода экспорт қилинган.

Саноатнинг кимё тармоғини ташкил этувчи ушбу завод келажакда минтақа иқтисодиётининг ўсишини таъминловчи муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

Қорақалпоғистон Республикасида истеъмол товарлари ишлаб чиқаришни кенгайтиришга қаратилган бир қатор инвестицион лойиҳалар ҳам амалга оширилган. Жумладан, тўғридан-тўғри хориж инвестициялари иштирокида бир қатор текстил корхоналар барпо этилди (Беруний-текс, Тўрткўл текс, Элтекс ва бошқалар). Шунингдек Хўжайли ёғ комбинатини модернизациялаш ишлари бошлаб юборилди.

Эришилган ютуқлар қаторига озиқ-овқат саноатини ривожлантиришдаги, чунончи гўшт ва гўшт маҳсулотлари, сут ва сут маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг сони ва ишлаб чиқариш ҳажмларининг тез суръатлар билан ўсаётганлигини киритиш мумкин.

Маълум ижобий натижалар билан бир қаторда саноатнинг ривожланишида тизимли муаммолар мавжуд. Улар қаторига қуйидагилар киради:

- саноатни бошқа минтақаларга нисбатан паст да-

ражада ривожланганлиги, унинг таркибини асосан хом-ашё тармоқлари ташкил қилиши маълум номутаносибликларни келиб чиқишига сабаб бўлмоқда;

- мавжуд табиий хом-ашё заҳираларидан фойдаланиш самарадорлиги талабларга жавоб бермайди;

- саноат маҳсулотларини ишлаб чиқаришда кичик бизнеснинг ўрни жуда паст бўлиб қолмоқда;

- истеъмол товарларини ишлаб чиқариш даражаси мамлакат ва бошқа минтақаларга нисбатан паст;

- саноат товарлари ишлаб чиқаришда туманлар ва шаҳарлар ўртасида юқори табақалашув сақланиб қолмоқда, бу эса аҳоли истеъмол талабларини қондиришда муаммоларни келтириб чиқармоқда;

- хом-ашёни чуқурроқ қайта ишлашга эътиборнинг йўқлиги;

- бой салоҳиятга қарамасдан саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш жуда паст.

Минтақа ривожланишининг стратегиясини ишлаб чиқиш, турли сценария ва вариантларни кўриб чиқишда иқтисодий ўсишни таъминлашда муҳим аҳамиятга эга бўлган экспорт салоҳиятини ҳозирги ҳолатини таҳлил қилиш жуда зарур. 2010 йилда экспорт ҳажми 90.8 млн. долл., импорт эса 24,6 млн.долларни ташкил қилди. Бу кўрсаткичлар 2000 йилга нисбатан мос равишда 1,8 марта ва 1,2 марта ошган (2.1.8-жадвал).

### 2.1.8-жадвал

#### Қорақалпоғистон Республикасида экспорт салоҳияти динамикаси

	2000й	2005й	2010й	2010 йил 2000 йилга нисбатан %
Экспорт	51,5	82,6	90,8	1,8
Импорт	20,4	21,5	24,6	1,2

Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида ҳисобланган

Экспорт таркибида пахта толасининг улуши 2000-2010 йилларда 84,1 %дан 69,5 %га камайган, аксинча химия саноати маҳсулотлари эса 0,0 %дан 7,4 %га, хиз-

матлар 2,2%дан 11,0%га ошган. Ушбу ҳолатни экспорт таркибида айрим диверсификациялаш жараёни бўлаётганлиги билан изоҳлаш мумкин. Экспорт қилинаётган маҳсулотлар қаторига табиий газ, озиқ-овқатлар (ўсимлик ёғи, картошка, сабзавотлар), ускуналар ҳам киради.

Ижобий таркибий ўзгаришларга қарамасдан, экспортда хом-ашёнинг улуши (пахта толаси, ёқилғи маҳсулотлари) юқориликча қолмоқда (70%дан ортиқ).

2000 йилда Қорақалпоғистон Республикасида қўшма корхоналар сони 13 тани ташкил этган бўлса, 2010 йилга келиб бу кўрсаткич 48 тага етган, яъни 3,7 марта ошган. Уларнинг экспорт ҳажми эса деярли 6,0 минг марта кўпайган. 2010 йилда хориж инвестициялари асосида ташкил этилган корхоналарнинг экспорт ҳажми 10,1 млн. долл.га тенг бўлиб, умумий экспорнинг 11,1 %ни ташкил қилган (бу кўрсаткич 2000 йилда 0,3 % бўлган).

Умунан таҳлил натижалари шуни кўрсатмоқдаки, минтақанинг экспорт салоҳиятини ривожланиши мавжуд имкониятларга қарамасдан жуда паст даражада (0,1 % Ўзбекистон экспорт ҳажмидаги улуши). Бунинг асосий сабаблари тўғридан-тўғри хориж инвестицияларини жалб қилишнинг аниқ механизмлари ишлаб чиқилмаганлиги, экспорт таркибининг самарали эмаслиги, мавжуд бой табиий ресурслардан оқилона фойдалана олмаслик, айрим кўзда тутилган инвестицион лойиҳаларнинг ўз вақтида амалга оширилмаганлиги билан тушунтириш мумкин.

Иқтисодиёт таркибида аҳолининг турмуш даражасини белгиловчи хизматлар соҳаси келажакни аниқлашда устивор йўналиш ҳисобланади.

Хизматларнинг ялпи ҳудудий маҳсулотдаги улуши 2000 йилда 47,3 % ни ташкил этган бўлса, 2010 йилда бу кўрсаткич 51,2% бўлган, яъни мамлакатнинг ўртача даражасидан бир оз юқори (49,0%). 2010 йилда хизматларнинг умумий ҳажмида уй-жой ва коммунал хизматлари улуши 14,0%ни, мос равишда савдо ва умумий овқатланиш 11,0%ни, транспорт 8,0% ташкил қилган. Маълум ижобий силжишларга қарамасдан хизматлар соҳасининг минтақада ривожланиш даражаси ўртача мамлакат ва бошқа ҳудудлардан орқада қолмоқда. Аҳоли жон бошига

ҳисоблаганда пуллик хизматлар ҳажми Қорақалпоғистон Республикасида мамлакат кўрсаткичларидан деярли 1,3 марта паст. Айниқса қишлоқ жойларида хизматларнинг ривожланиш даражаси аҳоли талабларига тўлиқ жавоб бермайди.

Хизматларнинг асосини ташкил этувчи ижтимоий инфратузилма объектларининг ривожланиш даражаси ҳам нисбатан юқори эмас (2.1.9-жадвал).

2.1.9-жадвал

**Аҳолини ижтимоий инфратузилма объектлари билан таъминланиш даражаси**

№	Инфратузилма объектлари	2000й	2005й.	2010й.	2010 йил 2000 йилга нисбатан
1	Уй жой (аҳоли жон бошига кв.м)	14,2	15,4	16,0	+1,8
2	Касалхонадаги ўринлар сони (10 минг кишига)	47,8	59,5	58,0	+10,2
3	Амбулатория ва поликлиникадаги ўринлар сони (10 минг кишига)	153,8	144,1	147,0	-6,8
4	Сув билан таъминлаш (%)	62,3	70,8	70,9	+7,6
5	Газ билан таъминлаш (%)	87,3	92,4	95,0	+7,7

Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида ҳисобланган

Айрим ижтимоий инфратузилма объектлари билан таъминланиш даражаси нисбатан яхши (уй-жой, табиий газ, касалхонадаги ўринлар) бўлишига қарамасдан, аҳолини сифатли ичимлик суви, таълим ва соғлиқни сақлаш хизматларига бўлган талабларига жавоб бермайди. Қишлоқлар ва шаҳарлар орасидаги тафовут юқори бўлиб қолмоқда.

Аҳоли турмуш даражаси ва сифатига Орол денгизи муаммолари ҳам салбий таъсир кўрсатмоқда. Умуман олганда аҳоли фаровонлигини юқори даражага кўтариш минтақани ривожлантириш стратегиясининг энг устивор йўналишларидан бири бўлиб қолиши керак.

Қорақалпоғистон Республикасини барқарор ижтимоий-иқтисодий ривожланишини белгилловчи асосий омил инвестицион фаолиятнинг ошишидир.

2000-2010 йилларда Қорақалпоғистон Республикасини ижтимоий-иқтисодий ривожланиши учун мамлакатдаги умумий инвестицияларнинг ўртача 6,0% йўналтирилган. Инвестициялар ҳажмини минтақалар бўйича тақсимланишида Қорақалпоғистон Республикаси ўртача ўринни эгаллаган. Минтақада инвестиция ҳажмларининг ўсиш суръатлари охириги йилларда (2005-2010 йиллар) мамлакатнинг ўртача кўрсаткичларидан юқори бўлган (2.1.10-жадвал).

#### 2.1.10-жадвал

### Қорақалпоғистон Республикасида инвестицион фаолиятнинг ривожланиш динамикаси

№	Кўрсаткичлар	2000й.	2005й.	2010й.	2010 йил 2000 йилга нисбатан
1	Инвестицияларнинг ўсиш суръати (ўтган йилга нисбатан %)	104,1	107,3	106,5	+2,4
2	Марказлашган инвестициялар улуши (%)	50,7	43,9	31,6	-19,1
3	Номарказлашган инвестициялар улуши (%)	49,3	56,1	68,4	+19,1
4	Тўғридан тўғри хорижий инвестициялар улуши (%)	2,0	14,0	21,2	+19,2
5	Инвестицияларнинг тармоқлар бўйича таркиби (%):	100	100	100	-

## 2.1.10-жадвалнинг давоми

Ишлаб чиқаришга мўлжалланган	49,6	64,9	67,2	+17,6
- саноат	19,4	28,1	7,3	-2,1
- қишлоқ хўжалиги	6,7	9,0	6,8	+0,1
- қурилиш	0,2	0,4	0,9	+0,7
- транспорт	20,0	9,1	2,7	+7,1
- бошқалар	3,3	18,3	15,1	+11,7
Ноишлаб чиқаришга мўлжалланган	50,4	35,1	32,8	-17,6

Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида ҳисобланган

Жадвалдан кўриниб турибдики, минтақага тўғридан тўғри хориж инвестицияларини жалб қилишда маълум ижобий силжишга эришилган, яъни унинг улуши 2,0% дан 21,2% га ошган. Шунингдек инвестиция манбаларининг таркибида корхоналарнинг улуши ҳам ортган (22,3% дан 45,1% гача), бюджет маблағларининг улуши эса камайган (43,2% дан 15,2% гача). Бундай ҳолат иқтисодиётда хусусий секторнинг улуши ортиб бораётганлигидан далолат беради. Охириги ўн йил ичида марказлашган инвестицияларнинг ўрни камайиб (50,7% дан 31,6% гача), номарказлашган инвестицияларнинг иқтисодиётдаги мавқеи ошиб борган (49,3% дан 68,4% гача).

Бундай таркибий ўзгаришлар, минтақада инвестицион муҳитни яхшиланиб бораётганлиги ва минтақанинг инвестицион жозибадорлиги ошиб бораётганлигини кўрсатади.

Ишлаб чиқаришга йўналтирилган инвестициялар таркибида ҳам маълум ўзгаришлар кузатилди (49,6% дан 67,2% гача). Қурилиш, қишлоқ хўжалиги ва транспортга йўналтирилган инвестицияларнинг улуши ортган. Охириги икки йилда саноатга йўналтирилган инвестицияларнинг улуши камайганлиги кузатилган. Буни ёқилғи-энергетика соҳасида кўзда тутилган инвестицион лойиҳаларни амалга оширилмаганлиги билан изоҳлаш мумкин. Умуман олганда саноатнинг инвестициялар таркибидаги ўрни бошқа минтақаларга қараганда нисбатан юқори. Айниқса геология қидирув ишлари жараёни кучайганлигини таъкидлаш лозим.



Устюртда ва Орол денгизи акваториясида олиб бо-риладиган геология қидирув ишлари махсус ташкил этилган инвесторлар консорциуми томонидан амалга оширилмоқда. Улар “Узбекнефтгаз” Миллий Холдинг компанияси, “Лукойл” (Россия), “Газпром” (Россия), “Петронас” (Малайзия), “KNOС” (Корея), “СNРС International” (Хитой) компанияларидир. Газпром охириги беш йил давомида геологик қидирув (газ ва газ конденсати) ишлари-га 400 млн.долл. сарфлаган.

Транспорт инфратузилмасига йўналтириладиган инвестициялар улушининг юқорилиги Қорақалпоғистон Республикасида халқаро андозаларга асосланган Ўзбекистон миллий автотўлининг қурилиши билан боғлиқ (Бейнеу-Қўнғирот-Нукус).

Минтақада инвестицион фаолликни янада оширишга тўсқинлик қилаётган омиллар қаторига ишлаб чиқариш инфратузилмасининг ривожланиш даражаси пастлиги, ноқулай экологик вазият, мамлакатимиз ва хориж инвесторларини минтақанинг салоҳияти тўғрисида маълумотга тўлиқ эга эмаслиги, аҳоли турмуш даражасининг нисбатан юқори эмаслигини киритиш мумкин.

Умуман Қорақалпоғистон Республикасининг асосий макроиқтисодий кўрсаткичларининг таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, охириги ўн йилда маълум ижобий натижаларга эришилган. Лекин ҳал қилиниши керак бўлган бир қатор муаммолар ва номутаносибликлар мавжуд (иқтисодий салоҳиятнинг паст даражада эканлиги). Уларни иқтисодий салоҳиятнинг ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқишда эътиборга олиш, имкониятлар ва камчиликлар, кучли ва кучсиз томонлардан (SWOT-таҳлил) оқилона фойдаланиш муҳим аҳамиятга эга.

## **2.2. Табиий-иқтисодий салоҳият ва унинг рақобат афзалликлари**

Минтақанинг рақобат афзалликлари, биринчи навбатда унинг табиий-иқтисодий салоҳияти орқали шаклланади. Мавжуд нисбий рақобат афзалликлари

минтақанинг келажакда барқарор ривожланиши учун мустақкам замин бўлиб хизмат қилади. Шунинг таъкидлаш жоизки нисбий афзалликларнинг, яъни табиий-иқтисодий салоҳиятнинг айрим турлари ижтимоий-иқтисодий ривожланишга ҳам ижобий, ҳам салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Ушбу ҳолат ривожланиш стратегиясини сценария ва вариантларини ишлаб чиқишда муҳим аҳамият эга.

Қорақалпоғистон Республикасининг табиий-иқтисодий салоҳияти ўзига хос хусусиятлари билан ажралиб туради (2.2.1-жадвал).

### 2.2.1-жадвал

#### Қорақалпоғистон Республикасининг табиий-иқтисодий салоҳиятини нисбий баҳолаш (индекс)

№	Салоҳият турлари	Қорақалпоғистон Республикаси	Ўзбекистон республикаси	Минтақалараро эгаллаган ўрни
1	Ишлаб чиқариш инфратузилмаси	0,618	1,000	14
2	Ижтимоий инфратузилма	0,977	1,000	7
3	Сув заҳиралари	0,330	1,000	14
4	Ер заҳиралари	0,300	1,000	14
5	Асосий фондлар	0,462	1,000	11
6	Минерал хомашё	1,415	1,000	3
7	Меҳнат заҳиралари	0,917	1,000	9

Манба: Прогнозлаштириш ва макроиқтисодий тадқиқотлар институти маълумотлари асосида ҳисобланган

Минтақавий таққослашга кўра ишлаб чиқариш инфратузилмасининг ривожланиш даражаси, сув ва ер заҳиралари бўйича тадқиқот объекти охириги ўринларни эгаллаган. Лекин шу билан бир қаторда минтақа ўзининг нисбий афзалликлари бўлган минерал хом-

ашё захираларининг бойлиги ва уларнинг юқори рақобатбардошлиги билан ажралиб туради.

Қуйида Қорақалпоғистон Республикасининг нисбий афзалликларга эга бўлган табиий салоҳиятлари қўриб чиқилган.

**Агроиқлим шароитлари.** Қорақалпоғистон Республикаси Ўзбекистоннинг энг шимолий қисмида жойлашган бўлиб, мамлакатимизнинг бошқа минтақаларига нисбатан қуёш радиацияси, термик ресурсларнинг миқдори нисбатан камроқдир. Шунингдек минтақа совуқ ҳаво оқимларини шимолдан кириб келиши учун қулай.

Минтақада қуруқ субтропик иқлимга мос бўлган шарт-шароитлари шаклланган. Термик ресурсларнинг мавжудлиги пахта, дон, гуруч, полиз, мева ва озуқа экинлари каби иссиқсевар қишлоқ хўжалик маҳсулотлари учун нисбатан (айниқса жанубий зоналар доирасида) қулай (2.2.2-жадвал).

#### 2.2.2-жадвал

### Қорақалпоғистон Республикасида агроиқлим шароити (SWOT-таҳлил)<sup>34</sup>

Кучли томонлари (афзалликлари)	Кучсиз томонлари (салбий таъсири)
Термик ресурслар пахта, дон, гуруч, полиз, мева ва озуқа экинлари учун қулай. Пахта толаси стратегик ва ташқи талаб мавжуд бўлган хом-ашё.	Суғориш учун сувнинг етишмаслиги, ерларнинг шўрхоклиги, чўллашув жараёни агроиқлимга салбий таъсири кўрсатади, ҳосилдорлик ва самарадорликни камайтиради.

Чўллашув жараёни Қорақалпоғистон Республикаси табиатини шаклланишининг асосий омили бўлиб қолмоқда (2.2.3-жадвал).

<sup>34</sup> Изоҳ – SWOT-Таҳлил халқаро- тажрибада кенг қўлланиладиган усул бўлиб, мавжуд жараёнларнинг ижобий ва салбий томонларини акс эттиради.

### Қорақалпоғистон Республикасида чўллашув кўрсаткичлари (1.01.2010йил ҳолатига)

Туманлар ва шаҳарлар	Атмосферада ҳаво температураси +35°C дан ошиқ бўлган кунлар сони (50 кундан ортиқ)	Йилга қум бўронлари бўладиган кунлар сони (30 дан ортиқ)	Йиллик ёғингарчилик миқдори (150 мм.дан кам)	Ер ости сувлари захиралари 1 кишига камида 0,045 м <sup>3</sup> кунига
<b>Туманлар:</b>				
Амударё	-	-	105	0,001
Беруний	51	-	104	-
Қонликўл	-	-	97	0,001
Кораўзак	-	-	94	0,001
Кегейли	-	1	94	-
Кўнғирот	-	-	121	0,001
Муйноқ	-	35	134	0,001
Нукус	51	-	101	-
Тахтакупир	50	-	101	-
Тўрткўл	51	-	105	-
Хўжайли	51	-	101	0,01
Чимбой	-	-	101	-
Шуманай	51	-	110	0,01
Элликкалъа	-	-	108	-
<b>Шаҳарлар:</b>				
Нукус	51	-	101	0,01
Тахياتош	-	-	106	-

Манба: Табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси маълумотлари асосида ҳисобланган.

Ушбу ҳолат атмосферада ҳаво ҳароратининг юқори бўлиши, ёғингарчилик миқдорининг камлиги, ер ости сувининг захиралари озлиги билан белгиланади. Минтақа майдонининг 90% дан ортиғи чўл зонасида жойлашган. Чўллашувни кучайишига асосий сабаб Орол денгизи сатҳини кескин камайишидир.

Чўл зоналари ўзига хос бўлган ҳайвонот ва ўсимлик

дунёсига эга бўлиб, улардан самарали фойдаланишни йўлга қўйиш жуда муҳим долзарб масала бўлиб қолмоқда (2.2.4-жадвал).

#### 2.2.4-жадвал

### Қорақалпоғистон Республикасида чўллашув шароити (SWOT-таҳлил)

Кучли томонлари (афзалликлари)	Кучсиз томонлари (салбий таъсири)
<p>Чўл шароитига мослашган чорвачиликни ривожлантириш, жумладан қоракўл куйлари, туялар, жайрон, сайгаларнинг сонини ошириш имконияти мавжуд. Шунингдек фармацевтикада ва озиқ-овқат саноатида қўлланиладиган чўл ўсимликларидан фойдаланиш имкониятлари бор.</p>	<p>Сув камчилиги, яйловлардан фойдаланиш самарадорлигининг пастлиги, махсус дастурларнинг ишлаб чиқилмаганлиги.</p>

Қоракўлчилик ва туячилик фақатгина чўл шароитидагина ривожланади. Улар асосида тайёрланган маҳсулотлар (қоракўл териси, гўшт ва сут маҳсулотлари) фақатгина ички бозорда эмас, балки ташқи бозорда ҳам юқори талабга эга.

Озиқ-овқат, фармацевтика, парфюмерия соҳаларида чўлдаги айрим ўсимликлар (локрица илдизи) кенг қўлланилади. Умуман олганда чўлнинг ўзига хос ижобий салоҳиятидан самарали фойдаланиш минтақанинг рақобат афзалликларини шакллантириш имконини беради.

**Географик жойлашуви.** Минтақада рақобат афзалликларининг шаклланиши унинг географик жойлашувига ҳам боғлиқ. Ўзбекистоннинг бошқа минтақаларига нисбатан фарқли ўлароқ, транспорт-географик жойлашув Қорақалпоғистон Республикаси учун муҳим аҳамиятга эга. Авваламбор, минтақа Туркменистон ва Қозоғистон давлатлари ҳудудлари билан чегарадош, шунингдек Европа давлатларига чиқишда қулай ва транспорт харажатлари камлиги билан ажралиб туради.

Минтақа транспорт-географик жойлашувининг яна бир ўзига хос хусусияти йирик транзит маркази бўлиб хизмат қилишидир, яъни трансевроосиё кўприги вазифасини бажариши мумкин (2.2.5-жадвал).

### 2.2.5-жадвал

#### Қорақалпоғистон Республикасининг транспорт-географик жойлашуви (SWOT-таҳлил)

Кучли томонлари (афзалликлари)	Кучсиз томонлари (салбий таъсири)
<p>Хориж давлатларга (Қозоғистон, Туркманистон) бевосита кўшни бўлиши ва улар билан ташқи иқтисодий алоқаларни ривожлантириш имконияти юқори.</p> <p>Ўзбекистон минтақалари орасида Европа давлатлари билан иқтисодий алоқаларни шакллантириш қулай ва яқин.</p> <p>Европа ва Осиё мамлакатларини боғловчи транзит марказга айланиш имконияти мавжуд.</p>	<p>Мавжуд транспорт инфратузилмани қайта таъмирлаш ва кенгайтириш.</p>

Нукус-Қўнғирот-Бейнеу-Астрахан-Москва темир йўлидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, Нукус-Қўнғирот-Бейнеу йирик автомобил йўлини таъмирлашнинг тугатилиши, Нукус халқаро аэропорти имкониятларининг юқорилиги келажакда транзит хизматлари орқали экспорт салоҳиятини янада юксалтириш учун кенг йўл очиб беради.

Транзит рақобат афзаллиги транспорт-географик жойлашувнинг харажатларни қоплаш каби хусусиятидан фойдаланиш учун қулай шарт-шароит яратади. Маълум бир маънода, келажакда Европадан Осиёга (Хитой, Ҳиндистон, Покистон ва бошқалар), жумладан Ҳинд океанига юкларни етказиб бериш бўйича йирик экспорт-импорт операцияларини амалга ошириши мумкин.

Умуман Қорақалпоғистон Республикасининг транспорт-географик жойлашувидаги афзалликлардан қуйидаги йўналишларда фойдаланиш мумкин:

- хом-ашё, ярим ва тайёр маҳсулотлар бўйича минтақанинг экспорт салоҳиятини кескин ошириш;
- халқаро транзит юк ташиш кўламини кенгайтириш;
- транспорт харажатларини қоплаш мақсадида бир қатор янги ишлаб чиқариш қувватларини кенгайтириш.

Буларнинг барчаси минтақа рақобатбардошлигини оширишга имконият яратади.

Минерал хом-ашё заҳиралари. Минтақа иқтисодиётининг ҳозирда шаклланган таркиби бой минерал хом-ашё салоҳияти билан номутаносибдир. Аниқланган 67 та фойдали қазилма конларининг (1.01.2010 йилда) фақат 33 тасидан фойдаланилмоқда (2.2.6-жадвал).

2.2.6-жадвал

**Қорақалпоғистон Республикасида минерал хом-ашё заҳираларидан фойдаланиш даражаси (1.01.2010 йил ҳолатига)**

Минерал хом-ашё турлари	Қазилма конлар сони		Ўртача йиллик қазиб олиш (заҳирага нисбатан %)	Ҳозир қазиб олиш даражасидаги заҳиралар билан таъминлаш (йил)
	Жами	Шу жумладан фойдаланилаётганлари		
Гидро-минерал заҳиралар:	18	11	-	-
-ер ости сувлари	6	6	-	-
-минерал сувлар	12	5	-	-
Нометал қазилма конлари:	49	22	-	-
Тоғ руда хом-ашёси:	3	-	-	-

2.2.6-жадвалнинг давоми

- тальк	1	-	-	-
- вермикулит	1	-	-	-
- дала шпати	1	-	-	-
Тоғ кимё хом-ашёси:	2	1	-	-
- минерал тузлар	2	1	0,073	100 й.ортик
Қурилиш материаллари:	44	21	-	-
- цемент хом-ашёси	2	-	-	-
- пардоз учун тошлар	2	2	0,049	100 й.ортик
- қурилиш тошлари	7	5	0,0001	100 й.ортик
- гипс	1	-	-	-
- оҳактош	6	3	-	-
- керамзит хом-ашёси	3	2	-	-
- темир бетон учун хом-ашё	2	-	-	-
- ғишт учун хом-ашё	21	9	-	-
Умуман ҳаммаси	67	33	-	-

Манба: Давлат геология ва минерал хом-ашёлар қўмитаси маълумотлари асосида ҳисобланган.

Агарда минтақада табиий газ конденсати, нефт, темир, ош ва сульфат тузлари конларини ҳисобга оладиган бўлсак, мавжуд минерал хом-ашё салоҳияти юқори бўлиб, маълум рақобат афзалликларига эга.

Қорақалпоғистон Республикаси табиий газ, темир рудалари, тальк ва тальксимон тош, оҳактош захиралари бўйича мамлакатда етакчи ўринларни эгаллайди (2.2.7-жадвал).



## Қорақалпоғистон Республикасида минерал хом-ашё заҳираларининг ҳажми

№	Хом-ашёлар	Заҳиралар гуруҳи бўйича			
		А+В+С		С2	
		Ҳажми	Ўзбекистондаги улуши	Ҳажми	Ўзбекистондаги улуши
1	Темир рудалари млн.тн	-	-	450,0	100,0
2	Ош тузи млн.тн	131,0	11,4	10668,9	70,0
3	Сульфат тузи млн.тн	63,8	100,0	342,5	100,0
4	Оҳактош млн.тн	107,9	36,0	75,8	81,8
5	Тальк ва тальксимон тош млн.тн	4,6	100,0	15,7	100,0

Манба: Давлат геология ва минерал хом-ашёлар қўмитаси маълумотлари асосида ҳисобланган.

Келажақда мамлакатда ёқилғи ва энергетика тармоқларини ривожланиши кўп жиҳатдан Устюрт платосидаги ва Орол денгизи экваториясидаги газ конларини аниқлаш ва қазиб олиш билан боғлиқ. Устюрт худуди Ўзбекистонда энг йирик газ ва кимё мажмуаси маркази бўлиб қолиш имконияти жуда юқори. Ҳозирда бу ерда 30га яқин газ ва газ конденсати конлари очилган. Улардан энг йириклари Қоражамбас, Шимолий Бузачи, Қалампас.

Мамлакатимизда нефт ва газ бўйича геология қидирув ишларини ривожлантиришнинг 2020 йилгача бўлган дастури ишлаб чиқилган. Ушбу дастурга кўра газ заҳираларининг 53,9% (579 млрд.м<sup>3</sup>) Устюрт худудига тўғри келади. Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан (6 декабрь 2006 йил) Устюртда геология қидирув ишларини олиб бориш дастури тасдиқланган. Ушбу дастурга кўра 100 дан ортиқ объектларда чуқур бурғулашни амалга ошириш мўлжалланган ва улар хориж инвесторлари учун ажратиб берилган. Асосий геологик қидирув ишлари Акчолак, Ку-

аниш, Ғарбий Урга, Актумсук, Насамбек, Шахпахти инвестицион блоклариди олиб борилмоқда. Умуман Ўзбекнефтгаз миллий холдинг компанияси томонидан Орол денгизи акваториясида 1 триллион куб метрдан ортиқ табиий газ захираларини аниқлаш кўзда тутилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 19 декабрь 2010 йилдаги “Ўзбекистон Республикасида 2011-2015 йилларда саноатни ривожлантиришнинг устивор йўналишлари” қарорига мувофиқ Устюртда қиймати 3477,3 млн.доллар бўлган Ўрта Осиёда энг йирик ва ягона газкимё мажмуаси қурилиши бошлаб юборилган. Мажмуани қуввати йилига 400 минг тонна полиэтилен ва 100 минг тонна полипропилен ишлаб чиқаришга мўлжалланган. Бу ерда Сургул конидан олинаётган юқори этанли газни қайта ишлаш кўзда тутилган. Қурилиш ишлари 2014 йилда тамомланади. Хориж инвесторлардан KOGAS Корея компанияси фаол иштирок этмоқда. Юқорида қайд этилган қарорга мувофиқ Ўрта Куаниш ва Акчолак инвестицион блоклариди 2030 йилга қадар 700 млн.куб.м табиий газ қазиб олиш мўлжалланган. Устюрт худудида геологик қидирув ишларини янада кенгайтириш ва газ қазиб олишни кўпайтириш мақсадида (Газпром-Россия, Маскар-Бирлашган Араб Республикаси, Лукойл-Россия, Петронас-Малайзия компаниялари) 1,0 млрд.доллардан ортиқ инвестициялар йўналтирилади.

Минтақадаги минерал хом-ашё конлари ичида ички ва ташқи талабга жавоб берадиган ва ўзлаштиришнинг самарадорлиги жиҳатидан темир рудалари, ош ва сульфатли тузлар, тальк фойдали қазилмаларини кўрсатиш мумкин.

Тебин булоқ темир рудалари конида темирнинг миқдори 16-18%га тўғри келади, унинг прогноз захиралари 5 млрд.тоннадан ошиқ. Самарали технологияни қўллаш орқали ушбу кондан юқори сифатли пўлат ишлаб чиқариш мақсадга мувофиқ. Бу борада қидирув ва лойиҳа ишларини бошлаб юбориш лозим.

Борсакеммас ош тузи конларидан хом-ашё сифатида Кўнғирот сода заводида фойдаланилмоқда. Шунингдек Қороумбет ош тузи конидан ҳам фойдаланиш имкониятлари мавжуд (захира С2 – бўйича 16,6 млн. тоннадан

ошиқ). Аккала сульфатли туз конларидан амалиётда кенг фойдаланиш йўллари топиш зарур. Ушбу фойдали қазилмадан сульфат натрий, сульфат калий, ош тузи, бишофит (магний метали) ишлаб чиқаришни ташкил қилиш мақсадга мувофиқ.

Зинелбулоқ тальк конидан оловга чидамли ғишт, рубероид, резина маҳсулотлари ишлаб чиқаришда хом-ашё сифатида фойдаланиш мумкин.

Умуман минтақадаги айрим минерал хом-ашёлар ўзининг рақобат афзалликлари билан ажралиб туради (2.2.8-жадвал).

### 2.2.8-жадвал

#### Қорақалпоғистон Республикасидаги айрим минерал хом-ашёга бўлган талаб (SWOT-таҳлил)

Кучли томонлари (афзалликлари)	Кучсиз томонлари (салбий таъсири)
<p>Стратегик аҳамиятга эга бўлган газ ва газ конденсати конларининг мавжудлиги.</p> <p>Маҳаллий табиий газни қайта ишлашга асосланган газ-кимё мажмуасини ташкил этилиши.</p> <p>Маҳаллий хом-ашёга асосланган (ош ва сульфат тузлари конлари) йирик кимё мажмуасини барқарор ривожлантириш имконияти.</p> <p>Келажакда стратегик аҳамиятга эга бўлиши мумкин темир рудалари асосида металлургия соҳасини шакллантириш.</p>	<p>Тўғридан тўғри хориж инвесторлари жалб қилиш муаммоси.</p> <p>Йирик инвестиция маблағларининг зарурлиги.</p> <p>И н ф р а т у з и л м а н и н г ривожланмаганлиги.</p>

Асосан минтақа шимолида жойлашган бой минерал хом-ашё захираларини ўзлаштиришда ишлаб чиқиш ва ижтимоий инфратузилма объектларини мутаносиб равишда ривожлантириш муҳим аҳамиятга эга. Шунингдек аҳоли яшаш жойларини ташкил этиш, минерал захиралар маркази бўлмиш Қўнғирот шаҳрини иқтисодий ривожланиш марказига айлантириш мақсадга мувофиқ.

Қорақалпоғистон Республикасининг нисбий афзал-

ликлари қаторига мавжуд рекреацион (дам олиш ва туризм) салоҳиятни ҳам қўшиш мумкин. Бу ерда жаҳон цивилизацияси билан боғлиқ тарихий архитектура обидалари, экотуризм, соғлиқни сақлашга қаратилган балчиқ орқали муолажа қилиш ва бошқа хизмат турларини ривожлантириш имкониятлари бор.

Минтақанинг асосий бойлиги унинг аҳолисиндир. Демографик жараёнларнинг таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, бир томондан туғилишнинг камайиши ва иккинчидан аҳолининг миграцияси юқори даражада. Шунга қарамасдан меҳнат салоҳияти нисбатан катта бўлиб, меҳнат ресурсларининг ўсиш суръатлари нисбатан юқори. Ҳозирда ва келажакда ўсиб бораётган аҳолини иш билан таъминлаш энг долзарб муаммо бўлиб қолмоқда.

Келажакда саноат тармоқларини тез суръатлар билан ўсишини эътиборга олган ҳолда меҳнат бозорида таклиф ва талабнинг мувозанатини сақлаш ривожланиш стратегиясининг муҳим йўналиши бўлиши лозим. Айниқса юқори малакали кадрларга бўлган талабнинг кучайиши таълим тизимига асосий эътибор қаратилиши лозимлигини кўндаланг қилиб қўяди.

Умуман хулоса қиладиган бўлсак, минтақа табиий-иқтисодий салоҳиятининг кучли томонлари (афзалликлари) ривожланиш стратегиясини илмий асослашда, юқори иқтисодий ўсиш суръатларини таъминлашда, аҳоли турмуш даражасини янада оширишда асосий туртки бўлиб хизмат қилади.

### **2.3. Экологик вазият ва иқлим ўзгаришнинг иқтисодий-ижтимоий ривожланишга таъсири**

Қорақалпоғистон Республикасининг келажак ривожланишининг энг муҳим омиллари қаторига сув ва ер ресурслари киради. Ушбу ресурслар узоқ муддатда иқтисодиёт соҳалари ва аҳолининг турмуш фойятига тўғридан-тўғри таъсир кўрсатади. Айниқса озик-овқат хавфсизлигини таъминлаш ва қишлоқ хўжалигининг барқарор ривожланишида, экологик вазиятнинг шаклланишида сув ва ер ресурслари салоҳияти муҳим аҳамиятга эга.

Қорақалпоғистон Республикасининг давлат ер фонди 16,1 млн.га ёки мамлакат ер фондининг 35,9 % ни ташкил қилади. Уларнинг асосий қисми қишлоқ хўжалиги мақсадларида фойдаланиладиган ерлардан иборат (6,7 млн.га ёки 41,6 %) (2.3.1-жадвал).

Пичанзорлар ва яйловлар (29,4 %), ўрмон хўжалиги корхоналари ерлари (6,1%), экин ерлар (2,6 %) жами ерларнинг деярли 40 %ни ташкил этади (2.3.1-жадвал)

### 2.3.1-жадвал

#### Қорақалпоғистон Республикаси ер фонди (2011 йил бошида)

Ердан фойдаланувчилар	Жами мингга	Жамига нисбатан %
Қишлоқ хўжалик ерлари	5188,3	32,2
Экин ерлар	420,3	2,6
Ўрмон хўжалиги ерлари	989,5	6,1
Пичанзорлар ва яйловлар	4749,7	29,4
Бошқа ерлар	4778,0	29,6
Жами ерлар	16135,8	100,0

Манба: Муаллифлар томонидан картография, геодезия, ер заҳиралари кўмитаси маълумотлари асосида тайёрланган.

Умумий ер майдонининг 32,2 % ни қишлоқ хўжалик экинлари эгаллаган, шу жумладан суғориладиган ерлар 9,0 % ни ташкил этади (2.3.2-жадвал).

### 2.3.2-жадвал

#### Қорақалпоғистон Республикаси ер фондида суғориладиган ерларнинг ўрни (2011 йил бошида)

Ердан фойдаланувчилар	Жами мингга	Жамига нисбатан %
Экин ерлар	420,3	83,3

### 2.3.2-жадвалнинг давоми

Кўп йиллик дарахтзорлар	8,8	1,7
Бўз ерлар	9,5	1,9
Томорқа ерлар	34,9	6,9
Ўрмонлар	,8	0,2
Яйловлар	30,2	6,0
Жами суғориладиган ерлар	504,5	100,0

Манба: Муаллифлар томонидан картография, геодезия, ер захиралари кўмитаси маълумотлари асосида тайёрланган.

Қорақалпоғистон Республикасида жами суғориладиган ерлар майдони 504,5 минг гектарни ташкил қилади ва бу кўрсаткич охиригى ўн йилда деярли ўзгармай қолмоқда.

Суғориладиган ерларнинг асосий қисми (83,3 %) экин майдонларига тўғри келади. Шунингдек, томорқа суғориш ерлари 6,9 %, суғориладиган яйловлар улуши эса 6,0 %. Кўп йиллик дарахтзорларнинг улуши нисбатан паст (1,7%). Суғориладиган ерларда бир гектар ердан олинадиган маҳсулот яйловларга нисбатан 100 мартадан ортиқдир. Аҳоли жон бошига тўғри келадиган суғориш майдонлари йил сайин камайиб бормоқда (1991 йилда 0,4 га бўлса, 2010 йилда 0,2 га тенг).

Шунингдек ерларнинг маҳсулдорлигининг камайиш тенденциясини ҳам кузатиш мумкин. Табиатни муҳофаза қилиш кўмитаси маълумотларига кўра охиригى 20 йил ичида гумуснинг тупроқдаги қисми 30-40 % га камайган.

Суғориладиган ерларнинг унумдорлигини камайишига шўрхокликнинг ошиши ва шамол эрозиясининг кучайиши ҳам сабаб бўлмоқда. Умуман суғориладиган ерларнинг унумдорлиги охиригى йилларда (2005-2010 йилларда) 15-20%га камайган.

Ҳозирда минтақада ерларнинг унумдорлик бонитети 40га тенг бўлиб, мамлакатнинг ўртача кўрсаткичларидан (56) деярли 1,5 марта орқада қолмоқда.

Ерларнинг сифат кўсаткичларини яхшилаш, унинг унумдорлигини ошириш учун бир қатор чора-тадбир-

ларни амалга ошириш ва қишлоқ хўжалигини барқарор ривожлантириш энг долзарб вазифа бўлиб қолмоқда.

Келажақда (2050 йилгача) минтақада мутахассисларнинг баҳоларига қараганда қўшимча суғориладиган ер майдонларини ўзлаштириш имконияти деярли йўқ. Бунинг асосий сабаби сув ресурсларининг чекланганлигидир. Шу сабабли суғориладиган майдонлардан самарали фойдаланишнинг асосий йўналишлари мелиорация тизимини реконструкция қилиш ва қайта таъмирлаш, сув тежаш технологияларини кенг қўллашдан иборат бўлиб қолади.

Қорақалпоғистон Республикаси майдонининг асосий қисмини табиий озуқа экинлар-яйловлар ташкил этади. Улар асосан чорвачилик учун озуқа захираси бўлиб хизмат қилади. Яйловлар деярли ҳаммаси чўл зонасида жойлашган. Чўллардаги тупроқ гумусининг камлиги, юқори карбонатлиги, чўрлашувнинг кенг тарқалганлиги билан ажралиб туради. Чўл яйловларнинг майдони бўйича Қорақалпоғистон Республикасининг мамлакатдаги улуши 26,7 % ташкил этади ва минтақалар орасида иккинчи (Навоий вилоятидан сўнг) ўринни эгаллайди (2.3.3-жадвал).

### 2.3.3-жадвал

#### Ўзбекистон минтақаларида чўл яйловларининг жойлашуви (2011 йил бошида)

Минтақалар	Яйловларнинг умумий майдони, минг га	Шу жумладан чўл зонасида жойлашган яйловлар майдони, минг га
Қорақалпоғистон Республикаси	4749,7	4749,7
Вилоятлар:		
Андижон	21,9	4,0
Бухоро	2684,5	2577,6
Жиззах	723,5	196,6
Қашқадарё	1487,6	639,8

### 2.3.3-жадвалнинг давоми

Навоий	10008,7	9435,9
Наманган	153,3	1,5
Самарқанд	795,2	19,1
Сурхондарё	851,4	83,1
Сирдарё	23,6	-
Тошкент	374,1	-
Фарғона	24,6	3,9
Хоразм	162,8	162,8
Жами:	22098,5	17911,6

Манба: Муаллифлар томонидан картография, геодезия, ер захиралари қўмитаси маълумотлари асосида тайёрланган.

Ушбу чўл яйловлари денгиз сатҳидан 500 метргача баландликда жойлашган бўлиб, йил давомида чорвачилик, биринчи навбатда қоракўлчиликни ривожлантириш мақсадларида фойдаланилади. Шу сабабли ҳозирда ва келажакда чўл яйловлари Қорақалпоғистон Республикасида чорвачиликни ривожлантиришнинг асосий омилли бўлиб қолади.

Чўл яйловларида ҳайвонлар йил бўйи боқилиши натижасида мавсумий ва йиллик яйлов алмашилишни қўллаш мақсадга мувофиқ. Яйловларда озуқа муаммосини ҳал қилишда фақатгина озуқабоб ўсимликларни экиш орқали мақсадга эришиб бўлмайди. Шу боис яйловлар ҳолатини яхшилаш чора-тадбирларини амалга оширишда, улардан оқилона фойдаланиш муҳим аҳамиятга эга.

Ер ресурслари билан бир қаторда иқтисодий барқарор ривожланиши сув ресурсларига бевосита боғлиқ. Сув ресурсларининг танқислиги Қорақалпоғистон Республикасининг энг асосий ўзига хос хусусиятидир. Минтақа худудида Орол денгизи ҳавзаси барча сув ресурсларининг 10 % шаклланади.

Сув ресурсларининг чекланганлиги асосан трансчегаравий сувлардан фойдаланиш заруриятидан келиб чиқади. Бу вазият Амударё ва Сирдарё оқимлари шаклланадиган қўшни мамлакатларнинг сув сиёсати билан боғлиқ.

Мутахассисларнинг ҳисобларига кўра, суғориш учун сувнинг етишмовчилиги 2025 йилга бориб 30 куб.км, 2050 йилда эса 40-50 куб.км ташкил қилиши мумкин.



Сув танқисчилиги билан бир қаторда унинг ифлосланганлигини қайд қилиш лозим. Бунинг асосий сабаби саноат, қишлоқ хўжалиги, уй-жой хўжалиги корхоналари оқова сувлари билан ифлосланганлигидир.

90% дан ортиқ суғориш учун фойдаланилаётган сув ифлосланган ва минераллашган. Уларни тозалаш деярли мумкин эмас. Шу сабабли сувнинг сифатини яхшилаш минтақа учун энг муҳим ижтимоий ва экологик муаммо бўлиб қоляпти.

Қорақалпоғистон Республикасининг сув ресурслари 10,4 млрд.куб.м.га тенг бўлиб, улардан 9,4 млрд.куб.м ёки 90% Амударёнинг, қолганлари эса коллектор-дренаж ва ер ости сувларидан ташкил топган (2.3.4-жадвал).

2.3.4-жадвал

### Қорақалпоғистон Республикаси сув ресурслари (млн.куб.м.)

Минтақалар	Амударё	Кичик қўллар	Ер ости сувлари	Коллектор-дренаж сувлари	Жами
Амударё ҳавзаси	23263	10413	1004	2609	37289
Қорақалпоғистон Республикаси	9398	-	75	945	10418
Ўзбекистон Республикаси (Амударё ва Сирдарё ҳавзаси)	33753	19838	2612	6819	63022

Манба: Генеральная схема использования орошаемых земель, водных ресурсов и их охрана. Водопроект, Ташкент, с 72.

Ҳозирда аҳолини сув билан таъминлашда ер усти ирригация каналларидан ва ер ости сувларидан фойдаланилади. 1994 йилдан бошлаб Туямуюн-Нукус-Чимбай-Таштакўпир-Тўрткўл-Беруний минтақавий водопровод тизими фаолият кўрсатмоқда. Амударёнинг чап қирғоғида Узтрансгаз водопровод тизими фаолият олиб бормоқда. Бу тизимга Ходжейли, Тахиатош, Қонликул, Шуманай ва Олтинкул аҳоли яшаш жойлари қўшилган.

Келажақда сув танқисчилигини эътиборга олган ҳолда аҳолини тоза сув билан таъминлаш меъёри ўзгармаган ҳолда мавжуд қувватларни аҳоли сонининг ошишига мувофиқ кенгайтириш мўлжалланган (2.3.5-жадвал).

### Келажакда Қорақалпоғистон Республикасида аҳолини сув билан таъминлаш даражаси

	2010 йил			2025 йил			2050 йил		
	Талаб минг.м <sup>3</sup> /сув	Таклиф минг.м <sup>3</sup> /сув	Аҳолини сув билан таъминлаш	Талаб минг.м <sup>3</sup> /сув	Таклиф минг.м <sup>3</sup> /сув	Аҳолини сув билан таъминлаш	Талаб минг.м <sup>3</sup> /сув	Таклиф минг.м <sup>3</sup> /сув	Аҳолини сув билан таъминлаш
Қорақалпоғистон Республикаси жами:	399	399	148	486	486	149	564	564	141,3
Жумладан: Ер усти манбалари	357	357	-	441	441	-	527	527	147,6
Ер ости манбалари	42	42	-	45	45	-	37	37	88,1

Манба: Муаллифлар томонидан. Аҳолини жойлаштиришнинг бош схемаси маълумотлари асосида ҳисобланган.

Махсус лойиҳа илмий текшириш институтлари ҳисобларига кўра сув билан таъминлаш иншоотларининг қуввати 2025 йилга бориб 1,2 марта, 2050 йилда 1,4 марта ошириш мўлжалланган. Келажакда сув билан таъминлашнинг асосий манбалари Туямуйин сув омбори, ирригацион каналлар ва сув ости заҳиралари бўлиб қолади.

Ўрта ва узоқ муддатда (2050 йилгача) Қорақалпоғистон Республикасида суғориладиган ерларни сув билан таъминлаш энг қийин ва мураккаб муаммолардан бири бўлиб қолади. Тожикистон ва Қирғизистондан келадиган дарё оқими режаларининг бузилиши, Орол денгизига қуйиладиган сув ҳажмининг камайиши ўз навбатида суғориш учун керакли бўлган сувнинг етишмаслигига олиб келади. Ушбу салбий омил, яъни сув танқислиги келажакда иқтисодиётнинг барқарор ривожланиши учун асосий омил бўла олмайди.

Қорақалпоғистон Республикасининг узоқ муддат-

да барқарор ривожланиш стратегиясини ишлаб чиқиш Орол денгизи фожиаси билан чамбарчас боғлиқ. Бир томондан дунё миқёсида иқлимнинг ўзгариши маълум маънода Орол денгизига таъсир кўрсатади, иккинчи томондан эса Оролнинг ўзини қуриб бориши, сатҳининг камайишининг атроф муҳитга бевосита таъсирининг ижтимоий-иқтисодий оқибатлари мавжуддир.

Орол денгизи ва атроф муҳит ўртасидаги боғлиқликнинг асосий омиллари иқлим, тупроқ ва ер ости сувларининг жойлашуви биоландшафтидан иборат.

Орол денгизи сатҳи охириги 35-40 йиллар ичида экспертларнинг ҳисобларига кўра 29 метрга, унинг майдони 5,8 марта камайган, сув ҳажми 1084 дан 80 метр куб километрга тушган. Ҳозирда қуриб қолган денгиз майдони 4,0 млн.гектардан ошиб кетган.

Денгиз сатҳининг ва сув ҳажмининг тушиб кетиши айниқса Қорақалпоғистон Республикасида иқлимнинг ўзгарувчанлигини кучайишига, ҳавонинг намлик даражасининг кескин тушиб кетишига олиб келган. Қуриб қолган денгиз сатҳидан атрофга хлоридлар ва сульфатларнинг тарқамаси кескин ошган. Шу билан бирга ер ости сувларнинг минерализациялаш даражаси ошиб, уларнинг сатҳи камайган.

Орол фожиаси натижасида чўллашув жараёни кучайган, 500 минг гектардан ортиқ ер майдони яроқсиз ҳолга келиб қолган. Шунингдек ерларнинг чўрлашув жараёни кучайган. Ушбу табиий ўзгаришлар биринчи навбатда қишлоқ хўжалигига ва унга боғлиқ соҳаларга ўз салбий таъсирини кўрсатмай қолмайди. Жумладан, яйловларнинг унумдорлигини камайишига, ем-хашак ҳажмини тушиб кетишига, чорва моллари сонининг камайишига олиб келади.

Қишлоқ хўжалигидан ташқари, Орол денгизи сатҳининг камайиши балиқ ва ондатра хўжалигига, транспортга ва умуман аҳоли турмуш даражасига ўзининг салбий таъсирини кўрсатди.

Ўрта ва узоқ келажакда ҳам Орол денгизининг Қорақалпоғистон Республикасининг ижтимоий-иқтисодий ривожланишига таъсирини ўрганиш ва баҳолаш, унинг салбий оқибатларининг олдини олиш

бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқиш долзарб муаммо бўлиб қолади.

Иқлим ўзгаришлари Ўзбекистон, жумладан Қорақалпоғистон Республикасининг табиий ресурсларига ва ижтимоий-иқтисодий ривожланишига маълум даражада ўз таъсирини кўрсатади.

Минтақалар бўйича ўртача мавсумий ўзгаришларининг таҳлили исиш кузатилаётганлигини кўрсатмоқда (2.3.6-жадвал).

### 2.3.6-жадвал

#### Ўзбекистон минтақаларида максимал ва минимал ҳаво ҳарорати тренлари (1938 йилдан буён)

Ҳарорат	Йил фазллари	Шимолий минтақалар (Қорақалпоғистон Республикаси)	Марказий минтақалар	Жанубий минтақалар
T <sub>min</sub>	Қиш	0,37	0,77	0,31
	Баҳор	1,46	1,38	1,31
	Ёз	2,45	2,25	2,80
	Куз	1,86	2,33	2,17
T <sub>max</sub>	Қиш	0,13	0,08	0,14
	Баҳор	0,33	0,41	0,38
	Ёз	0,38	0,42	0,22
	Куз	0,72	0,54	0,72

Манба: Муаллифлар томонидан Гидрометрология хизмати маркази маълумотлари асосида тайёрланган.

Минтақаларда ҳавонинг минимал ҳарорати максимал ҳароратига нисбатан кўпроқ кўтарилмоқда. Умуман Ўзбекистон минтақаларидаги ҳароратнинг ўсиш суръатлари бутун ер юзидаги ўртача кўрсаткичдан 2 мартадан баланд.

Иккита давр (1951-1980 ва 1978-2007 йиллар) солиштирилиб кўрилганда Қорақалпоғистон Республикасида ҳаво ҳарорати -15°C дан паст бўлган кунлар сони 28-48 % га камайганлиги маълум бўлди. Юқори (40 оС дан баланд) ҳароратли кунлар сони Орол бўйича 2 мартадан кўпроққа ортган. Ушбу ҳолатлар иқлимнинг экстремаллиги кучайганлигидан дарак бермоқда. Ёгинлар миқдори бир оз кўпайишига қарамасдан, исишнинг

юқори суръатлари иқлим куруқланишининг асосий омили бўлмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Гидрометеориология хизмати маркази мутахассислари томонидан, БМТнинг иқлим ўзгариши конвенциясига мувофиқ минтақаларда узоқ муддатда иқлим ўзгаришининг сценариялари (вариантлари) ишлаб чиқилган (2.3.7-жадвал).

### 2.3.7-жадвал

#### Иқлим ўзгаришларининг Қорақалпоғистон Республикасида кутилаётган вариантлари (ҳозирги даврга нисбатан ўзгаришлар)

Йиллар	I-вариант		II-вариант	
	ҳарорат °С	ёғинлар %	ҳарорат °С	ёғинлар %
2030 й.	1,3	104	1,1	115
2050 й.	2,0	105	2,0	110
2080 й.	3,2	101	3,7	108

Манба: Муаллифлар томонидан Гидрометеорология хизмати маркази маълумотлари асосида тайёрланган.

Қорақалпоғистон Республикаси бўйича ишлаб чиқилган иккита асосий вариант, бир-биридан мумкин бўлган ёғинларнинг миқдори билан ажралиб туради. Ҳароратнинг ўсиш даражаси 2030 йилда деярли ўзгармаган ҳолда, узоқ даврда маълум даражага кўтарилиши вариантлар доирасида кўриб чиқилган.

Иқлимий ўзгаришларнинг вариантлари асосида, турли ижтимоий-иқтисодий соҳаларда иқлимнинг таъсири ўрганилиб, унинг заиф томонлари, хавф-хатарлари ва мослашув имкониятларини кўриб чиқиш мумкин.

Қорақалпоғистон Республикаси шароитида иқлим ўзгаришларининг энг заиф томонлари сув ва ер билан таъминланганлик, озиқ-овқат хавфсизлигида муҳим роль ўйнайдиган экинларнинг ҳосилдорлиги, яъни қишлоқ хўжалигини барқарор ривожлантиришнинг имкониятлари, аҳоли саломатлигини мустақкамлашдан иборатдир (2.3.8-жадвал).

### Иқлим ўзгаришининг сув ресурсларига таъсири- нинг SWOT таҳлили (хавф-хатарлар ва имкониятлар)

Хавф-хатарлар	Имкониятлар
<ul style="list-style-type: none"> <li>- Мавжуд сув ресурсларининг камайиши;</li> <li>- Табиий ўзгарувчанликнинг кучайиши ва сувнинг оз-кўплиги бўйича экстремал йиллар сонини ошиши;</li> <li>- Буғланиш даражаси ва суғориш меъёрининг ошиши;</li> <li>- Сув таъминотида истеъмолнинг ошиши;</li> <li>- Сув сифатининг ёмонлашуви.</li> </ul>	<ul style="list-style-type: none"> <li>- Чегаралараро дарё оқимини тартибга солиш ва тақсимлаш;</li> <li>- Сув ресурслари мониторинги тизимини ривожлантириш;</li> <li>- Ёмғир сувларидан унумли фойдаланиш;</li> <li>- Қурғоқчиликни олдиндан аниқлаш ва огоҳлантириш тизимини ишлаб чиқиш.</li> </ul>

Манба: Муаллифлар томонидан Гидрометеорология хизмати маркази маълумотлари асосида тайёрланган.

Орол денгизи ҳавзасидаги дарё оқимларининг иқлим ўзгаришларига таъсири кўйидагича баҳолаш мумкин:

- 2030 йилга қадар иқлимий ўзгаришлар (I ва II-вариантлар) Амударё ҳавзасидаги сув ресурсларида сезиларли ўзгаришлар бўлмайди;
- 2050 йилга бориб Амударё ҳавзасида оқимларнинг камайиши 10-15 % атрофида бўлиши мумкин;
- узоқ муддатли истиқболда Амударё ҳавзасида оқим камайиши 20% га етади.

Умуман хулоса қиладиган бўлсак сув ресурсларига иқлимнинг таъсири кўйидаги хавф-хатарларга олиб келиши мумкин:

- мавжуд сув ресурсларининг камайиши;
- сув таъминотида истеъмолнинг ортиши;
- сув сифатининг ёмонлашуви;
- сувнинг буғланиш даражасини ва суғориш меъёrlарининг ошиши.

Ҳозирги вақтда Орол денгизи сувининг шўрланганлиги 7 баробардан кўпроққа ортган. Ғарбий ҳавзада шўрланганлик 78% га ва Шарқий ҳавзада 100 % га етди. Денгизнинг қуриши унинг ғарбий ҳавзасида вертикал сертификация ҳосил бўлишига, 22 метр чуқурликдан бошлаб эса, илгари бу сув ҳавзасига хос бўлмаган водород сульфат билан ифлосланиш зонаси шаклланишига олиб келди.

Иқлим исизи шароитида ва ҳозирги вазият сақланиб

қолганда сув ҳавзасининг қуриши ва унинг шўрланиши салбий жараёнларни кучайиб боришига ва яқин келажакда Орол денгизи, айниқса унинг ғарбий қисми ўлик сув ҳавзасига айланади, деган таҳлиллар мавжуд. Келгусида фойдаланиш мумкин бўлган сув ресурслари ҳажмини ва суғориш эҳтиёжлари учун сувга бўлган талабларни баҳолаш барқарор иқтисодий ривожланишни таъминлашда муҳим бўлиб, у иқлим ўзгаришлари билан ўзаро боғлиқдир.

Иқлим ўзгариши шароитида озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш учун, қишлоқ хўжалигини ривожланишига таъсир қилувчи омилларни аниқлаш лозим.

Қишлоқ хўжалиги ва экинлар ҳосилдорлиги кўп жиҳатдан агроиқлимий ресурслар, ернинг иссиқлик ва намлик билан таъминланганлигига боғлиқ (2.3.9-жадвал).

### 2.3.9-жадвал

#### Қишлоқ хўжалигига иқлим ўзгариши таъсири-нинг SWOT таҳлили (хавф-хатарлар ва имкониятлар)

Хавф-хатарлар	Имкониятлар
<ul style="list-style-type: none"> <li>- Сувнинг танқисчилиги шароитида суғориш меъёрларининг камайиши;</li> <li>- Тупроқ шўрланиши жараёнининг кучайиши;</li> <li>- Бегона ўтлар, зараркунандалар ва бошқа касалликлар тарқалишининг кучайиши;</li> <li>- Йилнинг қуруқ ва иссиқ даври давомийлигини ортиши;</li> <li>- Яйловлар ҳосилдорлигини камайиши;</li> <li>- Хайвонлар танасидаги босимнинг ортиши.</li> </ul>	<ul style="list-style-type: none"> <li>- Вегетацион даврининг ортиши;</li> <li>- Қишлоқ хўжалик экинлари ва яйловларнинг махсулдорлиги ошиши мумкин;</li> <li>- Ердан бир неча марта фойдаланиш мумкинлиги;</li> <li>- Яйлов чорвачилиги учун қишлаш ва қўзилатиш шароитининг яхшиланиши.</li> </ul>

Манба: Муаллифлар томонидан Гидрометрология хизмати маркази маълумотлари асосида тайёрланган.

Мутахассисларнинг ҳисоб-китобларига кўра ёзги ва кузги ҳаво ҳароратининг ошиши ҳисобига агроиқлимий ресурсларнинг мумкин бўлган ўзгаришлари яқин ўн йилликда суғориладиган, шунингдек лалмикор ерларда қишлоқ хўжалиги экинлари етиштиришга сезиларли таъсир кўрсатмайди. Уларнинг таъсири 2050 йилларга бориб ортади. Бу айниқса иқлим исиши туфайли

вегетацион даврнинг давомийлиги сезиларли ўзгариши кутилаётган шимолий минтақаларда, жумладан Қорақалпоғистон Республикасида кузатилади.

Умуман қишлоқ хўжалигига иқлим ўзгаришларининг салбий оқибатлари қуйидагилардан иборат бўлиши мумкин:

- сув танқислиги шароитида суғориш меъёрларининг камайиши;
- тўпроқ шўрланиши жараёнининг кучайиши;
- йилнинг қуруқ ва иссиқ даври давомийлигининг ортиши;
- яйловлар ҳосилдорлигининг камайиши ва бошқалар.

Мавжуд хавф-хатарларнинг олдини олиш, уларнинг салбий таъсирини камайтиришга қаратилган чоратадбирлар тизимини ҳозирдан бошлаб ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ. Иқлим ўзгаришлари шунингдек айрим имкониятлардан самарали фойдаланишни талаб қилади. Жумладан, вегетация даврининг ошиши, ердан бир неча марта фойдаланишни ташкил қилишни, яйловларда чорвачиликни ривожлантиришга қаратилган масалаларни ҳал қилишни кўндаланг қилиб қўяди.

Иқлим ўзгаришининг инсон саломатлигига бевосита таъсири – иссиқликдан касалланишнинг кўпайиши, иқлим билан боғлиқ хавфли ҳодисаларнинг вақтида одамларнинг ўлими ва жароҳатланишидан иборат (2.3.10-жадвал).

### 2.3.10-жадвал

#### Аҳоли саломатлигига иқлим ўзгариши таъсирининг SWOT таҳлили (хавф-хатарлар ва имкониятлар)

Хавф-хатарлар	Имкониятлар
<ul style="list-style-type: none"> <li>- Иссиқликдан касалликларнинг (юррак-қон томири, юқумли касалликлар) ва ўлимликнинг кўпайиши;</li> <li>- Инсон танасига иссиқлик босимининг ортиши, дискомфортнинг кучайиши.</li> </ul>	<ul style="list-style-type: none"> <li>- Аҳолининг заиф қисмини аниқлаш ва назорат қилиш;</li> <li>- Тиббий огоҳлантириш тизимини жорий қилиш;</li> <li>- Юқумли касалликлар устидан назоратни кучайтириш;</li> <li>- Эпидемияга қарши тадбирлар тизимини такомиллаштириш.</li> </ul>

Манба: Муаллифлар томонидан Гидрометеорология хизмати маркази маълумотлари асосида тайёрланган.



Қорақалпоғистон Республикасида ёзда иқлим шaroитлари анчагина оғир. Шаҳарларда максимал ҳарорат 40-45°C, чўл ҳудудларда эса 45-49 °C гача боради. Бундай кунларда офтоб уриш ва юрак-қон томирлари касалликлари хавфи ортади. Кўп йиллик маълумотлар таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, кучли иссиқлик дискомфортни кузатиладиган кунлар сони сезиларли ортмоқда.

Нукус шаҳри бўйича олинган маълумотларга кўра, юрак-қон томири касалликларидан ўлимлар сони энг иссиқ ойлarda ўртacha йиллик кўрсаткичлардан 17 %га баланд, об-ҳаво кескин ўзгариши кузатиладиган ойлarda эса 13 %га юқори бўлиши аниқланган.

Иқлим ўзгаришининг билвосита оқибатлари мавсумий ва юқумли касалликлар, ҳамда касаллик тарқалган жойларнинг ўзгариши, тоза ичимлик суви ва озиқ-овқат етишмаслиги билан боғлиқ касалликлар сонининг ортиши орқали намоён бўлади.

Умуман ҳозирда ва келажакда иқлим ўзгаришлари Қорақалпоғистон Республикасининг ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг барқарорлигига маълум даражада таъсир кўрсатади. Мавжуд бўлажак хавф-хатарларни аниқлаш, уларнинг олдини олиш минтақа ривожланиш стратегиясини ишлаб чиқишда муҳим омиллар қаторига киради. Айниқса сув ресурсларининг камайиш ҳолати, қишлоқ хўжалигида вужудга келадиган хавф-хатарлар, Орол денгизи билан боғлиқ салбий оқибатларни эътиборга олиш Қорақалпоғистон Республикасини узок муддатда барқарор ривожланишини таъминлаш учун жуда муҳимдир.

### **3-БОБ. ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИ УЗОҚ МУДДАТДА РИВОЖЛАНТИРИШ СТРАТЕГИЯСИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ВА АМАЛГА ОШИРИШ МЕХАНИЗМЛАРИ**

#### **3.1. Ижимоий-иқтисодий ривожланиш стратегиясининг концептуал асослари**


Қорақалпоғистон Республикасини узоқ муддатда ривожлантириш стратегияси юқорида қайд қилиб ўтилган мавжуд ижтимоий-иқтисодий вазиятни баҳолаш, муаммолар, камчиликлар ва турли хавф-хатарларни аниқлаш, табиий-иқтисодий салоҳият ва нисбий рақобатбардошлик афзалликларидан фойдаланишнинг самарали йўлларини белгилаш билан бир қаторда ушбу стратегияни шакллантиришнинг концептуал асосларини ишлаб чиқишни тақозо қилади.

Муаллифлар фикрича минтақа стратегиясини ишлаб чиқиш қуйидаги принципал йўналишларни эътиборга олиши лозим (3.1.1-чизма):

- Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг оқибатлари ва хавф-хатарлари, иқлим ва экологик вазиятнинг узоқ даврдаги ўзгариш тенденциялари асосида минтақанинг жаҳон хўжалик тизимига кириб боришини ва ташқи бозор талабларидаги ўрнини аниқлаш;

- Умумий табиий салоҳият, сув, ер ва транспорт инфратузулмаларига эга бўлган Ўрта Осиё давлатларида-

ги ижтимоий-иқтисодий вазият, келажакдаги ривожланиш стратегиялари, айниқса трансчегаравий дарё сувларидан оқилона фойдаланиш режаларини ўрганиш;



3.1.1-чизма. Қорақалпоғистон Республикасини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш стратегиясининг принципиал йўналишлари

- Ўзбекистоннинг келажакдаги ижтимоий-иқтисодий ривожланиш стратегиясининг асосий йўналишлари, ислохотларнинг устивор вазифалари, иқтисодиётни модернизациялашнинг узоқ муддатли прогноз кўрсаткичларини белгилаб олиш;

- Ўзбекистонда минтақаларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг ягона стратегиясининг асосий йўналишларини белгилаб олиш ва улардан алоҳида минтақаларни ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқишда кенг фойдаланиш;

- Қорақалпоғистон Республикасининг ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш стратегиясини мавжуд табиий-иқтисодий салоҳият ва хавф-хатарлар, ресурсларнинг чегараланганлигини, мамлакатнинг миллий манфаатларини, минтақа барча ҳудудлари ва шаҳарларининг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқиш.

Халқаро доирада минтақанинг барқарор ижтимоий-иқтисодий ривожланишига таъсир этувчи ташқи омиллар қаторига ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг рақобатбардошлиги ва талабга мос келиши, дунё иқтисодиёти келажакнинг ноаниқлиги, жаҳон молия-банк тизимининг чуқур ислоҳ қилиниши заруриятини киритиш мумкин. Бу ўринда ташқи ва ички талабни шакллантиришнинг ўзига хос ўринлари мавжудлигини кўрсатиб ўтиш лозим.

Дунёда узоқ муддатли келажакда иқтисодиётга тўғридан-тўғри таъсир кўрсатувчи иқлим ўзгаришларини алоҳида таъкидлаб ўтиш лозим. Бир қатор нуфузли халқаро ташкилотлар (БМТ, Жаҳон банки) экспертларининг ҳисоб-китобларига кўра 2050 йилга бориб ҳаво ҳароратини беш градусга, 2080 йилга бориб эса тўққиз градусга ошиши тахмин қилинмоқда. Иқлимни бу даражада кескин ўзгариши барча мамлакатлар ва минтақаларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишига таъсир кўрсатмасдан қолмайди (3.1.2-расм).



3.1.2-расм. Минтақа стратегиясини шакллантиришда турли омилларнинг таъсири

Қорақалпоғистон Республикасида иқлим ўзгаришларининг оқибатлари тадқиқотнинг алоҳида 2.3-бўлимида кўрсатиб ўтилган.

Дунё бозорида ўз ўрнини топа олиш, ташқи талабга жавоб берадиган рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқишни

ташкил этиш минтақа стратегиясининг асосий йўналишларидан бири бўлиб қолиши керак. Бу ўринда Қорақалпоғистон Республикасининг транспорт-географик жойлашуви ҳам маълум даражада қўшни давлатлар (Қозоғистон, Туркменистон, Россия) бозорларига маҳсулотларни экспорт қилишда транспорт харажатларини эътиборга олган ҳолда республикамизнинг бошқа минтақаларига нисбатан афзалликларини эътиборга олиш зарур.

Жаҳон ҳамжамиятида ва Ўрта Осиё давлатлари учун энг жиддий ва мураккаб муаммо бу Орол денгизи фожиасидир. Айниқса бевосита ушбу минтақада жойлашган Қорақалпоғистон Республикаси учун ушбу муаммо, унинг ҳал қилиш йўллари, салбий оқибатларининг таъсири жуда муҳимдир. Шу ўринда Орол денгизи фожиаси кўп жиҳатдан умумдунёвий муаммо бўлиб, унинг салбий оқибатларини камайтириш халқаро ҳамкорлик ва ёрдамга боғлиқ эканлигини таъкидлаб ўтиш лозим.

Халқаро аҳамиятга эга бўлган яна бир муаммо бу чўллашув жараёни ҳисобланади. Ўрта Осиё, жумладан Қорақалпоғистон Республикасида ушбу жараённинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишга таъсири келажакда ўз долзарблигини сақлаб қолади.

Орол денгизи фожиаси, чўллашув жараёни, экологик вазиятнинг ёмонлашуви ўз навбатида аҳолининг жойлашувига, объектив равишда унинг ички ва ташқи миграциясини кучайишига олиб келади. Шу сабабли аҳолини яшаши учун қулай шароитни яратиш, унинг талаб ва эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда ижтимоий соҳа, инфратузилма тизимини шакллантириш, кутилаётган хавф-хатарларнинг олдини олиш мақсадида аҳолининг жойлашув стратегияси ва тактикасини ишлаб чиқиш долзарб муаммолардан бирига айланиб қолмоқда.

Қорақалпоғистон Республикасини барқарор ижтимоий-иқтисодий ривожланишида ташқи омиллар билан бир қаторда, Ўзбекистон Республикасида амалга оширилаётган ислохотлар, уларнинг стратегик йўналишлари асосий ўринни эгаллайди.

Ўзбекистонни барқарор ривожлантириш стратегиясининг устивор йўналишлари мамлакатимиз Президент-

ти И.А.Каримов томонидан ишлаб чиқилган. “Маълумки, ҳаёт ҳеч қачон бир жойда тўхтаб турмайди, шу боис авваламбор рўй бериши мумкин бўлган турли фалокатлар, жаҳон иқтисодиётининг юксалиши ва инқирозини олдиндан кўриш имконини берадиган, ҳар томондан чуқур ўйланган, аниқ мақсад ва устивор йўналишларни ўз ичига олган тараққиёт дастури ва уни амалга ошириш стратегиясига эга бўлган мамлакат ва халқ пировард натижада мувоффақиятга эришади. Шу муносабат билан алоҳида таъкидлаб айтмоқчиманки, мустақил тараққиётимизнинг ўтган даврида амалга оширган ишларимизни сарҳисоб қилар эканмиз, уларни ҳаққоний баҳолаш ва ислоҳотлар дастурига маълум ўзгартиришлар киритиш билан бирга, биринчи навбатта эртанги кун талабларидан келиб чиққан ҳолда, мамлакатимизни ислоҳ этиш ва модернизация қилиш йўлидаги изчил ҳаракатларимизни кучайтиришимиз, уларни янги, янада юқори босқичга кўтаришимиз даркор”<sup>35</sup>.

Агарда матбуотда эълон қилинган Президентимиз ва ҳукуматимиз қарорларини, ишлаб чиқилган ва амалга оширилаётган 20 дан ортиқ давлатнинг мақсадли дастурларини (саноат, қишлоқ хўжалиги, ижтимоий соҳа, транспорт ва коммуникация, банк ва молия тизими ва бошқа иқтисодий соҳалар) таҳлил қилиб умумлаштирадиган бўлсак мамлакат иқтисодиётини янада эркинлаштириш ва бозор муносабатларини чуқурлаштиришнинг стратегик устивор йўналишларини белгилаб олишимиз мумкин. Улар қуйидагилардан иборат:

- иқтисодиётни барча соҳаларида эркинлаштириш ва бозор муносабатларини чуқурлаштириш орқали кичик бизнес ва хусусий секторнинг ўрни ва аҳамиятини яна юқорига кўтариш, бошқарувнинг самарали ва сифатли тизимини шакллантириш;

- мамлакат иқтисодиётини, унинг тармоқ ва секторларининг рақобатбардошлик даражасини ошириш, дунё ҳамжамиятидаги ўз ўрнимизни ва мавқеимизни янада

---

<sup>35</sup> И.А.Каримов. «Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси.» Халқ сўзи. 13 ноябрь 2010 й.

мустаҳкамлаш, озиқ-овқат ва энергетика хавфсизлигини таъминлаш;

- тармоқлар, корхоналарни модернизация қилиш, янги техника ва технология билан қуроолантириш, инновацион жараёнларга кенг йўл очиб бериш асосида иқтисодий таркибини диверсификациялаш, саноат ва хизматлар соҳасини нисбатан устивор ривожланишига эришиш;

- банк ва молия тизимини янада такомиллаштириш, жаҳон андозаларига мос келувчи қулай ишбилармонлик муҳитини яратиш, тўғридан-тўғри хориж инвестицияларини мамлакатимизга олиб киришни қўллаб-қувватлаш;

- мавжуд рақобатбардошлик афзалликларидан (бой табиий-иқтисодий салоҳият) самарали фойдаланиш механизмларини ишлаб чиқиш;

- мамлакатимизда ягона транспорт ва коммуникация (газ, сув, электроэнергия билан таъминлаш) тизимини шакллантириш;

- ички талабни кенгайтириш ва ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш, ички бозорни ўзимизда ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар билан тўлдириш;

- фаол ижтимоий сиёсатни амалга ошириш, жумладан, таълим ва соғлиқни сақлаш тизимидаги хизматлар сифатини, уй-жой қурилиш кўламини янада ошириш, хизматлар соҳасини барқарор ривожлантириш орқали аҳоли фаровонлигини ривожланган мамлакатлар даражасига кўтариш.

Юқорида қайд этилган устивор йўналишларни келажакда (2030 йилга қадар) амалга ошириш кўп жиҳатдан кўйидаги мақсадли макроиқтисодий кўрсаткичларга эришиш билан боғлиқ.

Ўртача йиллик иқтисодий ўсиш суръати 8-9%ни ташкил этиши асосан саноатни, ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантиришга қаратилган инвестицион лойиҳаларни амалга ошириш билан боғлиқ.

Институционал ўзгаришларнинг амалий натижаси сифатида 2030 йилга бориб кичик бизнеснинг ялпи ички маҳсулотдаги улушини 50%дан 60%гача ошириш кўзда тутилган.



Иқтисодий таркибни модернизациялаш, унинг таркибини диверсификация қилиш ҳисобига келажакда мамлакат ялпи ички маҳсулотига саноатни улушини 35%га, хизматларни эса 60%га етказиш мақсадга мувофиқ.

Саноатда асосий вазифа стратегик аҳамиятга эга бўлган нефтгазкимё мажмуаси, электроэнергетика ва металлургия соҳалари, минерал-хом-ашё захираларининг ўсиши ҳисобига барқарор ривожлантирилади. Машинасозлик, енгил ва озиқ-овқат саноатини тез суръатлар билан ўсиши асосан юқори самарали инновацион технологияларни амалиётда қўллаш орқали эришилади. Узоқ келажакда қазиб олувчи ва қайта ишлаш тармоқлари ўртасидаги нисбат охиригиси ҳисобига ўзгаради. Бу жараён асосан маҳаллий хом-ашё ва захираларни чуқур қайта ишлаш ҳисобига амалга оширилади.

Қишлоқ хўжалигидаги таркибий ўзгаришлар кўп жиҳатдан мамлакат озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш мақсадида чорвачилик, мева ва сабзавотчиликни устивор ривожлантиришга ва уларни қайта ишлашга қаратилади.

Амалга оширилиши мўлжалланган мамлакат стратегиясининг асосий мақсади аҳоли фаровонлигини янада юқори андозалар даражасига кўтаришга, уларнинг яшаши учун энг қулай шароит яратишдан иборат.

Қорақалпоғистон Республикасини ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқишнинг муҳим принципиал асослари қаторига мамлакатимизда амалга оширилаётган ягона минтақавий сиёсат ҳам киради. Мамлакат миқёсида минтақаларни ривожлантиришнинг ягона стратегияси қуйидагиларни кўзда тутди:

- ягона иқтисодий сиёсатни ва бозор ислохотларини чуқурлаштиришни мамлакатнинг барча минтақаларида амалга оширишда давлат манфаатларининг устиворлиги;

- табиий-иқтисодий салоҳиятдан ва ижтимоий-демографик омиллардан самарали фойдаланган ҳолда минтақалар иқтисодий таркибини мувофиқлашган ҳолда шакллантириш учун қулай шароит яратиш;

- устивор тармоқларни модернизация қилиш, тех-

ник ва технологик куруллантиришни қўллаб қувватлаш ҳисобига минтақаларнинг барқарор иқтисодий ривожланишини таъминлаш, нисбатан ривожланмаган минтақаларга ёрдам бериш;

- тармоқлар ва минтақавий манфаатларни ўзаро мувофиқлаштирган ҳолда ишлаб чиқариш корхоналарини жойлаштиришда мавжуд хом-ашё захиралари ва меҳнат ресурслари, инфратузилма қувватлари билан ўзаро боғлиқликни таъминлаш;

- мамлакатнинг минтақавий ва минтақалараро инфратузилмаларини (электроэнергия, табиий газ, ичимлик суви билан таъминлаш, телекоммуникация ва йўллар) ягона транспорт ва коммуникация тизими орқали ўзаро боғлаш;

- минтақада институционал ўзгаришларни янада чуқурлаштириш, жумладан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни устивор ривожлантириш, бошқарув тизимини янада такомиллаштириш, босқичма-босқич иқтисодиёт таркибини шакллантиришда маҳаллий ҳокимиятларни ўрни ва вазифаларини кенгайтириш;

- аҳолининг қайси жойда яшашидан қатъий назар юқори турмуш даражасини таъминлаш (бандлик, даромад, истеъмол, хизматлар).

Минтақа, яъни Қорақалпоғистон Республикасини ривожлантириш стратегиясининг яна бир концептуал йўналиши, унинг туманлари ва шаҳарларининг ўзига хос хусусиятлари, ихтисослашуви, табиий-иқтисодий салоҳиятини эътиборга олишдан иборат. Қорақалпоғистон Республикаси туманларининг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даражаси ва минерал хом-ашё билан таъминланганлиги ўртасида жуда катта тафовут мавжуд бўлиб, улар иқтисодий ўсиш суръатларига тўғридан-тўғри таъсир ўтказида. Иккинчи тарафдан ҳар бир туман ва шаҳарнинг ҳали фойдаланилмаган имкониятлари ва захиралари борлигини ҳам эсдан чиқармаслик керак.

Умуман Қорақалпоғистон Республикасини ривожлантириш стратегиясини шакллантириш икки томонлама, ҳам юқори бўғинлар (дунё, Ўрта Осиё, Ўзбекистон Респуб-

ликаси), ҳам қўйи бўғинлардаги (туманлар ва шаҳарлар) омиллар ҳисобига амалга оширилади.

Илмий тадқиқот объекти бўлмиш Қорақалпоғистон Республикасини ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқишда қуйидаги принципиал йўналишларни эътироф этиши мақсадга мувофиқ:

- дунёдаги нобарқарорлик ва ташқи хавф-хатарларга қарши ўз вақтида чора-тадбирлар ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

- мамлакатнинг бошқа минтақаларига нисбатан ижтимоий-иқтисодий ривожланишида қолоқликка йўл қўймаслик;

- нисбий рақобатбардошлик афзалликларидан унумли фойдаланган ҳолда рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва экспорт имкониятларини кенгайтириш;

- стратегик жиҳатдан муҳим тармоқлар бўлмиш газ ва кимё мажмуаси ва қурилиш материаллари саноатини янги конларини ўзлаштириш, минерал хом-ашё базаси заҳираларини кўпайтириш, уларни қазиб олиш ва қайта ишлашнинг замонавий, энергияни тежайдиган, юқори самарали, инновацион технологияларни жорий этиш ҳисобига барқарор ривожлантирилишини таъминлаш;

- экологик вазиятни, яъни Орол денгизи ҳавзасининг камайиши, иқлимнинг ўзгариши, чўллашув жараёнларини доимий мониторинг тизимини шакллантириш;

- трансчегаравий сувларнинг (Амударё ва Сирдарё) тақсимланиши, сув хўжалиги инфратузилмасининг самарали фаолиятини таъминлаш, аҳолининг ичимлик сувига бўлган талабини қондириш, суғоришнинг илғор замонавий сувни тежайдиган технологияларини жорий қилишни кенгайтириш ечимини зарур устивор вазифалар қаторига киритиш;

- қишлоқ хўжалигини ривожлантиришда сув ва сифатли ер майдонларининг танқисчилиги омилини эътиборга олган ҳолда, унинг таркибини такомиллаштириш ва ўзгариши кутилаётган агроиқлим ва ер-сув заҳираларига мослаштириш;

- сув хўжалиги ва экологик вазиятнинг нобарқарорлиги, меҳнат қилиш шароитининг оғирлиги (юқори температура, кучли қум шамоллари) бошқа минтақаларга нисбатан давлат кўмаги ва қўллаб-қувватлаш тизимининг нисбатан юқорилигини таъминлаш, Қорақалпоғистон Республикасига тўғридан-тўғри хориж инвестицияларининг кириб келишини таъминлашнинг имтиёзли механизмларини шакллантириш;

- аҳоли турмуш даражаси ва сифатини оширишни таъминлаш мақсадида даромад ва истеъмолнинг барқарор ўсиши, уй-жой, коммунал хўжалиги, таълим, соғлиқни сақлаш ва бошқа хизматларга бўлган талабни тўлиқ қондиришга, янги иш жойларини ташкил этиш орқали меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланишга эришиш.

Юқорида таҳлил қилинган ва таклиф этилган концептуал асослар Қорақалпоғистон Республикасини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш стратегиясининг турли сценариялар ва вариантларини ишлаб чиқишда, уларни салбий ва ижобий оқибатларини баҳолашда кенг қўлланилади.


Минтақани узоқ муддатда ривожлантириш стратегиясининг асосий хусусиятлари қаторига: унинг кўпроқ таклиф омилига эътибор қаратилишини, чуқурроқ инновацион техника ва технологияларни жорий қилишга қаратилган таклифларни ишлаб чиқиши, устивор йўналишларни альтернатив вариантлари бўлишлигини, демография, экология, иқлимнинг чегараловчи эканлигини ҳисобга олишни кўзда тутати.

### **3.2. Минтақани ривожлантириш стратегиясининг сценария ва вариантларининг оқибатлари**

Қорақалпоғистон Республикасини ривожлантириш стратегиясининг сценарияларини ишлаб чиқиш тадқиқот давомида амалга оширилган ижтимоий-иқтисодий тараққиёт тенденциялари, мавжуд муаммолар, номутаносибликлар, хавф-хатарлар, ички ва ташқи талабнинг ўзгариши, табиий-иқтисодий салоҳиятдан са-

марали фойдаланиш, чегараланган ресурсларнинг таъсири каби омилларга асосланади.

Минтақанинг ўзига хос хусусиятларини эътиборга олган ҳолда стратегиянинг сценарияларини ўзаро боғлиқ турли йўналишлар бўйича ишлаб чиқиш мумкин (3.2.1-чизма).



3.2.1-чизма. Қорақалпоғистон Республикасини ривожлантириш стратегиясининг сценарияларининг шаклланиши

Орол денгизи майдонининг ўзгариш сценариялари. Ҳозирги вақтда (2010 йил) Орол денгизи уч қисмга бўлинган. Биринчиси, Шимолий денгиз (Кичик Орол), иккинчиси, Ғарбий қисм (Катта Орол) ва учинчиси, энг кам сувли ва шўрланган Шарқий қисм. Деярли 35 минг кв.кмга яқин денгиз туби очилиб қолган. Қирғоқ чизиғи авваллари

денгиз порти бўлган, Мўйноқ шаҳридан 150 км.га чекинган. Денгиз қирғоқларининг чекиниши натижасида кейинги ўн йилликда кўплаб чучук сувли кўллар йўқолди, тўқайларнинг майдони икки марта, қамишзорлар майдони олти марта, яйловларнинг маҳсулдорлиги икки марта қисқарди. Туз-қум кўчишининг таъсири натижасида ҳайдаладиган ерлар ва яйловларнинг шўрланиши кучайди. Бу эса ўсимлик қопламининг йўқолишига, кўчиб юривчи қумларнинг пайдо бўлишига олиб келди.

Охириги 40 йил ичида Орол денгизи чуқурлиги 29 метрга камайиб кетди (3.2.1-жадвал).

### 3.2.1-жадвал

#### Орол денгизи кўрсаткичларининг ўзгариш динамикаси \*

Кўрсаткичлар	1960 й.	1990 й.	2003 й.	2010 й.
Денгизнинг чуқурлиги, м	53,4	38,2	31,0	28,0
Сув ҳажми, км <sup>3</sup>	1083,0	323,0	112,8	70,0
Сув сатҳи майдони, минг км <sup>2</sup>	68,9	36,8	18,2	17,0
Сувнинг минераллашув даражаси, %	9,9	29,0	78,0	100,0
Қуйилаётган сувнинг миқдори, км <sup>3</sup> /йил	63,0	12,5	3,2	2,0

\* Бирлашган миллатлар ташкилоти томонидан амалга оширилган лойиҳа ва дастурлардан олинган маълумотлар.

БМТнинг Ўзбекистон Республикаси бўйича лойиҳаси (экологик индикаторларни шакллантириш асосида табиий муҳитнинг мониторинги) маълумотларига кўра денгиздаги сув миқдори 1083 км<sup>3</sup>дан 70 км<sup>3</sup>гача тушиб кетганини кўриш мумкин. Сувнинг шўрланиши денгизнинг ғарбий қисмида 110-112 грамм/литр, шарқий қисмида 280,0 грамм/литрга етган. Орол денгизи ҳақиқатда ҳаётсиз сув омборига айланиб қолди. Қуриган денгиз сатҳи 4,0 млн.га ошиб кетди.

Юқорида келтирилган кўрсаткичлар, уларнинг динамикаси асосида, шунингдек Орол денгизи муаммоларини ҳал қилиш бўйича олимлар ва мутхассисларнинг таклиф-

ларини умумлаштирган ҳолда денгиз майдонининг узок келажакда ўзгаришининг қуйидаги сценариялари ишлаб чиқилган (3.2.2-жадвал).

3.2.2-жадвал

**Орол денгизи сатҳининг ўзгариш сценариялари**  
минг км<sup>2</sup>

	I сценария	II сценария	III сценария
2010 йил	17,0	17,0	17,0
2020 йил	11,0	0,0	15,0
2030 йил	5,0	0,0	10,0

Манба: Муаллифлар томонидан Гидрометеориология маркази, Архитектура ва қурилиш қўмитаси, Интернет маълумотлари асосида ишлаб чиқилган.

Биринчи сценарияга мувофиқ охириги 20 йилдаги денгиз сатҳининг камайиш тенденциясининг давом этиши мўлжалланган. Ушбу инерцион сценария бўйича эксперт баҳолашлар асосида 2020 йилга бориб денгиз сатҳини 10-11 минг кв.км, 2030 йилда эса 5-6 минг кв.кмгача камайиши кўзда тутилган.

Иккинчи сценария, Европа космик агентлиги олимлари ва мутахассисларининг космосдан олинган Орол денгизи фотосуратлари ва унинг таҳлили 2020 йилга бориб Орол денгизини тўла қуриб қолишини башоратлайди.

Учинчи сценария бўйича иқлимнинг ва ёғингарчиликнинг циклик ўзгариши, маълум даражада Амударё сувининг айрим йилларда Орол денгизига етиб боришини эътиборга олган ҳолда денгиз сатҳи 2020 йилда 9-10 минг кв.кмга камайиши мумкин.

Шуни таъкидлаш жоизки, учта сценарияда ҳам 2050 йилдан кейин Орол денгизининг қуриб қолиши тахмин қилинмоқда.

Олимларнинг ҳисобларига кўра Орол денгизини сақлаб қолишнинг иложи йўқ. Агарда Сирдарё ва Амударё сувлари ишлатилмай тўла келиб қуйилган ҳолда ҳам Орол денгизидаги илгари мавжуд сув миқдорига етиш учун 200 йил керак бўлади.

Орол денгизини сақлаб қолишга қаратилган бир

қатор лойиҳалар мавжуд бўлишига қарамасдан, уларни амалиётда қўллаш жуда мушкул ва астрономик моддий ва молиявий харажатларни талаб қилади. Ушбу лойиҳалар қаторига Россиянинг Сибирдаги Обь дарёси сувларини Ўрта Осиёга олиб келиш, Каспий денгизи сувларини Устюрт орқали Орол денгизига қуйиш, мавжуд барча сув омборларидаги сувни Орол денгизини тўлдириш учун юбориш ва бошқалар киради.

Бу ўринда ҳурматли Президентимиз И.А.Каримовнинг 2009 йил 28 апрелдаги Олма Отада давлат раҳбарлари билан Орол денгизи муаммоларига бағишланган учрашувда айтиб ўтган гапларини қайд қилиш лозим. Президентимиз фикрига кўра Орол денгизини амалий жиҳатдан сақлаб қолиш деярли мумкин эмас. Асосий мақсад шу ерда яшаётган аҳоли учун қулай шароит яратиб бериш, Орол денгизини қуриши ва экологик вазиятнинг оқибатларини камайтиришга қарши чора-тадбирлар ишлаб чиқиш зарур. Жумладан, қуриб қолган денгиз тубида кичик сув омборларини яратиш, туз ва қум бўронларини камайтириш учун ҳавзада ўсимликларни экиш, унинг биотизимини қайта тиклаш лозим.

Юқорида қайд этилган узоқ муддатда Орол денгизининг қуриш сценарияларининг барчасида қуйидаги салбий оқибатларни кузатиш мумкин:

- ҳавзадаги намликнинг ёмонлашуви ва атмосферада намликни ушлаб туришнинг камайиши;
- тезда совуқ тушиш қайтарилиш сонининг ошиши;
- қум ва туз кучкилари қайтарилишининг ошиши ва қуриган денгиз тубидан уларни атрофга тарқалишининг кучайиши;
- чўллашув жараёнининг кучайиши.

Ушбу салбий оқибатларнинг даражаси биринчи ва иккинчи сценарияларда нисбатан юқори бўлиши кутилмоқда.

Учинчи сценарияда олдиндан чора тадбирлар тизимини амалга ошириш натижасида Орол денгизи сатҳини тезда камайиб кетишига йўл қўймаслик сабабли экологик, иқтисодий ва ижтимоий салбий таъсирларни юмшатиш мумкин.



**Иқлим ўзгариши сценариялари.** Ўзбекистон Республикаси гидрометеорология маркази томонидан Қорақалпоғистонда иқлимнинг ўзгаришининг иккита сценарияси (варианти) ишлаб чиқилган<sup>36</sup>. Сценарияларни асослаб беришда Бирлашган Миллатлар Ташкилотлари томонидан тақдим этилган математик моделлардан фойдаланилган. Иқлимий сценариялар тузиш учун иқлимнинг атмосферада иссиқхона газлари концентрацияси ошишига ўрта таъсирчанлиги танланди. Шу асосда Ўзбекистонда ўртача йиллик ҳаво ҳароратининг кузатилаётган ўзгаришлари аниқланган (3.2.3-жадвал).

### 3.2.3-жадвал

#### Ўртача йиллик ҳаво ҳароратини ўзгаришининг иқлимий сценариялари (°C)<sup>1</sup>

	I сценарий			II сценарий		
	2030 й.	2050 й.	2080 й.	2030 й.	2050 й.	2080 й.
Ўзбекистон Республикаси	1,2	2,2	4,0	1,5	2,2	3,3
Қорақалпоғистон Республикаси	1,1	2,0	3,7	1,3	2,0	3,2

Манба: Муаллифлар томонидан Гидрометеорология хизмати маркази маълумотлари асосида тайёрланган.

Биринчи сценарий, асосан инерцион бўлиб, 1935 йилдан бошлаб кузатилаётган иқлимнинг ўзгариш трендларига ва атмосферада углевод диоксиди концентрациясининг ўзгаришига асосланади. Ушбу сценария бўйича Қорақалпоғистон Республикасида 2030 йилда ҳаво ҳароратининг 1,1°Cга, 2050 йилда 2,0°Cга, 2080 йилда 3,7 °C ортиши кутилмоқда. Мавжуд ҳолат ўз навбатида ёғингарчилик миқдорининг камайиши, қурғоқчиликнинг маълум даражада ошишига олиб келади. Салбий оқибатлар (чўллашув жараёнининг кучайиши, сув ва сифатли ер миқдорининг камайиши ва бошқалар) нисбатан юқори бўлиб қолади.

<sup>36</sup> Иқлим ўзгариши бўйича Ўзбекистон Республикасининг иккинчи миллий ахбороти, БМТ, Тошкент, 2009 йил, 75 бет.

Иккинчи иқлимий сценарияга мувофиқ, иқтисодий ва экологик модернизациялаш, мавжуд заифликларни юмшатиш чоралари натижасида иссиқхона газлари ҳажмини 10 % гача пасайиши кўзда тутилган.

Лекин шунга қарамасдан иккинчи сценарияда ҳаво ҳароратининг нисбатан паст даражаси, яъни 2080 йилга келиб 3,2 °Сга ортиши эҳтимолли борлигини кўриш мумкин. Иқлимнинг бундай ўзгариши Орол денгизи бўйидаги мураккаб экологик вазиятга ўз таъсирини кўрсатади. Амударё ҳавзасида 2030 йилга келиб сув оқимининг 10-15 %га, кейинчалик 20 %га камайиши тенденцияси кутилмоқда.

Умуман асосий сценария сифатида қаралаётган модернизацион иқлим сценариясининг натижалари қуйидагилардан иборат:

- яқин келажакда юқори табиий ўзгарувчанлик шароитида, ҳаттоки ёғинлар миқдори ортган тақдирда ҳам сув оқими ҳажмининг ошиши кутилмайди;

- 2030 йилгача бўлган даврда ҳозирги сув оқими меъёрлари сақланиб қолиши тахмин қилинмоқда;

- ҳаво ҳарорати кўтарилган сари дарёларнинг оқими камаяди. Амударё ҳавзаси айниқса иқлим ўзгаришига таъсирчанлиги башоратланмоқда;

- вегетация даврида сув оқимининг камайишини кутиш мумкин.

Иқлим ўзгаришлари айниқса Қорақалпоғистон Республикасида қишлоқ хўжалигини барқарор ривожлантиришга унинг таркибининг ўзгаришига боғлиқ чора-тадбирлар тизимини ишлаб чиқишни тақозо қилади.

Демографик сценариялар. Сценарияларни тузишда икки хил ёндашувдан фойдаланилди. Биринчи йўналиш (сценарий) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги “Прогнозлаштириш ва макроиқтисодий тадқиқотлар институти” томонидан амалга оширилган демографик прогнозларга асосланади. Ушбу сценарияда Қорақалпоғистон Республикасида аҳолининг ўртача йиллик ўсиш суръатлари 1,2 % ни ташкил қилади (3.2.4-жадвал).


### Қорақалпоғистон Республикасида демографик ривожланиш сценариялари

	2020 й.	2020 йил		2030 йил	
		I сценарий	II сценарий	I сценарий	II сценарий
Аҳоли сони, жами	1648,9	1805,0	1780,0	1985,0	1900,0
Ш а ҳ а р аҳолиси	830,0	899,2	900,0	1009,5	1015,0
Қ и ш л о қ аҳолиси	818,9	896,4	880,0	975,5	885,0

Манба: Вазирлар Маҳкамаси ҳошидаги Прогнозлаштириш ва макроиқтисодий тадқиқотлар институти маълумотлари асосида тайёрланган.

Мавжуд сценариянинг асосий оқибатлари меҳнат ресурсларининг юқори даражада ўсиши, иш жойларини ташкил этиш муаммосини ҳал қилишнинг янада кескинлашувига олиб келиши мумкин.

Иккинчи йўналиш, сув ва ер ресурсларининг танқислиги, экологик вазиятнинг ноқулайлигидан келиб чиққан ҳолда аҳолининг ўсиш суръати 1,15% га тенг бўлиб, шаҳар аҳолисини қишлоққа нисбатан тезроқ ўсиши кўзда тутилган. 2030 йилда Қорақалпоғистон Республикаси аҳолисининг сони 1,9 миллионни, яъни биринчи сценарияга нисбатан 85,0 минг кишига камроқ бўлиши белгиланган. Аҳоли ўсиш суръатларининг камайиши айрим ижтимоий муаммоларни ҳал қилишда ижобий натижаларни бериши билан бир қаторда бандлилик ва янги иш жойларини ташкил этиш ўз долзарблигини сақлаб қолади. Юқорида кўриб ўтилган сценариялар, уларнинг оқибатлари маълум даражада минтақани ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг ташқи ва ички омилларини белгилаб беради. Ўз навбатида ушбу сценарияларни бевосита ижтимоий-иқтисодий сценарияларни ишлаб чиқишда фойдаланиш мумкин. Турли хил сценарияларнинг ўзаро боғлиқлиги ва умумлаштирилган тизими 3.2.2- чизмада кўрсатилган.



3.2.2-чизма. Қорақалпоғистон Республикасини ривожлантириш стратегияси сценарияларининг умумлаштирилган тизими.

Ушбу тизимга мувофиқ ишлаб чиқилган ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг сценариялари Орол денгизи, иқлим, демография сценарияларига асосланган.

Минтақани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш сценариялари барқарор ўсиш концепциясига, узоқ келажакда иқтисодиёт таркибининг шаклланишининг устивор йўналишлари, ташқи ва ички хавф-хатарларни (Орол денгизи фожиаси, иқлимнинг ўзгариши, демографик ва экологик жараёнлар) олдиндан аниқлаш ва оқибатларини юмшатишга, аҳоли турмуш даражасини юксалтиришга қаратилган. Биринчи сценария, охириги ўн йил ичида ижтимоий-иқтисодий ривожланиш трендларига, яъни инерцион стратегиясига асосланган. Ушбу сценарияга мувофиқ Орол денгизи фожиасининг, иқлим ўзгариши, демографик жараёнларнинг салбий оқибатларининг кучайиши натижасида иқтисодий ўсиш суръатларининг камайиб кетиши кўзда тутилган.

Маълум маънода бу сценарияни ноқулай ёки пассив деб айтиш мумкин. Айниқса қишлоқ хўжалигини ривожлантиришда бир қатор тўсиқларнинг пайдо бўлиши ва кучайиши (чўллашув жараёнининг кучайиши, сув заҳиралари ва экиладиган ер майдонларининг камайиши), унинг барқарор ривожланишини таъминлай олмайди. Инвестицион фаолликнинг паст даражада сақланиб қолиши, минтақада саноатни ривожлантириш, мавжуд минерал хом-ашё заҳираларини ўзлаштиришнинг секинланишига сабаб бўлади. Шунингдек ушбу сценарияда янги газ конларини топиш ва ўзлаштириш кўзда тутилган юқори натижаларни бермаслиги ҳам башорат қилинган.

Умуман олганда, биринчи сценарийнинг асосий натижаси ва оқибати иқтисодий ўсишнинг камайиши (2030 йилда 4-5 %), иқтисодиёт таркибини диверсификациялашнинг нисбатан мавжуд табиий-иқтисодий салоҳиятга мувофиқ келмаслиги (саноатнинг ва хизматларнинг улушини ошиши талаб даражасида бўлмаслиги, қишлоқ хўжалигининг иқтисодиётдаги ўрни кескин камайиб кетиши) минтақани келажакда ҳам ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даражаси энг паст бўлиб қолишидир (3.2.5-жадвал).

### 3.2.5-жадвал

#### Узоқ келажакда Қорақалпоғистон Республикасининг ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш стратегиясининг сценариялари

	I сценарий (инерцион)			II сценарий (модернизация)		
	2030 й.	2050 й.	2080 й.	2030 й.	2050 й.	2080 й.
Ялпи ҳудудий маҳсулотнинг ўртача йиллик ўсиш суръатлари, %	110,0	106,0	105,0	110,0	110,0	109,0

## 2.2.5-жадвалнинг давоми

Минтақа иқтисодий тар- кибининг шакл- ланиши						
-саноат	9,0	12,0	14,0	9,0	18,0	25,0
-қишлоқ хўжали- ги	25,0	18,0	10,0	25,0	20,0	15,0
-хизматлар	51,2	52,0	53,0	51,2	55,0	58,0

Манба: Иқтисодиёт вазирлиги маълумотлари асосида муаллифлар тайёрлаган.

Иккинчи сценарий, нисбатан қулай ва фаол бўлиб, ижтимоий-иқтисодий ривожланиш ва экологик муаммоларни ўзаро мувофиқлашган ҳолда ҳал қилиш орқали барқарор ўсишни таъминлайди. Асосий эътибор мавжуд ва келажакда кутилаётган тўсиқлар, хавф-хатарларни олдиндан аниқлаш, ўз вақтида уларнинг салбий оқибатларини юмшатишга қаратилган чора тадбирлар ишлаб чиқишни ва инвестицион фаолликни кескин оширишга қаратилган.

Ушбу сценария мамлакатимизни ривожлантиришнинг устивор йўналишларига, минтақаларни ягона ривожлантириш стратегиясига мос келадиган ҳолда Қорақалпоғистон Республикаси иқтисодиётини янада юқори даражага кўтаришга, аҳоли турмуш даражаси ва сифатини оширишга мўлжалланган.

Минтақанинг келажакда барқарор ва мувофиқлашган ҳолда ривожланиши асосан саноат ва хизматларнинг нисбатан тез суръатлар билан ўсиши ҳисобига амалга оширилади. Иқтисодиётнинг барча тармоқларини минтақанинг ўзига хос табиий ва экологик хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда модернизациялаш, техник ва технологик қуроллантириш, энг замонавий инновацион ютуқларни қўллашга асосланади.

Ишлаб чиқилган сценарияларни таққослаш шуни кўрсатмоқдаки, иккинчи сценария ўзининг ижобий натижалари билан ажралиб туради (3.2.6-жадвал).

**Қорақалпоғистон Республикасини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш стратегияси сценарияларини нисбий баҳолаш**

№	Асосий кўрсаткичлар (индикаторлар)	I сценарий (2080 йилда эришиладиган натижалар)	II сценарий (2080 йилда эришиладиган натижалар)
1	Иқтисодий ўсиш (ўртача йиллик ўсиш, %)	5,0	9,0
2	Иқтисодиёт таркибининг ўзгариши (%):		
	-саноат	14,0	25,0
	-қишлоқ хўжалиги	10,0	15,0
	-хизматлар	53,0	58,0
3	Демографик салоҳият (аҳоли сони, минг киши)	1985,0	1900,0
4	Иқлимнинг ўзгариши (ҳаво ҳароратининг ошиши, °С)	3,7*	3,2*
5	Орол денгизи сатҳи (км <sup>2</sup> )	6,0	10,0

\*2050 йил

Манба: муаллифлар томонидан тайёрланган

Таклиф этилаётган иккинчи сценарияда келажакда ўртача йиллик иқтисодий ўсиш суръатлари 9-10 %ни ташкил этади (ушбу кўрсаткич мамлакат миқёсида 8-9 %га тенг). Минтақа иқтисодиёти таркибида кескин силжишлар кўзда тутилган. Биринчи сценария бўйича 2080 йилда саноатнинг улуши 14,0 %, хизматларники эса 53 %ни ташкил этса, иккинчи сценарияда мос равишда уларнинг улуши 25,0% ва 58,0 % бўлиши мўлжалланган. Қишлоқ хўжалиги улушининг ўзгаришида ҳам фарқ нисбатан юқори. 2080 йилга келиб I сценарияда қишлоқ хўжалигининг минтақа иқтисодиётида тутган ўрни кескин камайса (10,0%), II сценарияда ушбу секторнинг улуши (15,0%) камайиши юқори бўлмайди.

II сценарияда Орол денгизини қуриб қолиш тенденцияси, иқлимни ўзгариш салбий оқибатлари нисбатан камроқ, яъни қулайроқ бўлади. Ўз навбатида ушбу омилларнинг ижтимоий-иқтисодий жараёнларга таъсири I сценарияга нисбатан жуда катта бўлмайди.

Таклиф этилаётган II-фаол сценария ўзининг юқори инвестицион таркибий ўзгаришлари билан ажралиб туради. Эксперт ҳисобларига кўра келажак 20 йил ичида инвестицияларнинг ўртача йиллик ўсиш даражаси 15-20 %ни ташкил этиб, унинг умумий ҳажми I-сценарияга нисбатан деярли 3,0-3,5 марта юқори бўлиши мўлжалланган.

Умуман II-сценарий Қорақалпоғистон Республикасининг келажакда рақобат афзалликларидан самарали фойдаланган ҳолда барқарор ривожланиши, минтақанинг, мамлакатнинг иқтисодий ўсишига кўшадиган улушининг ошишига, экологик нобарқарорликни юмшатишга, аҳоли фаровонлигини юқори даражага кўтаришга олиб келади.

Шуни таъкидлаш лозимки, сценарияда кўзда тутилган юқори иқтисодий ўсиш суръатларига эришиш учун минтақадаги рақобат афзалликларига эга бўлган табиий салоҳиятдан максимал фойдаланиш, салбий омиллар ва оқибатларни минимал даражага камайтириш лозим. Минтақани барқарор иқтисодий ривожлантиришда саноатнинг ўрни ва аҳамиятини алоҳида айтиб ўтиш керак. Келажакда саноатнинг ўсиш суръатлари бошқа иқтисодиёт тармоқларига нисбатан юқори бўлиши кўзда тутилган (ўртача йиллик ўсиш 12-14 %). Саноат таркибини диверсификациялаш маҳаллий минерал хом-ашёларни қайта ишлаш ҳисобига амалга оширилади (3.2.7-жадвал).

### 3.2.7-жадвал

#### Қорақалпоғистон Республикасида келажакда саноат таркибининг шаклланиши (%да)

	2010 йил	2020 йил	2030 йил
Саноат ҳаммаси	100,0	100,0	100,0
тармоқлар: электроэнергетика	25,0	17,0	10,0
Ёқилғи	12,0	18,0	21,0
Кимё ва нефткимё	6,6	10,0	15,0
Қора металлургия	-	-	2,0
Машинасоялик	0,8	1,0	1,0
Қурилиш материаллари	6,2	10,0	12,0
Ёнгил саноат (пахта тозалаш билан бирга)	27,5	20,0	13,0



## 2.2.7-жадвалнинг давоми

Озиқ-овқат	12,6	15,0	16,0
Бошқалар	9,3	9,0	10,0

Манба: Келажакда амалга ошириладиган инвестицион лойиҳалар асосида эксперт баҳолаш орқали тайёрланган.

Жумладан 2030 йилга келиб ёқилғи мажмуасининг улуши 21 %га (2010 йил 12,0%), кимё ва нефткимё соҳаси мос равишда 15,0%(6,6%), қурилиш материаллари саноати 12,0%(6,2%), енгил саноат (пахта тозалаш саноати билан бирга) 13,0%(27,5%), озиқ-овқат саноати 16,0%(12,6%) гача ўсиши мўлжалланган.

Асосий таркибий силжиш ёқилғи ва кимё мажмуасига тўғри келади. Қорақалпоғистон Республикасининг Устюрт ва Орол денгизи қисмида геология қидирув ишларини янада жадаллаштириш ва газ (газ конденсати) конларининг янги захираларини очишга алоҳида эътибор қаратилган. Келажакда мамлакатнинг энг йирик ёқилғи захиралари ушбу минтақага тўғри келади. “Ўзбекнефтгаз” миллий холдинг компанияси ҳисобларига кўра газни геология қидирув ишлари ва қазиб олиш учун 10 млрд.долл.дан ортиқ инвестиция маблағлари сарфланиши мумкин. Бундай йирик инвестицияларни жалб қилишда хорижий компанияларни кенг жалб қилиш, улар учун қулай шароитлар яратиб бериш муҳим ўрин эгаллайди. Ҳозирнинг ўзида 10дан ортиқ хорижий компаниялар ва фирмалар (Россия, Япония, Корея, Малайзия, Хитой ва бошқа мамлакатлар) геология қидирув ишларида фаол иштирок этмоқдалар.

Ёқилғи ва кимё мажмуаси асосини иккита Ўрта Осиёда энг йирик корхона Сургил газ-кимё мажмуаси ва Кунград сода заводи ташкил қилади.

Корея Республикасида 12 сентябр 2011 йилда қўл қўйилган шартномага мувофиқ Сургул газ-кимё мажмуасини молиялаштириш 3,5 млрд.долл бўлиб, уни амалга ошириш учун ўзбек-корейс “ЎзКорГазКемикл” корхонаси тузилди. Мажмуада юқори метанли (4,8%) табиий газни тозалаш жараёнида суюқ ёқилғи мойлар ва бошқа қимматбаҳо маҳсулотлар ишлаб чиқиш мўлжалланган. Тозаланган табиий газ эса экспорт қилинади.

Минтақани рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқарадиган йирик саноат қорхонаси Кунград сода заводи ҳам маҳаллий хом-ашё (сульфатмагний ва ош тузи конлари)ни қайта ишлашга мўлжалланган бўлиб, 2030 йилга қадар ишлаб чиқариш қувватларини 2,0 мартадан ортиқ ошириш мўлжалланмоқда. Ишлаб чиқариладиган калцийлашган сода ҳажмининг деярли 80% экспорт қилинади.

Узоқ келажакда бой минерал хом-ашё заҳиралари ҳисобига бир қатор қурилиш товарлари ишлаб чиқарадиган қорхоналар, жумладан йирик цемент заводини (қуввати йилига 1,0 млн.тонна) ишга тушириш мўлжалланмоқда. 2030 йилга келиб яна бир янги саноат тармоғи бўлмиш, металлургияни шакллантириш учун имкониятлар мавжуд. Султанувайс тоғидаги Тебинбулоқ темир рудалари конини ўзлаштириш ҳисобига юқори сифатли пўлат ишлаб чиқаришни ташкил қилиш мумкин. Саноатни устивор ривожланидиган тармоқлари қаторига энгил ва озиқ-овқат саноатини барқарор ўсиш суръатларини таъминлаш ҳам киради. Келажакда мавжуд ёғ, гўшт, мева ва сабзавотларни қайта ишлаш, тўқимачилик қорхоналарни илғор технологиялар асосида модернизациялаш ва янги қувватларни ишга туширишга катта ўрин берилган (илова).

Минтақада озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, аҳолини товарлар ва хизматларга бўлган эҳтиёжини қондириш минтақа иқтисодиётининг аграр соҳасига тўғри келади. Қишлоқ хўжалигини барқарор ривожлантириш биринчи галда сув ва ер заҳираларидан самарали фойдаланиш билан боғлиқ. Ўз навбатида ушбу табиий салоҳиятларнинг чегараланганлиги ва экологик нобарқарорлик қишлоқ хўжалиги таркибини диверсификация қилишни талаб қилади.

Минтақа аҳолисини асосий озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш учун қишлоқ хўжалигининг ўртача йиллик ўсиш суръатлари 6-8 % дан кам бўлмаслиги, унинг таркибида техник ўсимликларнинг улушини кескин камайтириш лозим (3.2.8-жадвал).

**Узоқ келажакда Қорақалпоғистон Республикаси-  
да суғориладиган ерлар таркибининг шаклланиши  
(таклиф этилаётган сценарияга мувофиқ % да)**

	2010 йил	2020 йил	2030 йил
Экин майдонлари, жами	100	100	100
шу жумладан:			
-пахта	41,8	33,0	22,0
-дон	25,5	26,0	30,0
-ем-хашак	15,5	18,0	20,0
-картошка, сабзавот ва полиз экинлари	5,4	8,0	12,0
бошқалар	11,8	15,0	16,0

Манба: Гидрометеорология хизмати маркази, Архитектура ва қурилиш қўмитаси маълумотлари асосида тайёрланган.

2030 йилга келиб пахта экин майдонларини деярли икки марта камайтириш кўзда тутилмоқда. Бу ўринда Ўзбекистон Фанлар Академияси томонидан 1975 йилда Қорақалпоғистон Республикасини 1990 йилгача таклиф этилган прогноз кўрсаткичларига мувофиқ пахта хомашёси 500 минг.тн.га етказиш мўлжалланган эди (илова). Ушбу стратегияга мувофиқ эса 2030 йилда пахта тайёрлаш ҳажми 100 минг тонна атрофида бўлиши мумкин. Келажак 20 йилда ем-хашак майдонларини 15,5%дан 20,0%га, картошка, сабзавот ва полиз экинлари майдонини эса 5,4%дан 12,0%гача оширилади.

Ушбу кўзда тутилган қишлоқ хўжалик майдонлари таркибининг ўзгариши аҳолини дон, гуруч, гўшт, сут, сабзавот, картошка ва полиз маҳсулотларига бўлган эҳтиёжларини тўла қондириш имконини беради.

Белгиланган натижаларга эришиш учун қишлоқ хўжалигида бир қатор ислохотларни амалга ошириш керак:

Биринчидан, экин майдонларини мелиоратив ҳолатини яхшилаш, уларнинг унумдорлигини ошириш учун йирик ҳажмда сув хўжалиги инфратузилмаларини қайтадан реконструкция қилиш;

Иккинчидан, Орол денгизининг қуриши, иқлим ўз-

гаришларининг салбий оқибатларини камайтириш мақсадида сув заҳираларидан тежамкорлик асосида фойдаланиш, сувни тежашнинг энг илғор технологияларидан фойдаланиш, экологик мувозанатни сақлаб қолиш;

Учинчидан, агроиклим шароити, сув ва ер заҳираларининг сифатини эътиборга олган ҳолда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг илмий асосланган ихтисослашувини ташкил қилиш;

Тўртинчидан, фан ва технологиянинг энг юқори инновацион натижаларидан ернинг унумдорлигини оширишда, селекция ва уруғчиликни ривожлантиришда, ўсимликларни қисқа вақтда ҳосил берадиган, озуқа, иссиққа ва шўрланишга чидамли, экстремал шароитларга мосланган янги турлари ва гибридларини ишлаб чиқишда фойдаланиш.

Таклиф этилаётган минтақани узоқ муддатда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг асосий шартларидан бири инвестицион фаолликни ошириш ва инвестицияларни жалб қилишнинг самарали механизмларини ишлаб чиқиш ва амалиётда қўллашдан иборатдир.

### **3.3. Стратегияни амалга оширишнинг ташкилий-институционал ва иқтисодий механизмлари**

Халқаро ташкилотлар, хорижий давлатларда ишлаб чиқилган ривожлантириш стратегиясини амалга ошириш механизмлари турли назария ва услубиётга асосланган бўлиб, уларни тўғридан-тўғри алоҳида минтақа миқсолида қўллаш ва тадбиқ этиш мумкин эмас. Чунки ҳар бир минтақа ўзига хос табиий-иқтисодий салоҳиятга, ривожланишнинг ички ва ташқи омилларига боғлиқ. Жумладан, экстремал экологик ва табиий шароитга эга бўлган Қорақалпоғистон Республикасини ривожлантириш стратегиясининг механизмлари, халқаро тажрибадан келиб чиққан ҳолда ўзига хос йўналишга эгадир.

Бизнинг фикримизча, минтақани ривожлантириш стратегиясини амалга оширишнинг асосий йўналишлари ва механизмлари ўзаро бир-бирига боғлиқ учта қисмдан иборат бўлиши мақсадга мувофиқ (3.3.1-чизма)



3.3.1- чизма. Қорақалпоғистон Республикасини ривожлантириш стратегиясини амалга ошириш механизмлари ва йўналишлари

Биринчиси, стратегияни амалга оширишда турли даражадаги минтақаларнинг ўрни, улар халқаро даражада, асосан БМТ институтлари ва ташкилотлари, турли халқаро экологик, молиявий ва нодавлат тузилмалари, хорижий давлатлар томонидан амалга оширилган лойиҳа ва грантлардан иборат. Марказий Осиё доирасида амалга ошириладиган тадбирлар Ўзбекистон, Туркменистон, Қозоғистон ва Қирғизистон ҳукуматларининг ўзаро ҳамкорлигига асосланади.

Ўзбекистон Республикаси ҳукумати минтақа стратегиясини амалга оширишда мамлакатнинг устивор йўналишларига, минтақалар ўртасидаги табақалашув юқори бўлмаслигини таъминлашга, экологик ва табиий шароит ноқулай бўлган ҳудудларга тўғридан-тўғри ёрдам кўрсатишга ўз эътиборини қаратади.

Қорақалпоғистон Республикаси, унинг шаҳарлари ва туманлари маҳаллий ташаббускорлик, ички заҳиралар ва имкониятларни иқтисодий ўсишни таъминлашга йўналтириб, аҳолининг эҳтиёжларини қондириш асосий мақсаддир.

Бу ўринда халқаро ташкилотлар ва хорижий давлатлар иштирокида амалга оширилиётган асосий лойиҳаларни кўрсатиб ўтиш мақсадга мувофиқ.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти (БМТ) томонидан “Қорақалпоғистон Республикаси ва Қизилқумда экотизимнинг барқарорлигини таъминлаш” (2008-2012 йиллар) лойиҳаси амалга оширилмоқда. Лойиҳанинг асосий мақсади чўллашув жараёнини тўхтатиш билан боғлиқ чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалиётда қўллашга қаратилган. Жумладан, Қазахдарё аҳолиси яшаш жойида амалга оширилган лойиҳа натижасида чўл ўсимликларини (саксовул, черкез, кандима, селин уруғи, қамиш) ўтқазиб орқали, ўрмон питомниги ташкил қилинди. Ўрта Осиё давлат раҳбарлари томонидан тасдиқланган дастурга мувофиқ 25 тадан ортиқ лойиҳа ишлаб чиқилди ва амалга оширилмоқда.

Асосий амалга оширилган лойиҳалар қаторига “Қорақалпоғистон Республикаси аҳолисини ижтимоий ҳимоя қилиш”, “Орол денгизи минтақаларига шошилиш

ёрдам бериш”, “сувни тежашни ташкил этиш”, “Орол денгизи ҳавзасида маҳаллий сув омборларини ташкил қилиш”, “Қуриб қолган Орол денгизи қисмида қум ва тузни ушлаб қолиш мақсадида ўсимликлар экишни ташкил қилиш” киради.

2010 йилдан бошлаб БМТ ёрдамида Ўзбекистоннинг нефтгаз секторида (2,0 млн.га майдонда) биохилма-хилликни сақлаш муаммоларини ҳал қилишга қаратилган лойиҳа амалга оширилмоқда.

Орол бўйи минтақаларида гефондни сақлаш бўйича халқаро ҳомийлик жамғармаси ташкил этилган. Мустақиллик йилларида қуриб қолган Орол денгизи қисмидаги 250 минг гектардан ортиқ ерларга ҳимоявий ўсимликлар ўтказилди. Келажак 2011-2015 йилларда 84 минг гектар ерларда ҳимоявий ўсимликлар ташкил қилиш кўзда тутилмоқда.

БМТнинг Қорақалпоғистон Республикасида тоза энергияни қишлоқ жойларда ташкил этишга қаратилган лойиҳасига мувофиқ 36 та фотозлектростанцияси ишга туширилди. Қораузяк туманида эса 10 та фотозлектростанцияси ер ости сувларини насос орқали олиш учун ишлатилмоқда.

Халқаро ташкилотлар томонидан амалга оширилган йирик экологик лойиҳалар қуйидагилардан иборат:

- барқарор ривожланишнинг миллий стратегияси ва концепцияси (1998-1999 йиллар БМТ);
- чўллашувга қарши чора-тадбирларнинг миллий дастури (1999 йил БМТ);
- биологик хилма-хилликни сақлаш бўйича чора-тадбирлар ва миллий стратегия (1998 йил БМТ);
- орол денгизи ҳавзаси (1994 йил, Жаҳон банки).

Юқорида қайд этилган ва бошқа бир қатор лойиҳаларни жаҳон ҳамжамияти, турли халқаро ва молиявий ташкилотлар томонидан амалга оширилиши маълум даражада Орол денгизи ва у билан боғлиқ муаммоларни ҳал қилишдаги ўрнини янада кўтариш мақсадга мувофиқ. Ушбу лойиҳаларнинг ягона стратегияни амалга оширилишига қаратилиши ва мувофиқлаштирилиши ҳозирги кунда энг долзарб масалалардан бири бўлиб қолмоқда.

Орол денгизи фожиаси глобал ва жаҳон миқёсидаги муаммо эканлигини яна бир бор эътироф этган ҳолда, халқаро ёрдам ва ҳамкорликни ягона тизим асосида қўлайтириш лозим.

Бизнинг фикримизча, БМТ тасарруфида бўлган халқаро Орол жамғармасини ташкил қилиш бўйича тақлифни қўллаб қувватлаш лозим.

Ушбу жамғармани тузиш билан бирга минтақага халқаро ташкилотлар, хорижий давлатлар, хусусий тадбиркор томонидан инвестицияларни жалб қилиш учун қўлай муҳитни шакллантириш керак.

Шу билан бирга халқаро лойиҳалар ва дастурлар фақат экологик кўринишга эга бўлмасдан, минтақани табиий-иқтисодий салоҳиятдан самарали фойдаланган ҳолда барқарор иқтисодий ўсишни таъминлаш ва аҳоли турмуш даражасини орттириш каби муаммоларни ҳал қилишга қаратилган бўлиши катта аҳамиятга эга.

Тўғридан-тўғри Қорақалпоғистон Республикасини барқарор ривожлантириш стратегиясини амалга оширишда халқаро ёрдам ва ҳамкорликнинг асосий йўналишлари қуйидаги аниқ чора-тадбирлар тизимини ўз ичига олади:

- янги инновацион технологияларни жалб этиш асосида сув билан таъминлаш ва канализация тизимини қайтадан ташкил қилиш;

- ернинг унумдорлигини ошириш ва унинг шўрланиш даражасини камайтириш мақсадида сув хўжалиги инфратузилма объектларини тубдан реконструкция қилиш ва техник қуроллантириш;

- мавжуд сув заҳираларидан самарали фойдаланиш учун фан ва техниканинг энг илғор ютуқларини амалиётда жорий қилиш;

- Қорақалпоғистон Республикасининг шимолий қисмида (Орол денгизини қуриб қолган қисми, Амударё ҳавзаси) табиатни ҳимоя қилиш зонасини ташкил қилиш, самарали қишлоқ хўжалиги юритишнинг таркибини шакллантириш;

- экологик чеклашларни ҳисобга олган ҳолда бой минерал хом-ашё конларини қидириш, топиш ва ўзлаштириш ишларини кенгайтириш;



- Орол денгизини қуриб қолиши ва чўллашув жараёнларини ижтимоий-иқтисодий ривожланишига таъсирининг доимий мониторингини ташкил қилиш, ушбу соҳада илмий ишларни (фундаментал ва амалий) кенгайтириш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқиш;

- сув инфратузилмаси объектларида ва маҳаллий хомашё асосида ташкил қилинадиган йирик саноат корхоналарида ишловчи юқори малакали инженер-ирригаторлар, инженер-технологлар, менежерлар тайёрлашни ташкил қилиш.

Халқаро ҳамкорликни алоҳида босқичи сифатида Ўрта Осиё давлатларининг Орол денгизи фожиасига бўлган муносабати ва биргаликда мавжуд муаммоларни ҳал қилишга қаратилган чора-тадбирларда иштироки билан бевосита боғлиқ.

Орол денгизи муаммоларини ҳал қилиш мақсадида 1993 йили бевосита республикамиз иштирокида давлатлараро кенгаш ташкил қилинган эди. Ушбу кенгаш ўз фаолияти давомида маълум бир қатор ишларни амалга оширди. Лекин айрим давлатлар ўртасидаги тушунмовчилик, белгиланган лойиҳаларни ўз вақтида бажармаслик, молиявий нобарқарорлик туфайли кенгашнинг фаолиятини самарали деб бўлмади. Айниқса трансчегаравий Сирдарё ва Амударё сувларидан оқилона фойдаланишда барча давлатларнинг манфаатларини эътиборга олиш, уларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишига салбий таъсири бўйича аниқ келишувга эришилмади. Шу сабабли Орол денгизи муаммосини ҳал қилиш ва Қорақалпоғистон Республикасини барқарор ривожлантириш асосан Ўзбекистон ҳукумати томонидан амалга оширишга тўғри келмоқда.

Ўзбекистон ҳукуматининг минтақани келажакда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш стратегиясини амалга оширишдаги асосий йўналишлари қуйидагилардан иборат:

- халқаро ташкилотлар ва хорижий давлатлардан инвестицияларни жалб қилиш учун қулай шароит яратиб бериш;

- стратегик аҳамиятга эга бўлган тармоқларни

(корхоналарни) ривожлантириш ва жойлаштириш бўйича чора-тадбирлар дастурини ишлаб чиқиш, жумладан ёқилғи-энергетика, кимё, машинасозлик, транспорт, информатика соҳасини модернизациялаш, янгиларини барпо этиш, экспорт салоҳиятини янада ошириш;

- Қорақалпоғистон Республикаси ва қўшни Хоразм вилояти ўртасидаги иқтисодий ҳамкорликни ривожлантириш, биргаликда инвестицион лойиҳаларни амалга ошириш орқали иқтисодий, ижтимоий ва экологик муаммоларни ҳал қилиш;

- аҳолини давлат томонидан белгиланган меъёрлар асосида турмуш даражаси ва сифатини таъминлаш.

Халқаро, давлатлараро ва мамлакат доирасида амалга ошириладиган тадбирлар билан бир қаторда, минтақани стратегик ривожлантириш мақсад ва вазифаларига эришишда маҳаллий ҳокимият (Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар кенгаши, шаҳар ва туманлар ҳокимликлари) нинг ўрни жуда юқоридир. Умуммиллий манфаатларнинг устунлигини таъминлаган ҳолда, маҳаллий ҳокимият органлари минтақанинг ўзига хос хусусиятлари, шарт-шароитлари, мавжуд имконият ва заҳираларни чуқур ва ҳар томонлама таҳлил қилиб барқарор ижтимоий-иқтисодий ўсишдаги ҳиссаларини оширишлари зарур.

Маҳаллий ҳокимият, жамоатчилик, маҳалла фаолиятини мувофиқлаштириш, Қорақалпоғистон Республикасини узоқ муддатли ривожлантириш стратегиясини амалга оширишда муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

Минтақани ривожлантириш стратегиясини амалга оширишда алоҳида иқтисодиёт тармоқлари (соҳаларини) томонидан ишлаб чиқилган дастурлар, лойиҳалар ва мақсадли кўрсаткичларнинг ўрни катта. Мақсадли дастурлар ва прогнозлар тармоқлар бўйича мамлакат ва минтақа даражасида тайёрланади ва амалга оширилади. Жумладан иқтисодиётнинг стратегик тармоқлари бўлиши геология, транспорт, ирригация, газ, энергетика ва кимё соҳаларида дастурлар ва йирик лойиҳалар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарорлари асосида амалга оширилади ва мониторинг қилинади.

Минтақа даражасида асосий эътибор бевосита

Қорақалпоғистон Республикаси ҳукумати томонидан амалга ошириладиган лойиҳалар бўлиб, улар асосан қишлоқ хўжалиги, маҳаллий саноат, экология, ижтимоий соҳа ва ижтимоий инфратузилма объектларига тўғри келади. Ушбу тармоқлар бўйича ҳам ривожлантириш стратегиясига мувофиқ дастурлар, йиллик ва ўрта муддатга мўлжалланган прогноз кўрсаткичларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш лозим.

Айниқса устивор йўналиш бўлган аҳолининг турмуш даражасини оширишга қаратилган ижтимоий соҳа ва ижтимоий инфратузилма объектларини ривожлантиришга қаратилган чора-тадбирлар муҳим аҳамиятга эга. Бу чора-тадбирлар қаторига қуйидагиларни киритиш бизнинг фикримизча мақсадга мувофиқдир:

- кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни барқарор ривожлантириш орқали аҳоли бандлигини ва даромадини ошириш;

- юқори технология ва инновацияга асосланган саноат корхоналари ва хизмат соҳаларини ривожлантириш ва ёшларни доимий иш ўринлари билан таъминлаш;

- янги инновацион технологияларни амалиётда қўллаш орқали аҳолини ижтимоий ҳимоялашнинг маҳаллий шароитга мослаштирилган самарали усуллари қўллаш;

- газ конларини топиш бўйича геология қидирув ишлари ва уларни ўзлаштиришда қатнашаётган йирик хорижий компаниялар билан маҳаллий ҳокимликлар ўртасида ижтимоий ҳамкорлик тўғрисида шартнома (битим, меморандум, аҳдлашув ва бошқалар) тузиш орқали ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш, кадрлар тайёрлаш, янги иш ўринларини ташкил қилишга қаратилган чора-тадбирларни ишлаб чиқиш;

- оғир ва мураккаб табиий-иқлим шароитида фаолият юритаётган ҳудудларда аҳоли учун қулайлик ва қўшимча имтиёзлар яратиш, жумладан, иш ҳақиға устама ўрнатиш бўйича таклифлар тайёрлаш;

- келажакда иқлим ва экологик вазиятнинг ўзгаришининг аҳоли турмуш даражаси ва соғлиғига таъсири-

ни чуқурироқ ўрганиш бўйича тизимли мониторингни ташкил қилиш, илмий тадқиқотларни амалга ошириш лозим. Хавфли касалликларни кенг тарқалиб кетишига йўл қўймаслик мақсадида, уларни олдиндан аниқлаш ва хабар қилиш, махсус профилактика тизими ва соғлиқни сақлаш муассасаларини ривожлантириш;

- аҳолини жойлаштиришнинг узоқ муддатга мўлжалланган дастурини ишлаб чиқиш, шимолий зоналарда жойлашган аҳоли яшаш жойларини хатлов қилиш ва келажаги йўқларни босқичма-босқич бошқа жойларга кўчириш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш;

- уй-жой ва коммунал хўжалигини ривожлантиришда намунавий лойиҳалар асосида сув ва энергияни тежайдиган янги технологияларни қўллаш.

Минтақани ривожлантириш стратегиясининг бевосита механизмлари қаторига қонуний-ҳуқуқий ва меъёрий ҳужжатларни ишлаб чиқиш, ташкилий ва институтционал тузилмаларни шакллантириш, хориж ва маҳаллий тадбиркорларни минтақага инвестицияларни олиб кириши учун қулай ишбилармонлик муҳитини яратиш, иқтисодийнинг барча тармоқларини инновацион ривожланиши учун кенг йўл очиб беришни киритиш мумкин.

Ривожлантириш стратегиясини амалга оширишга қаратилган қонуний-ҳуқуқий ҳужжатларни тайёрлашда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгаши ташаббускор бўлиши, биринчи навбатда Қорақалпоғистон Республикаси конституцияси ва Вазирлар Кенгаши фаолияти доирасида керакли қарорлар қабул қилишни ташкил қилиши керак.

Қорақалпоғистон Республикасида амалга оширилиши керак бўлган ташкилий механизмлар бўйича қуйидагиларни тақлиф қилиш мумкин:

- Турли табиий, иқтисодий, ижтимоий ва экологик хавф-хатарларни олдиндан аниқлаш, уларнинг салбий оқибатларини юмшатиш, ва бартараф этиш бўйича Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашида мониторинг марказини ташкил қилиш;

- Иқлим ва экологиянинг ўзгариши, сув ва

суғориладиган ерларнинг чекланганлигини эътиборга олган ҳолда аҳолини ва ишлаб чиқаришни самарали жойлаштириш бўйича Қорақалпоғистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлигида алоҳида таҳлилий гуруҳни шакллантириш;

- Минтақада қулай ишбилармонлик муҳитини яратиш, тўғридан-тўғри хориж инвестицияларни жалб қилиш мақсадида хусусий инвестиция компаниялари, банк-молия институтлари, бозор инфратузилмалари (консалтинг, суғурта, лизинг) объектларини ташкил этиш ва фаолиятини қўллаб қувватлаш;

- Қорақалпоғистон Республикаси ҳукуматининг минтақада турли манбалар (халқаро ташкилотлар, хорижий давлатлар, тадбиркорлар, мамлакат бюджети, бюджетдан ташқари маблағлар) орқали амалга оширилаётган ва оширилиши мўлжалланаётган барча инвестицион ва бошқа лойиҳаларни мувофиқлаштиришни ташкил қилиш.

Ривожлантириш стратегиясини ташкилий механизмлари қаторига мақсадли дастурларни, йиллик, ўрта ва узоқ муддатга мўлжалланган прогнозларни тайёрлаш ҳам киради.

Мамлакатимиз ва минтақалар доирасида ижтимоий-иқтисодий ривожланишни бошқаришда асосан ҳукумат ишлаб чиққан мақсадли дастурлардан кенг фойдаланилмоқда. Алоҳида минтақалар, туманлар ва шаҳарлар бўйича ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга қаратилган бир қатор дастурлар амалга оширилмоқда. Жумладан “Қорақалпоғистон Республикаси Шуманай туманини 2011-2013 йилларда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш чора-тадбирлари” дастури Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарори билан тасдиқланган (2010 йил 26 ноябрь). Ҳозир ва келажакда тайёрланадиган мақсадли дастурларни (тармоқлар ва минтақалар бўйича) Қорақалпоғистон Республикасини ривожлантириш стратегиясининг мақсад ва вазифалари билан ўзаро боғлаш мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Минтақани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш стратегияси асосида Қорақалпоғистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги томонидан қуйидаги ўзаро бир-

бирига боғлиқ прогноз ҳужжатларини тайёрлашни тақлиф қиламиз:

- Ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг йиллик прогнози;

- Мажмуали барқарор ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг беш йилга мўлжалланган дастури;

- Келажак 10-15 йилларга мўлжалланган иқтисодиётда инновацион техника ва технологияларни қўллашнинг мақсадли дастури;

- Узоқ келажакда (2050 йил) иқлим ва экологиянинг ўзгаришини эътиборга олган ҳолда аҳолини жойлаштириш схемасини ишлаб чиқиш.

Бевосита иқтисодий механизмлар қаторига Қорақалпоғистон Республикасидаги ноқулай экологик вазиятдан келиб чиққан ҳолда давлатнинг бошқа минтақаларга нисбатан ёрдами ва қўллаб-қувватлаши юқори бўлиши лозим. Бу маблағлар давлат бюджети орқали амалга ошириладиган инвестициялар ва субвенциялардан иборат бўлиб, улар асосан йирик саноат корхоналарини, ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфраструктура объектларини ривожлантиришга йўналтирилади.

Иқтисодий механизмларнинг аниқ кўриниши солиқ, кредит ва божхона тўловлари бўйича белгиланадиган қўлайликлардан иборат. Мисол учун Ўзбекистон Республикаси Президентининг қуйидаги фармойишларини айтиб ўтиш даркор:

- Нефт ва газ конларини қидириш ва қазиб олишга тўғридан-тўғри хориж инвестицияларини жалб қилиш бўйича чора-тадбирлар (2000 йил 28 апрель);

- Тўридан-тўғри хориж инвестицияларини жалб қилишнинг қўшимча чора-тадбирлари (2005 йил 11 апрель);

- Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида кичик ва ўрта корхоналарни ривожлантиришни рағбатлантириш бўйича қўшимча чора тадбирлар (2002 йил 11 июнь).

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, Қорақалпоғистон Республикасини ривожлантириш стратегиясини амалга оширишнинг энг асосий механизми бу

инвестицияларни жалб қилишдан иборат. Бунинг учун мавжуд рақобат афзалликларини, жаҳоншумул аҳамиятга эга бўлган Орол денгизи фожиаси оқибатларини халқаро ташкилотлар, хорижий инвесторлар ўртасида тарғиб қилиш муҳим аҳамиятга эга. Бу йўналишдаги чораларга табиий-иқтисодий салоҳиятга, халқаро аҳамиятга эга бўлган туризм ва спорт ўйинларига бағишланган йирик тадбирлар, анжуманлар, симпозиумлар ва кўرғазмаларни ташкил қилишни кўрсатиш мумкин.

Келажакда иқтисодиётнинг асосий ўсиш нуқталари бўлмиш Нукус ва Қўнғирот шаҳарларини мажмуали ривожлантиришга эътиборни қаратиш ҳам стратегияни амалга ошириш катализатори бўлиб хизмат қилади.

Қорақалпоғистон Республикасини ривожлантириш стратегиясини амалга оширишда алоҳида ажратиб олинган механизмга иқтисодиётнинг барча соҳаларида инновацион фаолликни ошириш ва фан-техниканинг энг илғор ютуқларидан унумли фойдаланиш киради.

Янги инновацион тизимни шакллантиришда қуйидагиларга асосий эътибор қаратилиши лозим:

- қуёш ва шамол салоҳиятидан унумли фойдаланган ҳолда энержия ишлаб чиқаришни амалга ошириш (қуёш станциялари, шамолпарклари ва бошқалар);

- сувдан тежаб фойдаланишга қаратилган технологияларни олиб келиш (томчилаб сувғариш ва бошқалар);

- қишлоқ хўжалигида маҳаллий табиий шароитга мослашадиган уруғ, ўсимлик, ҳайвонларнинг янги навларини яратиш;

- ишлаб чиқришда ва бошқарувда энг илғор инновацион-технологиялардан фойдаланишни йўлга қўйиш (компьютерлар, махсус дастурлар, лойиҳалаш ва бошқаришнинг автоматлаштирилган услублари ва бошқалар).

Умуман таклиф этилаётган ривожлантириш стратегиясини амалга оширишнинг йўналишлари ва механизмлари табиий салоҳиятдан унумли фойдаланишга, келажакда кутилаётган хавф-хатарларнинг олдини олишда, минтақада барқарор иқтисодий ўсишни ва аҳоли фаровонлигини таъминлашга олиб келади.

## ХУЛОСА

Илмий тадқиқотни амалга ошириш натижасида қўйидаги хулоса ва таклифлар ишлаб чиқилган:

1. Минтақани ривожлантириш стратегияси мураккаб бошқарув тизимининг муҳим ва ажралмас қисмидир. Стратегия минтақавий ривожланишнинг иқтисодий, ижтимоий ва экологик оқибатларини, меҳнат, молиявий, табиий ва моддий ресурслардан самарали фойдаланиш йўллари кўрсатиб беради.

Узоқ муддатга мўлжалланган ривожланиш стратегиясини мамлакат ва минтақалар доирасида долзарб ва заруриятини қўйидагилар билан асослаш мумкин.

Биринчидан, узоқ ва ўрта муддатли ривожланиш стратегиясига бўлган талабни кескин ошганлигини таъкидлаб ўтиш лозим.

Иккинчидан, узоқ муддатли стратегия ва прогноз иқтисодиётни модернизациялаш шароитида амалга оширилаётган иқтисодий сиёсатнинг самарадордигини оширишнинг муҳим инструменти бўлиб хизмат қилади.

Учинчидан, узоқ муддатли стратегияда иқтисодиётнинг турли тармоқлари ва секторлари ўзаро боғланган ҳолда ягона тизим сифатида таҳлил қилинади.

Тўртинчидан, мамлакат ва минтақанинг узоқ муддатли ривожланиш стратегияси турли ижтимоий гуруҳларни, яъни илмий ходимлар, тадбиркорлар, давлат ва нодавлат ташкилотлари фаолияти ва манфаатларини ягона мақсадга қаратиш учун асос бўлади.

Бешинчидан, узоқ муддатли стратегия тизимли ва маълум даврда такрорланадиган илмий лойиҳа бўлиб, иқтисодий тадқиқотларнинг, жумладан минтақавий иқтисодиётнинг назарияси ва услубиётини ривожлантиришни рағбатлантиради.



Олтинчидан, узоқ муддатли прогнозлар асосан йирик ижтимоий-иқтисодий ва илмий техник ечимларни илмий асослашга қаратилган.

Еттинчидан, узоқ муддатли стратегия натижалари ўз навбатида йирик илмий тадқиқотларни, лойиҳа текширув ишларини амалга оширишда амалиётда кенг қўлланилади.

Саккизинчидан, узоқ муддатли стратегия келажакнинг турли сценария ва вариантларини солиштириш орқали ишлаб чиқилади.

2. Минтақа доирасида мавжуд ва келажак муаммоларни вақтида кўра билиш ва уларни жараён бошланишидан олдин аниқлашга бағишланган иқтисодий тадқиқот услубларидан амалиётда фойдаланиш жуда муҳимдир. Ана шундай услублардан бири сценария услуби ҳисобланади.

Услубий жиҳатдан минтақавий муаммоларни тадқиқот қилишда вазиятни таҳлил қилиш ва сценарияни ишлаб чиқишни асосан учта босқичга бўлиш мумкин.

Биринчи босқичда келажак сценариясининг дастлабки ғоялари аниқланади.

Иккинчи босқичда ижтимоий-иқтисодий ғояларни амалга оширишда қандай вазият ва жараёнлар пайдо бўлиши, уларни минтақавий прогнозлаштиришда акс эттиришга бўлган талаблар кўриб чиқилади.

Учинчи босқичда мамлакат, минтақаватармоқларнинг (йирик корхоналарнинг) манфаатларини эътиборга олган ҳолда ҳар бир муаммони ҳал қилишнинг турли ечимлари (имкониятлари) аниқлаб олинади.

Минтақани барқарор ривожланиши бир қатор ички ва ташқи омилларнинг таъсири билан белгиланади. Улар ҳозирги ва келажак иқтисодиётни ўрганиш ва прогнозлаштиришда стратегик йўналишларни, ҳамда турли сценария ва вариантларни асослашда илмий ва амалий аҳамиятга эга.

3. Ташқи ва ички омилларни таҳлил қилиш ва чуқур ўрганиш доимий жараён бўлиб, улар ихтисослашган илмий ва лойиҳалаштириш ташкилотлари, шунингдек олимлар ва мутахассислар томонидан амалга оши-

рилади. Шунинг билан таъкидлаш лозимки, омилларни баҳолаш минтақада маълум мақсад ва вазифаларни ёки йирик минтақавий муаммони ҳал қилишга қаратилиши лозим.

Ички омилларни асосан иккита катта гуруҳга бўлиш мумкин. Биринчи гуруҳга асосан табиий омиллар киритилган бўлиб, иккинчи гуруҳни иқтисодий омиллар ташкил этади. Иккинчи гуруҳ асосан жаҳон бозоридаги талаб ва таклифнинг ўзгариши, хориж давлатлари билан бево-сита иқтисодий ҳамкорлик алоқаларини кенгайтириш билан боғлиқ.

4. Мустақиллик йилларида Қорақалпоғистон Республикасида институционал ва таркибий ўзгаришларни амалга оширишда маълум ижобий силжишларга эришилди. Ноқулай экологик шароитга қарамасдан минтақада макроиқтисодий ва ижтимоий барқарорликка эришилди, иқтисодиётнинг барча тармоқларида ислохотлар кенг миқёсда амалга оширилди.

Эришилган натижаларга қарамасдан минтақанинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даражаси мавжуд табиий салоҳиятга мос келмайди.

Мавжуд шаклланиган иқтисодиёт таркиби ўзининг бир ёқламалиги, яъни қишлоқ хўжалигининг устиворлиги, саноат салоҳиятнинг пастлиги, ижтимоий соҳа ва аҳолининг талабларига жавоб бермаслиги, табиий ресурслар имконияти билан мослашмаганлиги билан ажралиб туради.

Маълум ижобий натижалар билан бир қаторда саноатнинг ривожланишида тизимли муаммолар мавжуд. Улар қаторига қуйидагилар киради:

- саноатнинг бошқа минтақаларга нисбатан паст даражада ривожланганлиги, унинг таркибини асосан хом-ашё тармоқлари ташкил қилиши маълум мутаносибликларни келиб чиқишига сабаб бўлмоқда;

- мавжуд табиий хом-ашё заҳираларидан фойдаланиш самарадорлиги талабларга жавоб бермайди;

- саноат маҳсулотларини ишлаб чиқаришда кичик бизнеснинг ўрни жуда паст бўлиб қолмоқда;

- истеъмол товарларини ишлаб чиқариш даражаси мамлакат ва бошқа минтақаларга нисбатан паст;

- саноат товарлари ишлаб чиқаришда туманлар ва шаҳарлар ўртасида юқори табақалашув сақланиб қолмоқда, бу эса аҳоли истеъмол талабларини қондиришда муаммоларни келтириб чиқармоқда.

Умуман таҳлил натижалари шуни кўрсатмоқдаки, минтақанинг экспорт салоҳиятининг ривожланиши мавжуд имкониятларга қарамасдан жуда паст даражада (0,1 % Ўзбекистон экспорт ҳажмидаги улуши). Бунинг асосий сабаблари тўғридан-тўғри хориж инвестицияларини жалб қилишнинг аниқ механизмлари ишлаб чиқилмаганлиги, экспорт таркибининг самарали эмаслиги, мавжуд бой табиий ресурслардан оқилона фойдалана олмаслик, айрим кўзда тутилган инвестицион лойиҳаларнинг ўз вақтида амалга оширилмаганлиги билан тушунтириш мумкин.

Транспорт 8,0% ни ташкил қилган. Маълум ижобий сиلاجишларга қарамасдан хизматлар соҳасининг минтақада ривожланиш даражаси ўртача мамлакат ва бошқа ҳудудлардан орқада қолмоқда. Аҳоли жон бошига ҳисоблаганда пуллик хизматлар ҳажми Қорақалпоғистон Республикасида мамлакат кўрсаткичларидан деярли 1,3 марта паст. Айниқса қишлоқ жойларида хизматларинг ривожланиш даражаси аҳоли талабларига тўлиқ жавоб бермайди.

Айрим ижтимоий инфратузилма объектлари билан таъминланиш даражаси нисбатан яхши (уй-жой, табиий газ, касалхонадаги ўринлар) бўлишига қарамасдан, аҳолини сифатли ичимлик суви, таълим ва соғлиқни сақлаш хизматларига бўлган талабларига жавоб бермайди. Қишлоқлар ва шаҳарлар орасидаги тафовут юқори бўлиб қолмоқда. Аҳоли турмуш даражаси ва сифатига Орол денгизи муаммолари ҳам салбий таъсир кўрсатмоқда.

5. Минтақанинг рақобат афзалликлари, биринчи навбатда унинг табиий-иқтисодий салоҳияти орқали шаклланади. Мавжуд нисбий рақобат афзалликлари минтақани келажакда барқарор ривожланиши учун мустақкам замин бўлиб хизмат қилади. Шуни таъкидлаш жоизки нисбий афзалликларнинг, яъни табиий-иқтисодий салоҳиятнинг айрим турлари ижтимоий-иқтисодий ривожланишга ҳам ижобий, ҳам салбий таъсир кўрсатиши мумкин.

Минтақавий таққослашга кўра ишлаб чиқариш инфратузилмасининг ривожланиш даражаси, сув ва сув захиралари бўйича тадқиқот объекти охириги ўринларни эгаллаган. Лекин шу билан бир қаторда минтақа ўзининг нисбий афзалликлари бўлган минерал хом-ашё захираларининг бойлиги ва уларнинг юқори рақобатбардошлиги билан ажралиб туради.

Минтақа Туркменистон ва Қозоғистон давлатлари ҳудудлари билан чегарадош, шунингдек Европа давлатларига чиқишда қулай ва транспорт харажатлари камлиги билан ажралиб туради.

Минтақада табиий газ, газконденсати, нефт, темир, ош ва сульфат тузлари конларини ҳисобга оладиган бўлсак, мавжуд минерал хом-ашё салоҳияти юқори бўлиб, маълум рақобат афзалликларига эга.

6. Қорақалпоғистон Республикасининг келажак ривожланишининг энг муҳим омиллари қаторига сув ва ер ресурслари киради. Ушбу ресурслар узоқ муддатда иқтисод соҳалари ва аҳолининг турмуш фаолиятига тўғридан-тўғри таъсир кўрсатади. Айниқса озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш ва қишлоқ хўжалигининг барқарор ривожланишида, экологик вазиятнинг шаклланишида сув ва ер ресурслари салоҳияти муҳим аҳамиятга эга.

Ўртава узоқ муддатда (2050 йилгача) Қорақалпоғистон Республикасида суғориладиган ерларни сув билан таъминлаш энг қийин ва мураккаб муаммолардан бири бўлиб қолади.

Иқлим ўзгаришлари Ўзбекистон, жумладан Қорақалпоғистон Республикасининг табиий ресурсларига ва ижтимоий-иқтисодий ривожланишига маълум даражада ўз таъсирини кўрсатади.

Ҳозирда ва келажакда иқлим ўзгаришлари Қорақалпоғистон Республикасини ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг барқарорлигига маълум даражада таъсир кўрсатади. Мавжуд бўлажак хавф-хатарларни аниқлаш, уларнинг олдини олиш минтақа ривожланиш стратегиясини ишлаб чиқишда муҳим омиллар қаторига киради. Айниқса сув ресурсларининг камайиши ҳолати,

қишлоқ хўжалигида вужудга келадиган хавф-хатарлар, Орол денгизи билан боғлиқ салбий оқибатларни эътиборга олиш Қорақалпоғистон Республикасининг узоқ муддатда барқарор ривожланишини таъминлаш учун жуда муҳимдир.

7. Бизнинг фикримизча минтақа стратегиясини ишлаб чиқиш қуйидаги принципаал йўналишларни эътиборга олиши лозим (3.1.1-чизма):

- жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг оқибатлари ва хавф-хатарлари, иқлим ва экологик вазиятнинг узоқ даврдаги ўзгариш тенденциялари асосида минтақанинг жаҳон хўжалик тизимига кириб боришини ва ташқи бозор талабларидаги ўрнини аниқлаш;

- умумий табиий салоҳият, сув, ер ва транспорт инфраструктураларига эга бўлган Ўрта Осиё давлатларидаги ижтимоий-иқтисодий вазият, келажакдаги ривожланиш стратегиялари, айниқса трансчегаравий дарё сувларидан оқилна фойдаланиш режаларини ўрганиш;

- Ўзбекистоннинг келажакдаги ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш стратегиясининг асосий йўналишлари, ислохотларнинг устивор вазифалари, иқтисодиётни модернизациялашнинг узоқ муддатли прогноз кўрсаткичларини белгилаб олиш.

Минтақани узоқ муддатда ривожлантириш стратегиясининг асосий хусусиятлари қаторига: унинг кўпроқ таклиф омилига эътибор қаратилишини, чуқурроқ инновацион техника ва технологияларни жорий қилишга қаратилган таклифларни ишлаб чиқилиши, устивор йўналишларни альтернатив вариантлари бўлишлилигини, демография, экология, иқлимнинг чегараловчи эканлигини ҳисобга олишни кўзда тутати.

8. Минтақанинг ўзига хос хусусиятларини эътиборга олган ҳолда ривожлантириш стратегиясининг сценарияларини ўзаро боғлиқ турли йўналишлар бўйича ишлаб чиқиш мумкин.

Орол денгизини қуриш сценарияларининг барчасида қуйидаги салбий оқибатларни кузатиш мумкин:

- ҳавзадаги намликни ёмонлашуви ва атмосферада намликни ушлаб туришнинг камайиши;

- тезда совуқ тушиш қайтарилиш сонининг ошиши;
- қум ва туз кучилари қайтарилишининг ошиши ва қуриган денгиз тубидан уларнинг атрофга тарқалишининг кучайиши;

- чўллашув жараёнининг кучайиши.

Ушбу салбий оқибатларнинг даражаси биринчи ва иккинчи сценарияларда нисбатан юқори бўлиши кутилмоқда.

Асосий сценария сифатида қаралаётган модернизацион иқлим сценариясининг натижалари қуйидагилардан иборат:

- яқин келажакда юқори табиий ўзгарувчанлик шароитида, ҳаттоки ёғинлар миқдори ортган тақдирда ҳам сув оқими ҳажмининг ошиши кутилмайди;

- 2030 йилгача бўлган даврда ҳозирги сув оқим меъёрлари сақланиб қолиши тахмин қилинмоқда;

